

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**М.Т. Алиева.**

## **ТУРИЗМДА САРМОЯ СИЁСАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан 810000 – “Хизмат кўрсатиш” таълим соҳасининг 5810100 – “Туризм”, 5340200 – “Менежмент” (Туризм) бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

**ТОШКЕНТ – 2007**

**Масъул мухаррир проф. А.М.Абдувоҳидов**  
**Такризчилар: проф. А.К. Алиев, А. Темурходжаев**  
**М.Т. Алиева, И.А. Ахмедов Туризмда сармоя сиёсати: Ўқув қўлланма.-Т.: ТДИУ, 2007. -100 6.**

Туризм соҳасида етук мутахассисларни тайёрлашда олий ўкув юрти талабаларига «Туризмда сармоя сиёсати» ўқитилиши алоҳида аҳамиятга эга. «Туризмда сармоя сиёсати»ни бошқариш назарияси миллӣ иқтисодиётимизда амалий жиҳатдан янги йўналиш ҳисобланади. Ўтиш даври жарабёнида сармоя сиёсати ва хорижий сармояларни жалб қилиш ўта мухимдир.

Ушбу кунда бевосита сармоя сиёсатининг асосий қоидалари ва тартибларини, халқаро туризмнинг замонавий ҳолатини белгилашда, Ўзбекистон туризм мажмуаси, Ўзбекистонда туризм тизимини таҳлил қилиш, меҳнат тақсимоти, соҳа мутахассисларни тайёрлаш, туризмнинг ривожланиш истиқболлари ҳамда бошқариш хақида назарий ва амалий билим берга оладиган ушбу қўлланмада асосий дикқат-эътибор халқаро тажрибалар ва уларнинг модулларини ўрнатишга қаратилган.

Ўқув қўлланма Олий ўкув юрти талабалари ва шу соҳага қизиқувчи мутахассисларга тавсия қилинади.

**Ответственный редактор проф. А.Абдуваҳидов**  
**Рецензентў: проф. А.К. Алиев, А. Темурходжаев**  
**М.Т. Алиева, И.А. Ахмедов. Инвестиционная политика в туризме: Учебное пособие.–Т.:ТДИУ, 2007.-100 с.**

Обучение дисциплины «Инвестиционная политика в туризме» студентов ВУЗов имеет особое значение в подготовке профессиональных специалистов в сфере туризма. Теория управления «Инвестиционной политики в туризме» считается практически новым направлением в национальной экономике. Инвестиционная политика и привлечение иностранных инвестиций крайне важны в процессе перехода.

В учебном пособии уделено особое внимание международным опытам и установлению их моделей, дающих теоретическое и практическое знание о перспективах развития туризма, подготовке специалистов этой сферы, разделении труда, анализ системы туризма в Узбекистане, туристическом комплексе Узбекистана, определении современного положения туризма, основных правил и порядков непосредственной инвестиционной политики и управления в сегодняшнее время.

Учебное пособие рассчитано на студентов ВУЗов экономического направления и специалистам, интересующимся этой сферой.

**Responsible editor prof A. Abduvahidov**  
**Reviewers: prof. A.K.Aliev, A.Temurhodjaev**  
**M.T. Alieva, I.A. Akhmedov. Investment a policy in tourism: The manual. –T.: TSEU, 2007.-100 p.**

Training of discipline the “Investment a policy in tourism” students of high schools has special value in preparation of professional exerts in sphere of tourism. The theory of management “The investment policy in tourism” is considered the politician practically new direction in to national economy. Investment a policy and attraction of foreign investments are extremely important in transient.

In the it is paid special attention to the international experiences and an establishment of their models, giving theoretical and practical knowledge of prospect development of tourism, preparation of experts of this sphere, a division of labour, the analysis of system of tourism in Uzbekistan, a tourist complex of Uzbekistan, definiton modern position of international tourism, key rules and Orders to directly investment policy and managements During todays time.

The manual is calculated on students of high schools economic a direction and to the experts, were interested by this sphere.

©Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2007.  
©Ташкентский государственный экономический университет, 2007.  
©Tashkent state of economical university, 2007.

## **МУНДАРИЖА**

КИРИШ.....	5
1-боб. ТУРИЗМДА САРМОЯ СИЁСАТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА АҲАМИЯТИ.....	7
1.1. Туризмда сармоя сиёсати фанининг мақсади ва вазифаси.....	7
1.2. Халқаро туризмнинг жаҳон хўжалиги тизимидағи аҳамияти.....	8
1.3. Халқаро туризмнинг замонавий ҳолати.....	9
2-боб. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИНГ РОЛИ.....	12
2.1. Халқаро туризм индустрисининг моҳияти.....	12
2.2. Халқаро туризмнинг хусусиятлари.....	15
2.3. Туристларни Ўзбекистонга жалб қилиш усуслари(фаолиятлар режаси).....	16
3-боб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ..	20
3.1. Ўзбекистон туризм индустрисининг:	
а) кучли томонлари	
б) заиф томонлари	
в) келажакдаги қулай имкониятлари	
г) ташвишли жиҳатлари.....	20
3.2. Ўзбекистон учун ҳаракат режаси.....	21
4-боб. ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ХОРИЖИЙ САРМОЯНИНГ АҲАМИЯТИ.....	25
4.1. Халқаро туризмни ривожлантиришда хорижий сармояларнинг роли...	25
4.2. Туризм индустрисида хорижий сармояларнинг усуслари ва шакллари.....	27
4.3. Туризмни ривожлантиришни молиявий таъминлаш ва унинг режаларни бажаришдаги роли. Туризм соҳасидаги сармоя сиёсати ва стратегияси.....	29
4.4. Эҳтиёжлари ва туризмни молиявий таъминлаш йўналишлари тузилиши.....	30
4.5. Туризмни молиявий таъминлаш манбалари.....	32
4.6. Туризм соҳасига инвестицияларни рағбатлантириш.....	33
4.7. Ўзбекистон меҳмонхоналарини ривожлантиришда сармоялар ва уларнинг роли.....	34
5-боб. ТУРИЗМ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ РИВОЖЛANIШ МУАММОЛАРИ.....	41
5.1. Ўзбекистонда туризмнинг ҳолати таҳлил қилиш.....	41
5.2. Туризм ривожланишининг муаммолари.....	44
6-боб. ТУРИЗМ СОҲАСИННИНГ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ.....	51
6.1. Туризм соҳаси муаммолари.....	51
6.2. Туризм ривожланиши истиқболи.....	52

<b>7-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛ МАСИНИНГ БУГУНГИ АҲВОЛИ.....</b>	<b>57</b>
7.1. Туризмнинг замонавий ҳолати.....	57
7.2 Асосий туризм районлари.....	58
<b>8-боб. ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ҚОНУНИЙ-ХҮҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....</b>	<b>62</b>
8.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари.....	62
8.2. Республикада иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш.....	65
8.3. Хорижий сармояларнинг ҳуқуқий асослари (жаҳон тажрибаси.....	67
Хулоса.....	74
Атамалар луғати.....	77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	84
Илова.....	90
Педагогик технология.....	93
Ахборот технологияси.....	98

## **КИРИШ**

"Туризмда сармоя сиёсати" фани туризм йўналишида, менежмент (Туризм) йўналишларида таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган. Ушбу фаннинг мақсади Ўзбекистонда "Халқаро туризм"нинг давлатлараро муносабатлар ва ўзаро алоқалар тизимида сармоя сиёсати, ўрни ва резервларини аниқлашдан иборатdir.

Ўзбекистон бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамияти ривожланган хукукий демократик давлат қуриш, жаҳон ҳамжамиятига тараққий топган давлат сифатида қўшилиш йўлидан бормоқда. Республикада жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ҳар томонлама халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришга йўналтирилган изчил сиёсат амалга оширилмоқда. Хорижий мамлакатларнинг кўпчилиги билан иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик ривожланмокда. Ўз даврида тараққий этган ва ҳозирда юқори ривожланган етакчи давлатлар тажрибаси республикамиз учун ниҳоятда қимматлидир.

Республикада туризм индустрясини ривожлантириш учун янги йилларни интенсив равишда тўўплаш ва ўзлаштириш ҳамда шу асосда бутун хўжалик механизмини ўзгартиришнинг истиқболли дастурини шакллантириш зарур. Бу жараён кўпроқ даражада мақсадга йўналтирилган ҳолда бориши учун турли-туман усуслар, иш юритиш шакллари таҳлил қилиб чиқилди, чет эл тажрибасидан фойдаланилди.

“Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора –тадбирлари тўғриси”да Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, жумладан, бу борадаги расмиятчилик тўсиқларини бартараф этиш ва шу асосда хизматлар хажмининг юқори суратларда ўсишини таъминлаш ҳамда 2010 йилгача уларнинг ЯИМдаги улушкини 49 % етказиш лозим.

Республика Президентининг 2005 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маъruzасида ҳам иккинчи муҳим устувор йўналиш — таркибий ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чукурлаштириш, унинг қўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шароитларни яратишдан иборатdir деб таъкидлаб ўтган эди<sup>1</sup>.

Кўпгина таркибий қисмлардан ташкил топган туризм соҳасининг йўналиши барча жабҳага эътибор қаратишни талаб қиласи. Бу фаолиятда "Буюк Ипак Йўли" туризм йўналишининг имтиёзли равишда моддий-техник

<sup>1</sup>. Каримов И.А. “Эришилган ютукларни мустаҳкамлаб, янги мэрралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим”// Халқ сўзи. 2006 йил 11 февраль.

базасини мустаҳкамлашнинг роли алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу йўналишнинг амалга оширилишига кўплаб халқаро ташкилотлар, шу жумладан ЮНЕСКО ҳам қизиқиш билан қарамоқда. Мазкур мақсадларни амалга оширишда қўйидаги вазифалар илгари сурилмоқда, шу жумладан:

- туризмнинг моддий - техника базасини ривожлантириш учун хорижий сармояларни ҳар томонлама жалб қилиш;
- хорижий фирмалар билан тадбиркорлик соҳасидаги ҳамкорликдан фойдаланиш;
- хўжалик фаолиятини юритишининг илгор шаклларини қўллаш;
- хорижий сармояларни жалб қилиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, хусусан, қонунчилик базасини такомиллаштириш;
- туризм бозорини шакллантириш бўйича мақсадли сиёсатни юритиш ва бошқалар.

Туризм корхоналари фаолиятининг барча муҳим жиҳатлари кўзда тутилган холда ҳамкорлик масаласининг кўтарилиши туризмнинг моддий базасини ривожлантириш учун қўшимча маблағлар ишлаб топишга имкон беради.

## **1-боб. ТУРИЗМДА САРМОЯ СИЁСАТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА АҲАМИЯТИ**

- 1.1. Туризмда сармоя сиёсати фанининг мақсади ва вазифаси.**
- 1.2. Халқаро туризмнинг жаҳон хўжалиги тизимидағи аҳамияти.**
- 1.3. Халқаро туризмнинг замонавий ҳолати.**

### **1.1. Туризмда сармоя сиёсати фанининг мақсади ва вазифаси**

Мазкур курснинг мақсади Ўзбекистонда “Халқаро туризм”нинг давлатларо муносабатлар ва ўзаро алоқалар тизимида сармоя сиёсатининг ўрни, роли ва резервларини аниқлашдан иборатdir.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитларида, ташкилий бошқарув шаклларидан қатъий назар, туризм соҳасида сармоя сиёсатидан, унинг барча серкирра жиҳатларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Туризм сиёсатнинг мақсади хорижий инвесторларга Ўзбекистон туризмига ўзларининг молиявий ва интеллектуал маблағларини сарфлаш “хуқуқ”ларини беришдан иборатdir.

Ўзбекистоннинг ноёб географик ва географик-сиёсий мавқеи фойдаланмай қолиб кетмаслиги керак, доимо ва ҳар жойда қўшма корхоналар ва ҳамкорликдаги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, туризм комплексларни қуриш йўли билан хорижий сармояларни жалб қилишнинг барча мавжуд имкониятларидан фойдаланиш зарур.

Республикада туризм индустрясини ривожлантириш учун янги тамойилларни интенсив равишда тўплаш ва ўзлаштириш ҳамда шу асосда бутун хўжалик механизмини ўзгартиришнинг истиқболли дастурини шакллантириш зарур. Бу жараён кўпроқ мақсадга йўналтирилган ҳолда бориши учун турли-туман усууллар, иш юритиш шакллари таҳлил қилиб чиқилди, чет эл тажрибасидан фойдаланилди.

Кўплаб таркибий қисмлардан ташкил топган туризм соҳасининг иши унинг беистисно барча йўналишларига эътибор қаратишни талаб қиласди. Аммо, бу фаолиятда “Ипак Йўли” туризм маршрутини қуришга имтиёз берган ҳолда моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг роли алоҳида аҳамиятга эгадир, бу маршрутнинг амалга оширилишига кўплаб халқаро ташкилотлар, шу жумладан ЮНЕСКО ҳам қизиқиши билан қарамоқда.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун барча куч ва воситаларни бирлаштиришни кўзда тутадиган вазифалар илгари сурилмоқда, шу жумладан:

- туризмнинг моддий-техник базасини ривожлантириш учун хорижий сармояларни ҳар томонлама жалб қилиш;
- хорижий фирмалар билан тадбиркорлик соҳасидаги ҳамкорликдан фойдаланиш;
- хўжалик фаолиятини юритишнинг илгор шаклларини қўллаш;
- хорижий сармояларни жалб қилиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, хусусан, қонунчилик базасини такомиллаштириш;

-туризм бозорини шакллантириш бўйича мақсадли сиёсатни юритиш ва бошқалар.

Масаланинг туризм корхоналари фаолиятининг барча мухим жихатлари кўзда тутилган ҳолда бундай қўйилиши туризмнинг моддий базасини ривожлантириш учун қўшимча маблағлар ишлаб топишга имкон беради.

Шуни қайд қилиш лозимки, республикада туризмни ривожлантириш дастурларини кўриб чиқиша ва шу мақсадда хорижий сармояларни жалб қилишда қўйидагиларга эътибор бериш лозим:

-талабалар туризм индустрисига сармояларни, шу жумладан хорижий инвестияларни қандай қилиб жалб қилиш;

-инвестиция қўйилмаларнинг туризм хизматларига бўлган талаб ва таклифни хисобга олган ҳолда қандай режалаштирилиши;

-сарфланган сармояларнинг амал қилаётганлигини таҳлил қила олишни билишлари зарур.

## **1.2. Халқаро туризмнинг жаҳон хўжалиги тизимидағи аҳамияти**

Халқаро туризмнинг ўсиб бораётган обрўси, унинг замонавий жамият хаётидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий аҳамияти жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан эътироф қилинган. Туристлар билан фаол ўзаро алмашувга иқтисодий интеграция жараёнларининг мухим таркибий қисми ҳамда халқаро инсонпарварлик ҳамкорлигини ривожлантиришнинг ажralmas қисми сифатида қаралмоқда. Халқаро туризм хақиқатдан ҳам улкан истиқболга эгадир. 2002 йилда унинг ҳажми 702 млн. чет эл сафарларидан иборат бўлиб, уларга 447млрд. АҚШ доллига яқин маблағ сарфланди. 2002 йилга келиб туризм бир қатор мамлакатларда асосий хизмат кўрсатиш соҳасига айланиб, нефт қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш ва автомобилсозлик каби иқтисодиётнинг анъанавий илфор соҳаларидан ўсиб кетиши ҳам мумкин<sup>2</sup>.

Асосий фикр шуки, туризм, айниқса халқаро туризм бу давлатнинг иқтисодий манфаатлари соҳасидир. Ўзбекистонда мустақилликка эришгач иқтисодиётда устувор йўналишларни ўзил-кесил аниқлаб берди. Мамлакатимиз Президентининг, ҳукуматимизнинг меҳнатлари ва уринишлари халқ хўжалининг барча соҳаларини бир текис ва изчил ривожлантиришга қаратилди. Туризмни ривожлантишишга берилаётган эътибор бугунги кунда ўз натижаларини бера бошлади. Чунки халқаро туризм валюта тушумлари манбаи, халқнинг маданий-маърифий даражасини ошириш воситаси ва нихоят, бозор иқтисодиётини минтақавий шароитларда ривожлантириш механизмидир.

Ўзбекистонда халқаро туризм халқ хўжалигининг энг истиқболли соҳасидир, у ЯММ ва валюта тушумларининг асосий ўсиш манбаига айланиши мумкин. Масалан, XСТнинг маълумотларига кўра, Самарқанд, Бухоро ва Хивага саёҳат қилишни истовчилар ҳар йили 10 млн. кишидан кам бўлмайди. Бу

<sup>2</sup> [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация

фақат Европа мамлакатларидаги ахвол. Агар хар бир турист унга республикада кўрсатилган хизматлар учун кунига ҳеч бўлмагандан 100 доллар қолдириб кетса, валюта тушумларининг йиллик хажми 5 млрд. доллардан ортиши мумкин. Гап кадрлар тайёрлаш ишига, юқори тоифа меҳмонхоналар, ресторонлар ташкил қилиш, улардаги хизмат кўрсатиш савиясини оширишга бориб тақалади.

Ўзбекистоннинг тарихий мероси бу ерга туристларни жалб қилишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Сайёрамизда тарихи бой, аммо кенг оммага маълум бўлмаган, ёдгорлик обидалари кўп бўлган жойлар жуда кам қолди. Ўзбекистон бой маданий меросга ва мусаффо табиий минтақаларга эга бўлган мамлакатdir. Бу ерда Александр Македонский, Чингизхон ва Амир Темур давридан қолган 4000 дан ортиқ тарихий ёдгорликлар бор. Фаргона водийси корли тоғлар билан ўралган, мамлакатдаги энг хушманзара табиий минтақадир. У бу ерда чанги спортини ривожлантириш имконияти мавжуд.

### **1.3. Халқаро туризмнинг замонавий ҳолати**

Аммо республикада туризмнинг бугунги кундаги ахволининг таҳлили шуни кўрсатадики, унинг ноёб салоҳият ва имкониятларидан ғоятда кам фойдаланилмоқда. Ўзбекистон халқаро туризм бизнесида анча орқада қолиб келмоқда. Бунга сабаб аввало шуки, республика иқтисодиёти ва шу жумладан туризм соҳаси ислоҳотларнинг дастлабки босқичида қийин аҳволда қолди: илгари етарлича йўлга қўйилган “вертикал” алоқалар бузилган эди, иқтисодий алоқалар янги шароитларда “горизонталлар” бўйича мақсадли ривожланмаётганлиги оқибатида анчагина жиддий қийинчиликлар юзага келди. Ўзбекистон учун бу муаммоларнинг барчасини ечиш ғоятда мушкул. Ҳозирги кунда хорижий ёрдам, катта сармоялар керак бўлмоқда. Ўзбек туризми олдида турган асосий вазифа хорижий инвесторларни мумкин қадар кўпроқ жалб қилишдан иборатdir. Бу инвесторларни Ўзбекистоннинг улар учун айни ўз сармояларини бажонидил ва ишончли сарфлашлари мумкин бўлган жой эканлигига ишонтира олиш, буни исботлай олиш лозим. Бевосита хорижий сармояларни қўшма корхоналар ташкил қилиш, туристик комплексларни ҳамкорликда кўриш ва улардан фойдаланиш мақсадида кенг кўламда жалб қилиш, ишлаётган обьектларни қайта таъмирлаш ва замонавийлаштириш туризмни ривожлантириш сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Хорижий сармоя билан таъминлашнинг устувор йўналишлари қаторига транспорт, телекоммуникациялар - ахборот хизматлари, тадбиркорлик инфратузилмаси ва туризм сервисидан ташкил топган туризм инфратузилмасини шакллантиришни киритиш мумкин. Бу вазифаларни хал қилмай туриб, хақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва халқаро сармоя фаолиятини кенг миқёсда ривожлантириш мумкин эмас. Хар қандай сармоя капиталининг асосий харакатлантирувчи кучи хорижий инвесторнинг максимал фойда олишдан манбаатдорлигидир шунинг учун хорижий капитал тушумини шакллантириш учун фойда меъёрлари, таваккалчилик даражаси, рағбатлантиришлар ва кафолатларнинг

мувозанатлашган мажмуасини таъминлаш зарурдир.

Ўзбекистон катта салоҳият. Серқуёш осмон ва сержило қорли чўққиларнинг ажойиб уйғунлиги, гўзал манзаралар, қулай табиий шароит, тарихий жойлар ва қадамжоларнинг кўплиги ва гоятда қулай географик жойлашувга эгадир. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида, Европани Яқин Осиё мамлакатлари билан, Осиёни эса Осиё-Тинч океан минтақаси мамлакатлари билан бирлаштирувчи савдо йўлларининг кесишган жойида жойлашган. Аммо бунинг ўзи кам. Дунёда хорижий инвесторлар ўз маблағларини бажонидил сарфлашга тайёр турган туристик комплекслар жуда кўп. Ўзбек туризмининг вазифаси ана шу сармояларни Ўзбекистон томонига буриб юборишдан иборат. Шубҳасиз, сиёсий барқарорлик ва мавжуд катта иқтисодий салоҳият ҳаммани ҳам ўзига тортади. Мамлакатда хорижий инвесторларни жалб қилиш учун яхши қонуний-хукукий асос яратилган. Шунга қарамай, бугунги кундаги асосий вазифа Ўзбекистонлик ва чет эллик шерикларнинг ҳамкорлик қилиш дастурини ишлаб чиқишидир. Бунинг учун эса барча мавжуд воситалардан фойдаланиш лозим. Масалан, статистик маълумотлардан фойдаланиш. Бундай маълумот туризм салоҳиятини ёритиш учун муҳим роль ўйнайди. Бундай маълумотлар туризм сиёсатини белгилаб олиш, башоратлар ишлаб чиқиш, туризм инфратузилмасига сармоя эҳтиёжларини таҳлил қилиш ҳамда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш учун талаб қилинади. Туризмнинг иқтисодий аҳамиятини мамлакат миқёсида ҳам, алоҳида минтақалар учун ҳам яхши билиш лозим. Маълумки, туристик фирмаларнинг кўпчилиги анча чекланган ресурсларга эгадир ва шунинг учун бошқа фирмалар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш зарур.

Мазкур курснинг мақсади Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасининг бугунги ҳолатини ўрганиш, соҳада мавжуд бўлган муаммоларни таҳлил қилиш, юзага келган мураккаб ахволдан чиқиш йўлларини қидиришдан иборат бўлиб, бунда асосий эътибор хорижий капитални жалб қилишга қаратилади, шу тариқа туризм соҳаси учун халқаро майдонга чиқиш имконияти яратилади.

Курс давомида Ўзбекистонда туризм инфратузилмасининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинади, давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишлари ва унинг хорижий сармояларни жалб қилишдаги роли ўрганиб чиқилади, Ўзбекистон Республикасининг хорижий инвесторларни жалб қилишда гоятда муҳим бўлган ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунчилиги шарҳланади ҳамда жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш стратегияси кўрсатиб берилади.

## Хунос

Туризм, айниқса халқаро туризм, бу давлатнинг иқтисодий манфаатлари соҳасидир. Мамлакатимиз Президентининг, хукуматимизнинг меҳнатлари ва уринишлари халқ хўжалигининг барча соҳаларини бир текис ва изчил

ривожлантиришга қаратилди. Туризмни ривожлантишишга бериләтган эътибор бугунги кунда ўз натижаларини бера бошлади. Чунки халқаро туризм валюта тушумлари манбай, халқнинг маданий-маърифий даражасини ошириш воситаси, ва ниҳоят, бозор иқтисодиётини минтақавий шароитларда ривожлантириш механизмидир.

### **Таянч иборалар**

Халқаро туризм, туризм индустрияси, туризм инфратузилмаси, туризмни ривожлантириш сиёсати, туризмга қилинган сармоялар, туризмнинг аҳамияти

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

- 1.“Халқаро туризм” тушунчаси нимани англатади?
- 2.“ Туризмда сармоя сиёсати” курсининг предмети ва вазифалари.
3. Туризм индустриясидаги сармояларни сиз қандай тушунасиз ва уларнинг миллий иқтисодиёт учун қандай аҳамияти бор?
4. Халқаро туризмни жаҳон хўжалиги тизимидағи аҳамияти.
5. Халқаро туризмни замонавий холати.
6. Ривожланган давлатлар томонидан ажритилган сармоялар ҳақида тушунча.
7. Миллий иқтисодиётнинг шаклланишида халқаро туризмнинг аҳамияти
8. Халқаро туризмни ривожлантиришда халқаро меъёрий хужжатларнинг роли
- 9 .Туризм соҳасининг муаммолари ва уларнинг хал қилиш йўллари.
10. Ўзбекистонда туризм ахволини таҳлил қилиш.

### **Адабиётлар**

1. Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма.- М.: Новое знание, 2004.
2. Гуляев В.Г.Правовое регулирование туристической деятельности.-М., 2003.
3. Балабанов И.Т. Экономика туризма. -М.: Финансў и статистика, 2004.
4. Ефремова М.В. Основў технолгии туристического бизнеса.-М., 2003.
5. Александрова А.Ю. Международнўй туризм: Учебное пособие. – М.: Аспект Пресс, 2004. -220-224 с.
6. Валдайцев С.В., Воробьев П.П. Инвестиции: Учебник. -М.: ТК Венби, издательство Проспект, 2003.
7. Жукова М.А. Индустрія туризма: “Менеджмент организаций”, 2004.
8. Stephen J Page, Paul Brunt, Graham Busby and Jo Connell, Tourism: a modern synthesis, Printed in Italy by G. Canale & Co 2001
9. Richard Sharply and David J. Telfer, Tourism and Development, 2002
- 10.[www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация.
- 11.[www.wttc.org](http://www.wttc.org) – Всемирнўй Совет по путешествиям и туризму.
- 12.[www.interunion.ru](http://www.interunion.ru) – туристские ассоциации.

## **2-боб. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИНГ РОЛИ**

### **2.1. Халқаро туризм индустриясининг моҳияти.**

#### **2.2. Халқаро туризмни хусусиятлари.**

#### **2.3. Туристларни Ўзбекистонга жалб қилиш усуллари (фаолиятлар режаси).**

### **2.1. Халқаро туризм индустриясини моҳияти**

Ўзбекистон келажакда муҳим халқаро туризм пунктига айланиши мумкин.

Нима учун? Чунки Ўзбекистонда:

а) Буюк Ипак Йўлининг чорраҳаларида жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Хива каби ноёб тарихий шаҳарлар;

б) меҳмондўст халқ бор.

Кўпгина мамлакатлар ўзларининг ноёб жиҳатларини мақтаб, ўзларини кўрсатадилар. Аммо уларнинг кўпчилиги бир хилдир. Ўзбекистон эса ўзининг меҳмондўстлиги, халқининг кўнгли очиқлиги билан ажралиб турди, бу туристларниң мамлакатимизга такрор-такрор келишларига сабаб бўлади, бу эса кучли ракобат кетаётган индустрияда муҳим устунликдир. Аммо, муҳим туризм маркази бўлиш осон кечмайди. Ўзбекистонга саёҳат қилиш учун хеч ким навбат кутиб тургани йўқ, саёҳат қисса бўладиган 230 та мамлакат бор.

Турист Ўзбекистонга фақат Самарқандда Регистон майдони, Амир Темур мақбараси ва бошқа тарихий жойлар борлиги, янги меҳмонхоналар, ўзбек ҳаво йўлларида янги ҳаво йўллари бор бўлганлиги учунгина келмайди.

Агар биз:

- уларга Ўзбекистон ҳақида сўзлаб берсак;
- туристик жойларда рекламани кучайтирасак;
- улар учун бу ёққа келишни осон ва арzon қилиб қўйсак;
- уларни хизмат кўрсатишнинг ажойиб воситалари, уларнинг боришни истаётган гўзал дам олиш жойлари билан таъминласак,
- уларга биз уларга кўрсатишни маъқул кўрган нарсаларни эмас, балки ўзлари хоҳлаган нарсани бера олсақ, шундагина улар кўплаб бошқа туризм пунктлари орасидан айнан Ўзбекистонни танлайдилар.

Халқаро туризм индустрияси бугунги кунда туризм нефть ёки автомобиль индустриясидан ҳам катта жаҳондаги энг катта индустрияга айланди. Халқаро Туризм Ташкилотининг 2002 йилдаги сўнгги статистик маълумотларига кўра, қуйидаги ахборот халқаро туризм индустриясининг ҳажмларини кўрсатади.

Хажмлар/Харажатлар, 2002

702 млн. киши чет элларга сафар қилиб, у ерда 24 соатдан кўп вақт бўлган. Улар танлаган мамлакатларда 447 млрд. сарфланган.

1-жадвал

Туристларнинг 2002 йилдаги сафарлари

№	Мамлакатлар номи	Сони, млн.	Даромад, млрд.
1.	Европа	400	240
2.	Америка қитъаси	114	114
3.	Шарқий Осиё/ Океания	131,2	94,6
4.	Африка	29	11,7
5.	Яқин Шарқ	27,9	12,9
	Жами	702 млн.	474

Европа энг кўп сафар қилинадиган минтақа бўлиб келмоқда – халқаро саёҳатларнинг 2/3 қисми Европага тўғри келади.

2-жадвал

2002 йилда туристлар кўпроқ келган мамлакатлар

№	Мамлакатлар номи	Сони, млн.	Даромад, млрд.
1.	Франция	77	32
2.	Испания	52	33,6
3.	АҚШ	42	66
4.	Италия	40	27
5.	Хитой	37	20,3
6.	Англия	24,1	17,5

Хукумат томонидан ажратиладиган бюджетлар 2002 йилда, аввалги йиллардагидек, туризм пунктлари томонидан ҳукуматларнинг миллий бюджети ҳисобидан маркетинг учун юзлаб миллион долларлар сарфланди<sup>3</sup>.

3-жадвал

№	Мамлакатлар номи	Сони, млн.	Даромад, млрд.
1.	Венгрия	15,8	3,2
2.	Россия	8	4,1
3.	Туркия	12,8	9
4.	Испания	52	33,7
5.	Польша	14	4,5
6.	Ҳиндистон	2,3	2,9
7.	Япония	5,2	3,5

<sup>2</sup> Манба БТТ маълумотларига кўра, 2003, сентябр.

Масалан:

4-жадвал

Маркетинг учун сарфланган маблағлар

№	Мамлакат	Маблағ, млн.
1.	Франция	72
2.	Польша	7
3.	Туркия	20
4.	Испания	78
5.	АҚШ	15
6.	Ирландия	37
7.	Хитой	5

Бу мамлакатлар ҳукуматларининг туризм маркетинги ва рекламасига қандай маблағлар сарфлаётганилиги хақидаги кўрсаткичлардан баъзилариdir.

Нима учун ҳукуматлар ўз мамлакатларида маркетинг учун маблағ сарфлайдилар?

Бугунги кунда 210 млн. киши туризм соҳасида ишламоқда (жаҳондаги жами иш билан банд аҳолининг 1/10 қисми):

-Туризм - сервис (хизмат кўрсатиш) индустриси бўлиб, меҳмонхона ва ҳаво йўллари индустрисидан фарқли равишда, капитал сарфларини келишини талаб қилмайди, ишлаб чиқариш индустриси эса бунга муҳтождир. Тадқиқотлар туризмда иш ташкил қилишнинг учун ишлаб чиқариш индустрисидан 40% камроқ ҳаражат талаб қилишини кўрсатди;

-Туризм маҳаллий аҳолининг фойдасига ишни минтақаларга ва теварак-атрофдаги ҳудудларга тарқатади. У ишлаб чиқариш индустрисига, унинг бефойда марказлашувига ўхшаб марказлашмаган;

-Туризм, шунингдек, инсонларда ўз тили, тарихи, маданияти, мусикаси ва ҳунармандчилиги учун ифтихор туйғусини уйғотади, туристларни энг қизиқтирувчи жихат ҳам айни шудир.

-Туризм долларлар, фунтлар, йенлар, франклар ва маркалардаги ғоятда муҳим хорижий тушумларни тўплайди, бу эса мамлакат бюджетининг баланс тўловларига қимматли хисса бўлади.

Хозирча жаҳондаги туризм пунктлари ичida Франция, Испания ва АҚШ биринчи уч ўринни эгаллаб туришибди, Осиёда Хитой, Шарқий Европада Польша ва Чехия Республикаси каби янги саёҳат масканларининг пайдо бўлиши Ўзбекистонга алоҳида қизиқиши билан қаралмоқда<sup>4</sup>.

Шунингдек, Ипак йўлида жойлашган, Ўзбекистон билан туризм соҳасида рақобатлашадиган мамлакатлар туризмда анча илгарилаб кетган, масалан:

- Хитой - 36,8 млн.  
Туркия - 12,8 млн.  
Ҳиндистон - 2,3 млн.

<sup>4</sup> [www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz) –Ўзбектуризм МК

2002 йилда кўпроқ саёҳат қилганлар:

1. Германия - 75 млн. сафар
2. Америка қитъаси - 52 млн. сафар
3. Буюк Британия - 45 млн. сафар

Булар туристлар етказиб берувчи энг йирик мамлакатлардир, табиийки, улар барча халқаро туризм масканлари учун мўлжал бўлади, шунинг учун улар бутун дунёдаги саёҳатчиларни 30%ни таъминлайдилар. Албатта, Япония (энг кўп харажат қилувчи), Франция ва бошқа Фарбий Европа мамлакатлари каби мамлакатлар ҳам бунда ўз улушига эгадир, аммо кўпчилик саёҳат масканлари юқорида кўрсатилган учта сабабда жамланган.

## 2.2. Халқаро туризмнинг хусусиятлари

Халқаро туризм индустряси жаҳондаги энг катта индустрядир ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олмаганда ва маҳсулотга эмас, маркетингга асосланади. Бу эса истеъмолчиларни биз улар зарур деб ҳисоблаган нарса билан эмас, улар истаётган маҳсулот ва хизматлар билан таъминлашни англатади.

Бунинг барчаси маркетинг тадқиқотлари билан яқин алоқада иш олиб боришни тақозо қиласди. Бир нечта мисол келтирамиз:

1. Агар туристларнинг фақат меҳмон уйларида жойлашишгагина қурби етса, уларни 5-юлдузли меҳмонхоналарга жойлаштиришга уринишнинг ҳожати йўқ.
2. Агар Хитой, Туркия ва Ҳиндистон дам олиш пэкиджлари маркетинги билан шуғуллана бошлаган бўлса ва бунинг таркибида қуидагилар бўлса:

- авиачипта харажатлари;
- меҳмонхона харажатлари;
- ички транспорт харажатлари;

У ҳолда, Ўзбекистон ҳам айнан шу нархларда айнан шу иш билан шуғулланиши лозим. Маҳсулотга асосланган бундай ёндашув Ўзбекистондаги туроператорлар учун қандай нархлар ва маҳсулотлар тўғри келишини хал қиласди.

Маркетингга асосланган бундай ёндашув истеъмолчи қандай маблағ тўлаши ва қандай маҳсулотлардан фойдаланиши ҳақидаги маълумотларни излайди ва топади. Туризмнинг жаҳондаги энг катта индустря эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у ғоятда рақобатбардошdir. Польша, Венгрия ва Чехия Республикаси каби Шарқий Европа мамлакатлари ҳозирги кунда бу ишда илгарилақ кетди, чунки уларнинг нархлари Франция, Австрия ёки Швейцариядагидан кўра анча арzon бўлиб, эътиборни ўзига тортади.

Шунингдек, туристларга 230 дан ортиқ мамлакат ичидан танлаш зерикарли эканлигини ҳисобга олсақ, бошқа мамлакатлардаги хизматларни такрорламай, балки ноёб тажриба йўли билан саёҳатчиларни қизиқтирган мамлакатлар жаҳон бозоридан жой топа олишлари мумкин. Бу нуқтаи назардан Ўзбекистон хеч қачон Италия, Франция, Испания ва ҳоказолар каби оммавий туризм масканига айлана олмайди, аммо унда “маҳсус” туризм

масканларининг мухим марказига айланиш имконияти бор.

Саёҳат қилаётган туристларнинг бугунги талаблари қандай?

Туристнинг ўнта асосий талаби, халқаро туристларнинг 10 та талабини тушуниш жуда муҳимдир:

1. Қурби етган нархни тўлаб, шинам каравотларда ухлаш.
2. Покиза ваннахоналарда ювиниш.
3. Мамлакатнинг арzon, лекин яхши таёrlанган таомлари билан овқатланиш.
4. Манзаралар ва диққатга сазовор жойларни томоша қилиш.
5. Мамлакатнинг тарихий жойларига бориб, унинг тарихи ва маданиятини ўрганиш.
6. Фаол дам олиш (пиёда сафарлар, балиқ ови, велосипедда сайд қилиш, чанғи учиш, от миниш ва ҳоказо).
7. Мамлакатнинг халқ санъати, хунармандчилиги буюмлари эсдаликларини сотиб олиш ва умуман бошқа харидлар қилиш.
8. Мамлакатнинг мусиқасини тинглаш, рақсларини, театрини томоша қилиш.
9. Ўз хавфсизлиги ҳақида ташвиш чекмай, чеклашларсиз, эркин саёҳат қилиш.
10. Туризмда ишлаётган кишилардан “табассумли ва очик юзли” муомала кўриш.

Халқаро туризмнинг бу талабларига жавоб бера оладиган мамлакатлар ўз ишларида муваффақиятларга эришмоқдалар. Туристлар қаерда тўхтайдилар. Жойлаштириш туризм индустрисининг жуда мухим сектори эканлигини маълумдир, ва туристларнинг қаерда тўхташни ёқтиришларини билиш қизиқарли.

### **2.3 Туристларни Ўзбекистонга жалб қилиш усувлари (фаолиятлар режаси)**

Англияда ўтказилган тадқиқотлар қуйидаги натижаларни кўрсатди:

Дўстларнида/Қариндошларнида тўхташ	35%
Меҳмон уйлари/Тунаб қолиш + Нонушта/Қишлоқ уйи	17%
Тураг жойни изараага олиш	14%
Меҳмонхоналар	12%
Карvonсарайлар/Кемпинглар	3%
Ётоқхоналар	4%
Бошқалар	15%

Бу статистика турли мамлакатларда, унчалик қучли фарқ қилмаса-да, турлича бўлади, бу ерда туристларнинг меҳмонхоналарда тўхташни истамаслиги тенденциясига эътибор бериш лозим. Агар улар меҳмонхоналардан фойдалансалар ҳам, бу одатда 2-3 юлдузли меҳмонхоналар бўлади (уларда яшашни якка туристлар ёқтиришади), туристлар гурӯҳи эса одатда 4 юлдузли меҳмонхоналарга жойлашадилар.

5 юлдузли меҳмонхоналардан бунга маблағи етадиган бизнес-тоифа туристлари фойдаланадилар.

Кўплаб мамлакатларда асосан 4-5 юлдузли меҳмонхоналар қурилган бўлиб, бу меҳмонхоналарнинг керак бўлган тури ёки тарификацияси эмас, улар туристлар шу меҳмонхоналардан фойдаланади, деб ўйлашган, аммо натижада бўлмаган. Бу мамлакатлар Мехмон уйлари ва турар жой ижарасининг оммавийлигига эътибор беришмаган.

### **1. Инфратузилманинг ривожланнишида ҳукуматнинг роли.**

**Маҳсулотни ривожлантириши.** Ҳар қандай индустрияда ҳам (қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш индустрияси, тоғ-кон индустрия, нефтъ қазиб олиш индустрияси, газ қазиб олиш индустрияси) мамлакат ҳукумати хусусий секторни бу индустрияниң ривожланниши масалаларида рағбатлантириши лозим. Маҳсулот ривожланнишининг дастлабки босқичида машҳур туризм масканлари ҳукуматдан ўз меҳмонхоналари мулкига, транспорт ва ҳоказолар каби инфратузилманинг бошқа элементларига эгалик ҳуқуқи шаклида имтиёзлар олардилар ва айни пайтда туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида хусусий секторга имтиёзлар берар эдилар. Бу керакли даражадаги инфратузилмани ташкил қилиш учун муҳимдир. Яхши ривожланган туризм масканлари бугунги кунда хусусий секторнинг қандайдир имтиёзлар билан таъминланнишига муҳтож эмас, чунки индустрия оёққа туриб олди ва ўз фаолиятини хусусий сектор сифатида аъло даражада олиб бормоқда.

**Маркетинг<sup>5</sup>.** Туризм индустриясининг юкори даражада рағбатбардошлилигини ҳисобга олган ҳолда, яхши маркетинг муваффақиятнинг асоси эканлигини қайд қилиш мумкин.

Туризм масканлари туристларни маркетингсиз жалб қила олмайди. Ҳукумат томонидан молия билан таъминланмай туриб, туризм масканни “жаҳон туристик супермаркети пештахталаридан ўрин олмайди”.

Шунинг учун мамлакат маркетинг масалаларида ҳукуматлар ўз мамлакатини реклама қилиш мақсадида Туризм Вазирликлари ёки Миллий Туризм Ташкилотларини фонdlар билан таъминлаб, улар орқали асосий роль ўйнайди.

Биз юкорида ҳозирги кунда ўз мамлакатларини туризм масканлари сифатида ривожлантириш учун маълум миқдордаги маблағларни сарфлаётган мамлакатлар ҳукуматлари хақида мисоллар келтирдик.

### **2. Инфратузилмани ривожлантириша хусусий секторнинг роли.**

Хусусий сектор бугунги кунда жаҳон туризм инфратузилмасининг 90%дан кўпини назорат қилиб турибди:

1. Меҳмонхоналар.
2. Мехмон уйлари .
3. Қишлоқ уйлари.
4. Турар жой ижараси.
5. Карvonсаройлар/Кемпинглар.

<sup>5</sup> Юрьев А.П. Планирование туризма. Учебное пособие. – Донецк, 2004.- 136 с.

6. Ётоқхоналарда жойлашиш.
7. Ресторанлар.
8. Автомобиллар ижарасини ташкил қилиш.
9. Гаражлар.

Бундан фақат ҳаво йўллари мустаснодир, уларни Европа, Осиё, Африка ва бошқа ривожланаётган мамлакатлардаги ҳукуматлар бевосита бошқарадилар ва бу ҳаво йўллари давлат назорати остига олинган. АҚШдаги ҳаво йўллари хусусийдир. Ҳозирги кунда АҚШда Зта ҳаво линиялари мавжуд. Улар жаҳонда энг йирик авиалиниялардир. Туристларни ташиш билан шуғулланадиган темир йўллар ҳам, табиийки, кўпчилик ҳолларда давлатга тегишли бўлади.

Бугунги кундаги ютуқларнинг барчаси энг кичик тараққиётдан бошланган. Аввал туризм масканлари ривожланган, ҳукуматлар бу ерларга туризм инфратузилмаси учун ҳам бевосита воситачилар орқали, ҳам хусусий секторга бевосита молиявий ёрдам кўрсатиш орқали фондлар ажратса бошлаган, натижада хусусий сектор шунчалик ривожланиб кетдики, давлатнинг аралашувисиз ҳам авиалиниялар каби йирик масалаларни бошқара оладиган бўлди.

**3. Туризм масканни маркетингидаги хусусий секторнинг роли.**  
Мамлакатда туризм маркетинги хусусий сектор учун харажатлар нуқтаи назаридан ҳам, амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам жуда катта вазифадир. Хусусий сектор асосан меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, транспорт операторлари, ресторанлар ва бошқалар билан боғланганлиги билан характерланади. Ҳозирги пайтда амалда шундай вазият юзага келдики, кўпчилик мамлакатларда хусусий сектор асосан ҳукумат томонидан молия билан таъминланадиган давлат маркетинги бюджетига молиявий тўловларни амалга оширади. Молиявий тўловлар туризм масканнинг ҳолатига қараб 20-30% оралигига ўзгариб туради, масалан:

Буюк Британия	хусусий сектор тўловларнинг 50% и
Голландия	хусусий сектор тўловларнинг 50% и
Ирландия	хусусий сектор тўловларнинг 20% и

Бунга қўшимча равиша, энг йирик туризм масканларида (Испания, АҚШ, Франция, Буюк Британия) хусусий сектор ўз авиалиниялари, денгиз йўллари, сайёхлар учун меҳмонхоналари ва курортларига Миллий бюджетга қараганда 400% кўпроқ маблағ сарфлаган. Бу даражада туризм масканлари имиджининг тикланишига янада кўпроқ имконият беради<sup>6</sup>.

## Хуноса

Туризм индустрясининг муваффақиятли ривожланиши ҳукумат ва хусусий сектор ўртасида ўрнатилган яқиндан ҳамкорлик қилиш

<sup>6</sup> [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация

муносабатларига кучли даражада боғлиқдир, улар улкан халқаро туризм индустряси томонидан режалаштирилаётган тадбиркорлик салоҳиятини максимал даражада ошириш учун биргаликда иш олиб борадилар.

### **Таянч иборалар**

Халқаро туризм индустряси, инфратузилманинг ривожланишидаги хукуматнинг роли, хусусий секторнинг инфратузилма тараққиётидаги роли, туристнинг ўнта асосий талаби, маҳсулотни ривожлантириш, туризм маркетинги.

#### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Халқаро туризм индустряси нималардан ташкил топган?
2. Нима учун халқаро туризм индустряси маҳсулотга эмас, маркетингга асосланади? Бу нимани англатади? Қисқача тушунтиринг.
3. Халқаро туристнинг қандай талабларини билиш ва қондириш орқали туризм соҳасида муваффақиятга эришиш мумкин? Уларнинг ҳар бирини таърифлаб беринг
4. Туризмда маркетинг ва маҳсулотни ривожлантиришнинг роли ва функцияларини қисқача таърифлаб беринг
5. Инфратузилмани, туризм маскани маркетингини ривожлантириша хусусий секторнинг роли нимадан иборат?
6. Халқаро туризмнинг хусусиятлари хақида сўзланг.
7. Нима учун хукуматлар ўз мамлакатларига маркетинг учун маблағ сарфлайдилар?
8. Саёҳат қилаётган туристларнинг бугунги талаблари қандай?
9. Туристларни Ўзбекистонга жалб қилиш учун нималар қилиш керак?

#### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид ва барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. –Т., 2000.
2. Чудновский А.Д.Жукова М. А. Сенин В. С. Управление индустрией туризма: Учебное пособие, 2004. -437 с.
3. Биржаков М.Б. Введение в туризм. -М.- С. П., 2004. глава 7.
4. Дурович А.П. Реклама в туризме: Учебное пособие. –М.: Новое знание, 2003.
5. S. Medlik, Dictionary of Travel, Tourism and Hospitality. Printed and bound in Great Britain by Biddles Ltd - 3rd ed, 2003.
6. Stephen J Page, Paul Brunt, Graham Busby and Jo Connell, Tourism: a modern synthesis, Printed in Italy by G. Canale & Co 2001
- 7.[www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация.
- 8.[www.wttc.org](http://www.wttc.org) – Всемирный Совет по путешествиям и туризму.
- 9.[www.interunion.ru](http://www.interunion.ru) – туристские ассоциации.

### **3-боб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ**

#### **3.1. Ўзбекистон туризм индустрисининг:**

- а) кучли томонлари;**
- б) заиф томонлари;**
- в) келажакдаги қулай имкониятлари;**
- г) ташвишлик жиҳатлари;**

#### **3.2 Ўзбекистон учун ҳаракат режаси;**

#### **3.1. Ўзбекистон туризм индустряси**

##### **а)кучли томонлари**

Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари туристларнинг алоҳида қизиқишига сабаб бўлади, чунки у ерда кўплаб тарихий меъморчилик обидалари бўлиб, улар Ипак йўли билан боғлиқ Ўзбекистон халқи жуда меҳмондўст бўлиб, бу эса туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг муҳим элементидир.

“Ўзбектуризм” Миллий Компанияси туризмнинг келгусидаги тараққиёти учун маҳсулдор замин яратиб берди. Ўзбекистон ҳукумати келгусида мустаҳкам ва мослашувчан туризм инфратузилмасини ривожлантиришни мўлжалламоқда. Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги янги меҳмонхоналар чет эллик меҳмонлар учун комфорт ва хизмат кўрсатиш воситалари жиҳатидан тўла мақбулдир. Самарқанд ва Бухородаги бир нечта меҳмон уйлари яхши халқаро туризм стандартлари даражасигача ривожлантирилди<sup>7</sup>.

Ўзбекистоннинг анъанавий таомлари мазали бўлиб, чет эллик меҳмонларга жуда маъқул келмоқда.

Ўзбек миллий авиалиниялари Лондон, Нью-Йорк, Франкфурт, Шаржа, Пекин ва Сеулдан халқаро тоифадаги турбовинтли ҳаво лайнерларида яхши хизмат кўрсатилишини таъминламоқда.

##### **б) заиф томонлари**

Ўзбекистоннинг халқаро туризм индустряси учун янги туризм маскани эканлигини хисобга олганда, унинг баъзи заиф томонлари ҳам бўлиши мумкинлиги табиийдир. Ўзбекистон муҳим халқаро туризм масканига айланиб бораётганлиги сабабли, туристлар унинг барча томонларига синчиклаб эътибор берадилар.

##### ***Жойлаштириши***

Яқинда фойдаланишга топширилган янги меҳмонхоналардан ташқари, умуман олганда жойлашув халқаро стандартларга ҳали тўлиқ мос келмайди.

##### ***Нархлар***

Меҳмонхоналарда белгиланган нархлар халқаро стандартлар нуқтаи назаридан қараганда рақобатбардош эмас.

##### ***Ваннахоналар***

Ваннахона ва хожатхоналар халқаро стандартлар нуқтаи назаридан

<sup>7</sup> [www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz) –Ўзбектуризм МК

қараганда тоза эмас ва гигиена талабларига жавоб бермайди

#### *Маркетинг*

Интурист Ўзбекистондан ажралиб чиққандан бери, Ўзбекистонда Интуристда сайёхлик турлари билан шуғулланган туризм операторининг ўрнини босувчи ягона туризм оператори ҳалигача йўқ.

Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари машҳур бўлса-да, чет эллик туристлар Ўзбекистонни ҳали билмайдилар.

#### *Кириши визаси*

Мавжуд виза сиёсати чет эллик турист учун ортиқча чекланган бўлиб, бу Ўзбекистонни рақобатчилар олдида нокулай ахволга солмоқда.

#### *Тошкент аэропорти*

Тошкентга учиб келган чет эллик меҳмонлар нуқтаи назаридан хизмат кўрсатиш воситалари халқаро стандартлардан анча паст даражада.

#### *Хусусий сектор*

Хусусий сектор давлатнинг туризмни ривожлантириш тизимига тўла боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланган. Бу халқаро туризм амалиётига тўғри келмайди

#### **в) қулай имкониятлар**

Ўзбекистон учун энг асосий қулай имконият унинг “Ер куррасидаги Ипак йўлининг чоррахаси” сифатида режалаштирилиши ва тан олинишидир.

Жаҳондаги туристларнинг 40% тарихий мамлакатларга саёҳат қилишга қизиқади. Ўзбекистон - туристларнинг тасаввурини эгаллаб оловчи ноёб хикоядир.

#### **г) ташвишли жиҳатлар**

Хусусан Хитой ва Ипак йўлида жойлашган бошқа мамлакатларнинг Ўзбекистондан илгари ўзларини “Ипак йўли” туризм масканлари сифатида танитиб, “Ер куррасидаги Ипак йўлининг чоррахаси” деган номни эгаллаб олишлари фикри мавжуд.

Бу ҳол Ўзбекистонга заарар етказади, аммо агар бу масала унинг учун ижобий ҳал бўлса, узоқ муддатли устунликка эга бўлиш мумкин.

### **3.2. Ўзбекистон учун ҳаракат режаси**

#### **Хукумат сиёсати**

Ҳаракатлар режаси Ўзбекистон ҳукумати фаолиятининг сиёсий курсини тавсия қилиши лозим, бу халқаро туризмнинг Ўзбекистондаги ҳаракатини рағбатлантиради ва осонлаштиради. Бу сиёсий курс қўйидаги соҳаларда марказлашади: Хусусий секторнинг ривожланишига имкон берадиган ва маркетинг бўйича ҳамкорлик масалаларини осонлаштирадиган туризмни ташкил қилиш; туристларга улар Ўзбекистонни яхши дам олса бўладиган туризм масканни, деб хисоблай бошлайдиган даражада таъсир қилувчи виза тартибини ташкил қилиш; Ўзбекистон маркетингини ҳукумат томонидан бошқа рақобатчи туризм масканлари билан мутаносиблиқда молиялаштириш ҳаракатлар режаси маркетинг режасини амалга ошириш асосидаги туристларни кабул қилиш ва туризмдан келадиган тушумларнинг 10 йиллик муддатга мўлжалланган реал мақсадларини лойиҳалаштириши керак.

**Инфратузилмани ривожлантириш режаси.** Ҳаракатлар режаси Ўзбекистон туризм индустриясини ривожлантириш учун инфратузилма режасини тайёрлашни ўз ичига олади, бу режа лойихалаштирилган чет эллик туристларни қабул қилиш режасининг талаб ва эҳтиёжларни қондиради. Режада қўйидаги тоифаларни ривожлантириш таклиф қилинади:

- меҳмонхоналар (уларнинг тоифаларига мос равишда)
- меҳмон уйлари
- хушманзара жойлардаги дам олиш уйлари
- ер усти транспорти
- аэропортларда учиб келиш ва учиб кетишида хизмат кўрсатиш восьиталари

Мазкур режа талаб эҳтиёжларига жавоб беради ва таклифга қаратилган режалардан қўйидагиларни кафолатлаш учун фарқ қиласди:

- таклиф нуқтаи назаридан жойлаштириш ва инфратузилма масалалари ортиқча ҳам, кам ҳам бўлмайди;
- жойлаштиришнинг тоифаларга ажратилиши мижознинг талабларига мос келади.

Шунингдек, ҳаракатлар режаси хусусий секторнинг ҳамда операторларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантиришга катта аҳамият беради ва уларни Ўзбекистонда Халқаро Туризм Операторлари Дастури билан боғлайди ҳамда тараққиёт шароитларини осонлаштиради.

**Маркетинг режаси.** Ўзбекистондаги туризм компанияларининг Маркетингга ёндашуви니 атрофлича таҳлил қилиб чиқиб, ҳамда Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳолатини, шунингдек, асосий бозорлардаги туризм операторларининг аҳволини аниқлаш мақсадида маркетинг тадқиқотларини ўтказиб, батафсил маркетинг режаси тайёрланади. Режа маркетинг-микснинг қўйидаги соҳаларини ўз ичига олади:

- реклама;
- туризм операторларини қўллаб-қувватлаш
- ривожланиш;
- ижтимоий алоқалар/матбуот билан муносабатлар/таништириш турлари;
- брошюралар тақдимоти.

Кўплаб кичик мамлакатлар йирикроқ туризм масканлари билан ҳамкорликдаги маркетинг ёндашувидан фойда оладилар. Масалан, АҚШ туристларининг 50% Ирландияга Буюк Британия орқали, Англияда ва бошқа Европа мамлакатларида меҳмон бўлгандан кейин ташриф буюрадилар.

**Ўқитиши режаси.** Ҳаракатлар дастурининг муҳим элементи бўлган ўқитиши режаси нафақат Миллий Туризм Ташкилотларининг расмий вакилларини, балки хусусий сектор индустрияси операторлари ва ходимларини ҳам ўқитишини ўз ичига олади. Бу жихатдан олганда, биз индустриядан бўлажак ўқитувчилар сифатида ўқитувчи ходимларнинг салоҳият танлаб оламиз ҳамда ўқитувчиларнинг бу жараёндаги фаолиятини назорат қилиб борамиз.

Халқаро Туризмга ўқитиши Ўзбекистон учун жуда муҳим масаладир.

Туризм индустрияси серкірра соқадир, у бутун дунёга машхур минглаб хусусий сектор операторларидан, фаолият күрсатаётган меҳмонхоналардан, меҳмон уйларидан, транспорт шохобчаларидан, ресторанлар, туризм агентликларидан, ер усти туризм хизматларининг ташкилотчиларидан, туризм операторларидан, гидлардан ва бошқалардан ташкил топгандир. Бу кишилар мамлакат ҳукумати ёрдамида Халқаро Туризм индустриясини ташкил қиласылар ва инсоний ресурслар билан таъминлайдилар. Уларни энг намунали равишда ва қунт билан ўқитиш ҳамда қўллаб-қувватлаш зарур. Биз Ўзбекистонда доим бу кишиларга эҳтиёж сезамиз ва шунинг учун ўқитиш Дастурини амалга ошириш энг муҳим вазифадир. Индустрія учун ўкув курслари асосий тайёргарликни ва тўлиқ ўқитиш дастурига ўтишни таъминлаш учун мўлжалланган масалаларнинг кенг доирасини ўз ичига олади. Ўқитиш дастури кейинчалик алоҳида лойиҳа сифатида келтирилади.

### **Хуласа**

Ўзбекистонда халқаро туризм индустрияси учун янги қулай имконият бор. Аммо, бу қулай имкониятни кенгайтириш учун улкан ва қийин иш олдинда турибди. Чет эллик туристлар қуидаги талаблар бажарилмагунча Ўзбекистонга келмайдилар:

- Улар Ўзбекистоннинг “Ер куррасидаги Ипак йўли чорраҳаси” сифатда Халқаро Маркетинг Туризм Маскани нуқтаи назаридан қаерда жойлашганлигини билишлари лозим.
- Сиз уларнинг келишини осонлаштиришингиз лозим.
- Сиз уларга ўзлари истаган нарсани келишлари билан, уларнинг қурби етадиган нархларда таклиф қилишингиз лозим.
- Сиз улар келганда очик юз ва табассум билан кутиб олишингиз лозим.

Туристларнинг ўзларига келсак, улар ўз навбатида ўз дўйстларига Ўзбекистон хақида сўзлаб берадилар ва бу ерларга яна келадилар.

### **Таянч иборалар**

Туризм менежменти, туризм маркетинги, туризм индустриясининг таҳлили (swot), туризмни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар режаси, индустріяни ривожлантириш режаси, маркетинг режаси, ўқитиш режаси.

### **Назорат ва мулоҳаза саволллар**

1. Ўзбекистонда туризм индустриясининг кучли томонлари нимада?
2. Ўзбекистонда туризм индустриясининг заиф томонлари нимада?
3. Республикада туризмни ривожлантиришда қулай имкониятлардан максимал даражада самарали фойдаланиш ва ташвишли ҳолатларнинг олдини олишга қандай эришиш мумкин?
4. Туризм соҳасида инфратузилма, маркетинг, ўқитишни ривожлантириш бўйича ҳукумат ва тадбиркорлик доиралари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини тавсифлаб беринг.
5. Ўзбекистонда халқаро туризм индустрияси соҳасида қандай янги қулай имкониятлар пайдо бўлди?

6. Ўзбекистонда халқаро туризм индустриясидан тўғри фойдаланиш учун биз нима қилишимиз лозим?

7. Туроператорларнинг вазифалари нималардан иборат?

8. Туризм индустриясининг таҳлили.

9. Маркетинг режаси хақида тушунча.

10. Туризмни ривожлантириш истиқболлари.

#### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.-Т.: Ўзбекистон, 1999.

2. Биржаков М.Б Введение в туризм. –М.- С. П., 2004.

3. Юрьев А. П. Планирование туризма.- Донецк, 2001. -114-118 с.

4. S. Medlik, Dictionary of Travel, Tourism and Hospitality. Printed and bound in Great Britain by Biddles Ltd -3rd Ed, 2003.

5. Stephen J Page, Paul Brunt, Graham Busby and Jo Connell, Tourism: a modern synthesis, Printed in Italy by G. Canale & Co 2001.

6.[www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация.

7.[www.wttc.org](http://www.wttc.org) – Всемирный Совет по путешествиям и туризму.

8.[www.interunion.ru](http://www.interunion.ru) – туристские ассоциации.

## **4-боб. ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ХОРИЖИЙ САРМОЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

**4.1 Халқаро туризмни ривожлантинишда хорижий сармояларнинг роли.**

**4.2. Туризм индустрисида хорижий сармояларнинг усуллари ва шакллари.**

**4.3. Туризмни ривожлантириши молиявий таъминлаш ва унинг режаларни бажаришдаги роли. Туризм соҳасидаги сармоя сиёсати ва стратегияси.**

**4.4. Эҳтиёжлари ва туризмни молиявий таъминлаш йўналишлари тузилиши.**

**4.5. Туризмни молиявий таъминлаш манбалари.**

**4.6. Туризм соҳасига инвестицияларни рағбатлантириш.**

**4.7. Ўзбекистон меҳмонхоналарини ривожлантиришда сармоялар ва уларнинг роли.**

### **4.1. Халқаро туризмни ривожлантиришда хорижий сармоялар роли**

Туризмга сарфланадиган сармоялар ҳақида ва умуман сармоялар ҳақида сўзлаш учун аввало хорижий сармояларнинг нима эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Хорижий сармоялар ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунига кўра Ўзбекистон Республикасида куйидагилар хорижий инвестор бўлиши мумкин<sup>8</sup>:

- чет эл давлатлари;
- хорижий хукуқий шахслар;
- халқаро ташкилотлар;
- чет эл фуқаролари, бирлашмалари;
- Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшовчи фуқаролари.

Мазкур қонуннинг 2-моддасига кўра мулкий қийматларнинг барча турлари ва уларга бўлган эгалик хукуклари ҳамда чет эл мулкига бўлган хукуклар, хорижий инвесторлар томонидан обьектларга эгалик хукуқи ва хорижий сармоя бўлиши мумкин 1995 йилда мамлакатга 2017 млн. АҚШ долл. миқдорида, яъни ўтган йиллардагидан икки марта кўп жалб қилинган<sup>9</sup>. ЮНКТАД эксперtlари ўсиш суръатларидағи 3%лик пасайишга қарамай, бу “сакраш”нинг “иктисодиётдаги барқарорликнинг ўсганлиги” сабабли ҳам юз берганлигини таъкидламоқдалар. Бу кўрсаткич шунингдек, уларнинг фикрича, миллий корпорацияларнинг келгусида бу устунликлардан янада қулайроқ келажакни кутишда фойдаланиш мақсадида Россияга сармоя сарфлашга интилаётганликларини ҳам акс эттиради.

<sup>8</sup> [www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz) – Ўзбектуризм МК

<sup>9</sup> [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация

Хорижий сармояларнинг асосий қисми Европа иттифоқига тўғри келадиган бошқа Шарқий ва Марказий Европа мамлакатларидан фарқли равищдуқтассияда биринчи ўринни Швейцария ва АҚШ эгаллайди - бу мамлакатларга жами капитал қўйилмаларнинг 51% тўғри келади.

1995 йилдаги муваффакиятларга қарамай, РФ хозирча бозор муносабатларига ўтища айниқса кучли илгарилаб кетган бир қатор Шарқий ва Марказий Европа давлатларидан орқада қолмоқда. Венгрия 1995 йилда 3500 млн., Польша - 1510 млн., Чехия - 2500 млн. АҚШ долл. миқдорида сармояларни жалб қила олди.

Хорижий капиталлар минтақага “хусусийлаштириш тўлқинлари” ва “иктисодий соғломлаштириш” туфайли оқиб келаб бошлади.

МДҲ мамлакатларининг деярли барчаси сезиларли силжишларга эришдилар. Арманистон 1995 йилда 10 млн. бевосита хорижий сармояларни жалб қилди; Озарбайжон 110 млн.; Белоруссия - 20 млн.; Қозогистон - 284 млн.; Қирғизистон - 515 млн. долл.; Молдова - 32 млн. долл.; Тожикистон - 15 млн. долл.; Украина - 200 млн. долл.; Ўзбекистон -115 млн. долл.

Жами йил давомида жаҳондаги бевосита хорижий сармоялар 40%га ўсиб, 35 млрд. долл.га етди. Бу соҳада Хитой олдинда бормоқда, хорижий инвесторлар бу мамлакатга 1995 йилда 38 млрд. долл. маблағ сарфладилар.

Яқин ўн йиллар давомида Хитой инфратузилмасини ривожлантиришга 700 млрд долл. сарфланади, бу Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари иқтисодиётига сарфлаш режалаштирилган мақсадли сармояларнинг ярмидан кўпроғини ташкил қиласди. XXРга сарфланадиган маблағлар барча Шарқий Осиё мамлакатлари инфратузилмаларини ривожлантиришга сарфланадиган жами 1,3 - 1,5 трлн. долл. сармояларнинг тахминан 51%ни ташкил қиласди<sup>10</sup>.

Ўзбекистон, энди ривожлана бошлиётган бозорга эга бўлган ҳолда, иирик сармоя лойиҳалари учун зарур бўлган капитал ҳажмини таъминлай олмайди, қаттиқ валютага эга бўлиш қийиндир. Аммо бу муаммоларнинг барчасини хорижий инвесторлар ёрдамида ҳал қилиш мумкин. Шунингдек, илғор техника ва технологияларга, бошқарувнинг илғор усусларига (кўшма корхоналар тузиш орқали ва ҳоказо) эга бўлиш ва жаҳон бозорига чиқиш ҳам осонлашади.

Президентимиз Олий Мажлис сессиясида сўзлаган ўз нутқида республикага биринчи навбатда қуйидагилар зарурлигини қайд этиб ўтди:

1) ишлаб чиқариш тармоқларини энг янги технологиялар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, ишчиларнинг малакасини ошириш, жаҳон бозорида ишлаш усусларини такомиллаштириш, бизнинг маҳсулотларимизни сотиш бозорларини қидириб топиш;

2) мамлакатни хомашё етказиб берувчиликдан юқори даражада тарақкий этган давлат даражасига олиб чиқиш.

<sup>10</sup> [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация

Республикада қулай инвестиция мұхитини таъминлаш учун барқарор хуқуқий база мавжуддир. Хусусан, “Хорижий сармоялар түғрисида”ги, “Сармоялар ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари түғрисида”ги қонунлар, “Ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш чоралари түғрисида”ги, “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоялашни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоралари түғрисида”ги Фармонлар қабул қилинган.

Иқтисодий ислоҳотлаштириш ва сармоялар бўйича маҳкамаларо кўмита ташкил қилинган. 1995 йил 21 августда қабул қилинган “Хорижий сармоялар бўйича Агентлик ташкил этиш түғрисида”ги Фармонга мувофиқ Агентлик ташкил этилди, унинг мақсади иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб қилиш жараёнини қўллаб-кувватлаш, Ўзбекистонда инвестиция таклифларни тайёрлаш ва амалга оширишда потенциал инвесторларга ва маҳаллий ҳамкорларга амалий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Хорижий ҳамкорларни танлашда масаланинг ҳамма томонини ҳисобга олиш лозим.

#### **4.2. Туризм индустрисида хорижий сармояларнинг усуллари ва шакллари**

Катта миқдорда хорижий ёрдам олаётган мамлакатлар индустрисал-саноат тараққиётида исталган суръатларга тезда эришмоқдалар (урушдан кейинги Европа ва Япония). Аммо инвесторлар (ассосан - АҚШ, Европа иттифоқи, Япония) бу мамлакатлар ичидан улар эгаллаб турган ҳарбий-сиёсий ёки энергетик-хомашё жиҳатдан мухим ва ҳал қилувчи позицияларга қараб алоҳида стратегик мавқега эга бўлган давлатларни танлаб оладилар. Бундай давлатларга молиялаштириш ўта сахийлик билан, узоқ муддатга ва фоизлар нуқтаи назаридан имтиёзли шартларда амалга оширилади. Аммо бунинг салбий томони ҳам борки, бу инвесторларнинг ўз шартларини қўйишлари ва уларнинг бажарилишини талаб қилишларидан, уларга қарамлик юзага келишидан ва ҳоказолардан иборат. Сармоялашнинг усул ва шакллари турлича бўлиши мумкин. Масалан:

1. Туркия ва маҳсус консорциум (АҚШ 12 Фарбий Европа мамлакатлари З та ҳалқаро молиявий ташкилот). Ҳамкорлар (инвесторлар) сони кўпайганда биринчиidan, мамлакатнинг ҳар бир инвесторга шахсан қарамлиги камаяди, иккинчиidan, керакли миқдорда хорижий ёрдам тушуми (инқирозлар даврида иқтисодий ёрдамнинг динамик ва барқарор бўлиши) кафолатланади.

2. Япония, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик мақсадларида фаолият кўрсатган ҳолда, сармоялашни акцияларни сотиб олиш ва узоқ муддатли қарзлар бериш орқали амалга оширади. Бу йўл билан у ўзини мамлакатнинг бозори ва иқтисодини эгаллаб оловчи эмас, балки интеграция тарафдори килиб кўрсатади. Аммо айни пайтда у кўплаб компаниялар акцияларининг назорат пакетига эгадир ва уларнинг фаолиятини назорат қилиб боради.

3. Фарбий Европа инвесторларининг анаъанавий усуллари хорижий компанияларнинг мутлак сохиблари бўлиб олишга қаратилган.

Иқтисодий тараққиётни энг самарали ташқи молиялаштириш

давлатлараро асосда халқаро молиявий ташкилотларни жалб қылган ҳолда амалга оширилади.

Сармоялар:

- беғараз ёрдам;
- кредитлар;
- субсидиялар;
- қўшма корхоналар;
- акцияларни сотиб олиш ва ҳоказо.

Инвесторлар учун асосий шартлар:

- 1) Эркин конвертланадиган валютадаги фойда;
- 2) Ички ва ташқи сиёсий вазиятнинг барқарорлиги.

Сармоялашни секинлаштирувчи омиллар куйидагилардир:

- хомашё захираларининг чекланганилиги;
- ишчи кучи сифатининг пастлиги;
- мехнат унумдорлигининг пастлиги;
- валютанинг конвертацикланмаслиги;
- ички бозорнинг торлиги ва аҳоли тўлов қобилиятининг пастлиги.

Хозирги пайтда хорижий инвесторлар тоғ-кон саноати ва тижорат мақсадидаги транспорт воситаларини ишлаб чиқаришга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Жаҳон банкининг берган баҳосига кўра, 1994-96 йилларда молиялаштириш эҳтиёжларининг 600-700 млн. АҚШ долл. миқдорида бўлиши мўлжалланмоқда. Бундай сармоялар учун асос кучайтирилиб, ислоҳотлар жадаллаштирилса, бевосита хорижий сармояларнинг кириб келиши 1997 йилга келиб йилига 200-250 млн. АҚШ долл. даражасида бўлиши мумкин<sup>11</sup>.

Демак, шундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон хорижий инвесторларни ўзининг табиий ресурслари ва иқтисодий салоҳияти билан ўзига жалб қилмоқда.

Аммо сармоялашнинг ҳуқуқий базасини таъминлаш ва қулай муҳит яратиш учун мумкин бўлган барча шарт-шароитларни яратиш лозим. Барча тўсиқларни, шу жумладан катта аҳамиятга эга бўлган бюрократик тўсиқларни охиригача бартараф қилиш зарур. Шунингдек, ахборот базаси билан боғлиқ катта муаммо мавжуд. Ўзбекистон узоқ вақтгача ахборот вакумида қолиб келди. Бугун ҳам ахвол деярли ўзгармаган. Узоқ вақтгача статистик кузатишлар ўтказилмаган ва табиий ва меҳнат ресурсларининг, иқтисодиётнинг турли соҳаларининг ҳолати таҳлил қилинмаган ва ҳоказо.

Бугунги кунда жаҳон ахборот асри бўсағасида турган бир пайтда, Ўзбекистонга маълумотлар банклар, турли комп’ютер ва телекоммуникация тармоқлари сув билан ҳаводек зарурдир, чунки биз ривожланган коммуникация тармоғининг хорижий инвесторларни қизиқтирувчи асосий омил эканлигига ишонч ҳосил қилиб улгурдик.

<sup>11</sup> [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация

#### **4.3. Туризмни ривожлантиришни молиявий таъминлаш ва унинг режаларни бажаришдаги роли. Туризм соҳасидаги сармоя ва стратегия**

Ўзбекистон Республикасининг Туризм тўғрисидаги конунига мувофиқ, ушбу соҳадаги иқтисодий фаолият туризмнинг мавжуд моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ва янгисини яратиш, давлат бюджетига валюта тушумларини ошириш, аҳолининг бандлигини таъминлашга ва унинг турли эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Шундан келиб чикқан ҳолда тадбиркорлик фаолиятининг ҳар бир субъкти тақдим этаётган лойиҳаларни маблағ билан таъмилашнинг потенциал манбаларини ва конкрет эҳтиёжларини аниқ белгилаб олиши зарур. Бунда улар конкрет шартшароитлар билан асосланиб беришлари керак.

Туризмни ривожлантириш ёки янги туристик маҳсулотлар ишлаб чикишни молиявий таминашни режалаштираётганда биринчи навбатда куйидагиларга кетадиган харажатлар е, Paul олинади:

-туристик хизматларни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича конкрет (фирма) лойиҳалар режаларини техник - иқтисодини асослаб бериш. ТИАни, батафсил режалар ва лойиҳаларни тайёрлаш бўйича харажатларни куйидагилар ўз зиммасига олишлари мумкин ҳукумат, вилоят, шаҳар ва туман маъмурияти, бевосита фирма ва туристик йўналишдаги муассаса.

-умуммиллий ва минтақавий миқёсларда, шунингдек, конкрет зоналар ва районларда туризмни ривожлантиш режаларини амалга ошириш.

Молиявий режалаштириш тегишли тадбиркорлик лойиҳасида назарда тутилаётган хизматлар ва эҳтиёжлар турларига харажатларнинг амалдан давлат, минтақавий ва маҳаллий меъёрлари асосида амалга оширилади. Шунинг учун лойиҳада охир-оқибатда фойдалилик режалаштирилаётган тадбирларнинг ҳажми, сифати, тузилиши ва графикасига боғлиқ эканлигини хисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш чиқимларини аниқ ва асосланиб хисоблаб чиқиши керак.

Сармоялар ва ишлаб чиқариш чиқимларнинг асосий элементлари молиявий режага киритилади. Бу сармоялар ва харажатларнинг умумий суммасини ҳисоблаб чиқиши, режалаштирилган тадбирларнинг молиявий ва иқтисодий рентабеллигини аниқлашга имкон беради.

Эҳтимол тутилган сармоялар (ўз сармоялари ва ташқи сармоялар) ва ўйлаб қўйилган режаларни амалга оширишга кетадиган ишлаб чиқариш чиқимларнинг суммасини чиқаришда уларни ўзлаштириш жадвали ва муддатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки режани амалга ошириш даврида нақд пуллар ҳаракати ва фойдаларнинг режалаштирилган меъёрига катта таъсир кўрсатади. Сармоялар ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмлари, қоида тариқасида, нақд пуллар ҳаракатини таҳлил қилиш натижаларини хисобга олган ҳолда йиллик асосда режалаштириш зарур.

Туризмни ривожлантириш дастурлари ва режаларида тегишли сармоялар стратегиялари ҳар томонлама асослаб берилади. Улар реал, ният қилинган чоралари амалга оширишга мўлжалланган бўлиши керак.

Туристик фаолиятни сармоялаш жараёнида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- миллий, минтақавий, маҳаллий ва фирма дастурлари ва режаларида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга сармояларни йўналтириш.
- уларни биринчи навбатда ҳар томонлама техник - иқтисодий асослашга эга бўлган режалар ва дастурларга қўйиш;
- хорижий валютадаги режаларни амалга оширишга кетадиган харажатларни иложи борича камайтиришни назарда тутиш.
- ички ҳамкорликдаги ва хорижий сармояларнинг манбаларни топиш.
- ички ва ташки туризмни ривожлантириш дастурлари ва режаларини бажаришда ҳукуқий, солиқ ва маъмурий тузилмалар томонидан кўрсатиладиган қўллаб-қувватлашлардан максимал фойдаланиш.
- энг қисқа муддатларда энг катта даромад олишга имкон берадиган истиқболли лойиҳаларга сармоялар қўйиш.
- тадбиркорлик лойиҳаларининг дастурлари, режалари ва тадбирлари бажарилишнинг муддатлари ва сифатини назорат қилиш.
- туризм соҳасидаги инвестициялашнинг энг асосланган стратегияси энг кам сарф қилиб, энг кўп фойда олишни таъминлаши керак.

#### **4.4. Эҳтиёjlари ва туризмни молиявий таъминлаш йўналишлари тузилиши**

Бирор тадбиркорлик лойиҳасини амалга оширишга харажатларнинг умумий суммаси қуйидаги харажатларни ўз ичига олади: асосий ва айланма капитал (сармоялар) ни шакллантиришга кетадиган сарфлар, ишлаб чиқариш сарфлар ва маҳсулот ўтказиш сарфлари.

*Асосий капитал* – туристик корхона қуриш, қайта таъмирлаш ва кенгайтиришга, шунинигдек унга зарур жиҳозлар ва инфраструктура билан жиҳозлашга кетадиган маблағлардир<sup>12</sup>.

Асосий капитал шунингдек ишлаб чиқариш, янги маҳсулотларни тайёрлашга кетадиган дастлабки ва капитал харажатларни ҳам ўз ичига олади.

Дастлабки харажат қуйидагиларга кетадиган маблағлардир:

- ер участкаси ва туризм обьектларини режалаштириш учун режада назарда тутилган майдончаларини тайёрлаш.
- зарур бинолар ва иншоотларни қуриш (сотиб олиш) га, жумладан ижарага олинган бинолар ва хоналарни таъмирлаш ёки қайта қуришга;
- материаллар ва асбоб – ускуналарга;
- асосий капиталнинг баъзи сотиб олинган қисми (ер участкаси, саноат мулки ва бошқалар).

Капитал харажатлар асосий фаолиятдан олдинги босқичда шаклланадиган харажатлар бўлиб, қуйидагиларга кетган сарфларни ўз ичига

<sup>12</sup> Здоров А.Б. Экономика туризма. - М.: Финансы и статистика, 2004. –171бс.

олади:

- туристик фирма ёки туристик объектни қайддан ўтказиш ва тузиш;
- қимматли қоғозлар эмиссияси (проспекторлар, рекламалар, оммавий ахборот воситалари орқали эълонлар, камиссион ва брокерлик операциялари, акциялар чиқариш ва жойлаштириш ва б.);
- дастлабки татқиқотларга (инвестициядан олдинги, конъюнктуравий, мухандислик ва бошқа тадқиқотлар лойиҳа конструкторлик хужжатлари);
- маслаҳатчиларга мукофотлар, курилиш-монтаж ишларини лойиҳалаштириш ва унга раҳбарлик қилишга;
- бошқа дастлабки харажатлар;
- фирманинг фаолиятига тайёргарлик кўриш;
- ойлик ва ижтимоий сұғуртага пул ўтказишлар;
- бориб келиш харажатлари вақтингачалик хоналар ижарасига ва бошқа воситаларга бўлажак фаолиятини реклама қилиш ва маҳсулот ўтказиш тармоғини яратишга;
- кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, заёмлари бўйича фоизлар тўлашга кетган сарфлар;
- Объектларни эксплуатацияга топширишга (объектни фаолиятга дастлабки таёргарлаганлиги учун ходимлар иш хақи, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи материалларининг қиймати, ёрдамчи ва бошқа воситаларга кетган сарфлар).

Айланма капитал-туристик соҳа обьектининг ўз дастурига мувофиқ равища хўжалик фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган молиявий воситалардир. Капиталнинг ушбу турига эҳтиёжини белгилашда биринчи навбатда фирманинг жорий активлари ва пассивлари билан таъминланган кунларининг минимал микдори аниқланади. Кейин қуидагилар ҳисоблаб чиқилади: туристик маҳсулотининг йиллик таннархи, ўзгарувчан ишлаб чиқариш сарфлари ва қайтиш коэффиценти (бир йилдаги кунлар сонини минимал таъминлаш кунлари сонига бўлиш орқали аниқланади). Сўнгра жорий активлар ва пассивларнинг ҳар бир моддаси бўйича чиқимлар тегишли қайтиш коэффициентига тақсимланади. Жорий активлар суммасидан жорий пассивлар суммасини чиқариб ташлаш йўли билан соф айланма капитал суммаси олинади. У ўз ичига қуидагиларни олади:

- бегона ташкилотларнинг туристик маҳсулоти ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган хизматларига (жойлаштириш, яшаш, озиқ-овқат, транспорт, тиббий сұғурта ва ш.к.ларга) бўлган ҳуқуқни сотиб олишга кетадиган сарфлар.

- ишлаб чиқариш ходимларининг фаолияти билан боғлиқ сарфлар (иш хақи иштимоий эҳтиёжларга чекинмаларга ва б.).

- накладной харажатлар.

ТИА босқичда айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш жуда муҳим, чунки бу тадбиркорни ўз фаолияти маблағ билан таъминлашнинг

кўшимча воситалари хақида ўйлашга мажбур қилади.

Жадвалда молиявий ресурсларга бўлган умумий эҳтиёж жамланган. Сармоялаш тоифалаш бўйича молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж.

5-жадвал

1.	Сармоялаш тоифаси	Сумма (млн. пул бирлигига.)
2.	Дастлабки харажатлар	170
3.	Фирма фаолиятига (янги туристик маҳсулот яратишга) тайёргарлик давридаги капитал харажатлар.	59
4.	Туристик обьектнинг тўла фаолият кўрсатишида айланма капитал	200
5.	Сармояларнинг умумий суммаси	429

#### 4.5. Туризмни молиявий таъминлаш манбалари

Дастлабки сармоялар ва капитал харажатларни таъминлаш фирма маблағлари, узоқ муддатли заёмлари ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Айланма капитал тижорат банклари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бериладиган қисқа ёки ўрта муддатли маблағлар ҳисобидан шаклланади.

Шу билан бирга туристик корхоналар ёки улар бирлашмаларининг капитали фақат дастлабки сарфларнигина эмас, балки айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларининг бир қисмини ҳам қоплаш учун ишлатилиши мумкун (юқори дивиденdlар кутиладиган шароитларда). Бошқа томондан, агар нисбатан арzon бўлган қисқа муддатли ёки узоқ муддатли кредит бор бўлса, лойиҳалардаги тадбирларни ана шундай заёмлар ҳисобидан маблағ билан таъминлаган маъқулроқ.

Барча ҳолатларда узоқ муддатли қарздорлик ва акционерлик капиталининг салмоғи қанчалик юқори бўлса, алоҳида акцияга даромад шунчалик кам бўлади, чунки дивидентлар акцияларнинг катта миқдорлари ўртасида тақсимланади. Бошқа томонидан, заём маблағларининг улуши қанчалик юқори бўлса, тўланадиган кредит фоизларининг суммаси шунча юқори бўлади. Шунинг учун молиявий режани ишлаб чиқища маблағ билан таъминлашнинг муқобил шакллари ва схемалари синчиклаб баҳоланади. Молиявий режа зарур маблағларни ва режалаштирилаётган фойдани олиш талабларига жавоб бериши лозим.

Тадбиркорлик лойиҳаси амалга ошириш учун қўйидагилар жалб қилиниши мумкин:

-табиий зоналар ва умумдавлат аҳамиятидаги инфраструктура обьектларини режалаштириш;

-тарихий-маданий ёдгорликлар ва бошқа муҳим диққатга сазоворликларни янгилашга давлат атистациялари;

-молиявий таъминлашнинг бошқа манбалари – лизинг (қайтадиган

маблағлар),  
-маҳаллий бюджет, бюджетдан ташқари фонdlар ва бошқалар.

#### **4.6. Туризм соҳасига инвестицияларни рағбатлантириш**

Ички ва ташқи туризм соҳаси туристларни оммавий жалб қилиш ва тармоқни самарали ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал қилиш кўпинча унга йўналтирилаётган сармояларни рағбатлантиришга боғлиқ.

Туризмни ривожлантириш бўйича жаҳон ва мамлакатимиз амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётнинг шу соҳасига қилинадиган сармояларни рағбатлантириш асосий турларидан бири давлатнинг асослашган солик сиёсати, шунингдек, давлатнинг юқори маҳсулдор туристик инфратузилма объектларини яратишни молиявий таъминлашдаги фаол иштироки ҳисобланади.

Солик тизимининг самарадорлиги кўп жиҳатдан солик базасини ҳисоблаш, солик ставкаларни ҳисоблаш бўйича амал қилаётган усуликаси ва асосан туризмни ҳар томонлама ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтираётган солик имтиёzlари ҳисобланади.

Солик механизмини қўллар экан, давлат туристик товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни молиявий таъминлаш учун қулай шароит яратишга кўмаклашади. Бундан ташқари, туристик корхоналанинг фойдасига солик солиш ҳам турли солик имтиёzlари тизими билан боғлиқ бўлиши лозим. Масалан, миллий туристик манфаатлар доирасида жойлашган объектлар маблағ билан таъминловчи инвесторларга солик имтиёzlари берилади. 3-5 йил давомида янги яратилаётган объектлар, олинаётган фойда соликقا тортилмайди.

Солик имтиёzlари ва чегирмаларнинг рўйхати анча узун. Масалан, бевосита ишлаб чиқариш харажатларидан ташқари, соликقا тортиладиган сумма ҳисобидан турли фонdlарга пул ўтказишлар, илмий тадқиқотларга қилинган харажатлар, дивиденdlар, қарздорлик бўйича фоизларни чиқариб ташлашга рухсат берилди. амортизация харажатлари ҳам чиқимларнинг бир қисми сифатида соликقا тортилмайди.

Амортизация билан бирга соликقا тортишдан турли резерв фонdlари озод қилинади (хайрия, нафақа фонdlари ва б.). Катта бўлмаган корхоналарга маҳсус хат ва имтиёzlар берилади. Масалан, АҚШда йиллик даромади 75 минг доллгача бўлган компанияларга бир йил давомида қиймати 10 минг долларгача бўлган янги жиҳозларни тўлалигича ҳисобдан чиқариб ташлашга (списать қилишга) рухсат берилади.

Ички ва хорижий туризмни ривожлантириш соҳасида Туркия, Тунис, Швейцария, Ироил каби давлатларда катта имтиёzlар берилади.

Ўзбекистон туризмни ривожлантириш ва замонавийлаштиришни маблағ билан таъминлашга бериладиган имтиёzlарнинг асосий турлари қўйидагилардир:

-сармояларга соликقا тортиш борасидаги имтиёzlар фирмаларни қурилиш, қайта қуриш ва жиҳозлар сотиб олишдаги корпаратив соликдан

озод қилиш;

-божхона итиёзлари-имтиёзли молиявий таъминлаш сертификатларига мос келадиган ҳолда мамлакатга олиб кирилаётган машиналар ва асбобускуналар, жихозларни солиқ тўлашдан озод қилиш, шунингдек туристларнинг кириши ва чикишини расмийлаштиришда пасайтирилган ставкалар;

-валюта имтиёзлари- лицензион фаолиятига эга компаниялар ва фирмаларни йиллик валюта солигидан озод қилиш;

-объектларни давлат томонидан имтиёзли тарзда маблаг билан таъминлаш, шунингдек маълум вақт давомида улардан имтиёзли фойдаланиш;

-бошқа имтиёзлар – зарур инфратузилмаси ривожлантиришга, 49 йил давомида ерга ижара ҳақини тўлашга, сув таъминоти тўловлари ва электр энергияси харажатларига ва х.к.

Бундай солиқ сиёсати туризмнинг ривожланишига, хорижий ва ички сармояларнинг ўсишига, туристик саноати кенгайтиришга ва такомилаштиришга хизмат қиласи.

Таъкидлаш жоизки, чуқур ўйланган молиявий ва солиқ сиёсати бошқа мамлакатлардан туристлатлардан туристлаа оммавий жалб қилиш, ички туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича вазифаларни ҳал қилишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

#### **4.7. Ўзбекистон меҳмонхоналарини ривожлантиришда сармоялар ва уларнинг роли**

Иқтисодиётни бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтказиш ва тармоқлар иқтисодини жадал ривожлантириш сармоялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда сармояларни бозор иқтисодиётiga мослаштириш ва инвестиция фаолиятини бошқариш ўзгача ёндошишларни талаб этмоқда. Чунки хўжалик юритишнинг замонавий йўлини танлаш инвестиция сиёсатни ҳам тубдан ўзгартиришни талаб қиласи. Инвестиция сиёсатни амалга оширишда бозор муносабатларига мос дастаклардан фойдаланиш, яъни инвестиция жара топширишгаиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш, мамлакатда инвесторлар учун тўлақонли рақобатни таъминлаш, молиявий, моддий ва аклий бойликларни бошқаришда батамом эркин ҳаракат қилиш ва шунга тенглаштирилган тадбирларни амалга оширишни талаб қиласи.

Бугунги кунда сармоя ва инвестиция жараённига турли олим ва амалиётчилар ҳар хил нуқтаи назардан қарайдилар, айрим олимлар сармояни ҳали «капитал қуюлмалар», «капитал қурилиш», категорияларига тенглаштириб келадилар. Аслини олганда, сармоя ҳажми жиҳатидан ҳам ҳозир айтилган категориялардан устун туради. Бозор иқтисодиётida ушбу категориялар сармояларнинг таркибий қисмидир.

Сармоянинг меҳмонхона менежментини ривожлантиришдаги иқтисодий аҳамияти тўғрисида фикр юритиладиган бўлса, бу ўринда сармоя тушунчасининг молиявий, мулкий ва интелектуал қадриятларини

такрор ишлаб чиқаришни унутмаслик керак. Кўпгина меҳмонхона менежментидаги иқтисодчи олимлар ва амалиётчиларнинг асарларида меҳмонхона менежментига қўйилган сармоялар ва улар билан боғлиқ бўлган бошқа муаммолар тўғрисида фикрлар мавжуд. Масалан Америкалик Н.Р.Тейлорнинг фикрича «меҳмонхона менежментига қўйилган сармоялар бу- субъект ихтиёридаги барча молиявий, моддий ва бошқа бойликларни келажакда иқтисодий самара олиш учун бирор-бир меҳмонхона обьекти қурилишидаги ёки реконструкция қилишга сарфлашдир». Бу ўринда сармоянинг моҳияти билан мазмунини бозор иқтисодиётига мослаштириб очиб беришга ҳаракат қилинган.

Иқтисодиётимизда сармоя хусусида қонуний ҳужжатлар 1991 йилдан бошлаб қабул қилинган ва ўтган вақт ичida улар анча такомиллаштирилади. Сармоя тўғрисида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунда кўрсатилишича, сармоя бу:

- иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли коғозлар (акция, облигация), машиналар;

-асбоб-ускуналар, меҳмонхоналар учун ички жихозлар, янги технологиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай сармоянинг бозор иқтисодиёти шароитида тўлалигича фаолият кўрсатишни аниқ тасдиқлади.

Жумладан, унда, биринчидан сармоянинг ўзига ва сармоя фаолиятининг обьектларига кенг таъриф берилган. Иккинчидан, меҳмонхонага қўйилган сармоянинг бевосита ижтимоий ва иқтисодий самара олишга боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган. Агар инвестор даромад олмайдиган бўлса, инвестиция жараённи амалга оширишнинг мантиғи қолмайди.

Демак, сармояга бозор муносабатларидан келиб чиқсан ҳолда берилган таърифнинг ўзидаёқ инвестиция жараённинг ҳажми, асосий босқичлари, яъни жамғармалар (ресурслар), қўйилма маблағлари (сарф-харажатлар), самара (даромад, фойда) аниқ ва равshan кўрсатиб ўтилган. Худди шундай ёндашув инвестиция фаолиятининг бозор муносабатларига ўтиши учун замин яратади, бу эса, молиявий, моддий ва ақлий бойликларни қайта тақсимлашнинг вертикал ва горизантал усусларидан бир хилда фойдаланишин таъминлаб беради.

Хорижий мамлакатларнинг меҳмонхона менежментини бошқариш тажрибаси ва инвестиция тўғрисида республикамида қабул қилинган қонуннинг таҳлилидан келиб чиқиш, сармояни шартли равишда Зга ажратиш мумкин:

1. Молиявий сармоялар.
2. Моддий сармоялар.
3. Ақлий (интелектуал) сармоялар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир сармоя турининг ўзига хос ўрни бўлади. Молиявий сармоялар таркибига маҳаллий ва хорижий

мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлари, депозит сертификатлар, акциялар, облигациялар ва бошқа турдаги қимматли қоғозлар хамда уларга тенлаштирилган бойликлар киради<sup>13</sup>. Масалан, бирор-бир меҳмонхонани қуриш ёки реконструкция қилиш учун сарфланадиган хорижий инвесторларнинг пул маблағлари. Моддий сармоялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, меҳмонхонанинг ички жиҳозлари, яъни технологиялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларнинг актив ва пассив қисмлари киради.

Интелектуал сармоялар микдори жуда ранг барангdir, яъни улар мулкий хукуқлар шаклидаги сармоялар, ақлий меҳнатга оид шаклдаги сармоялар хусусида қонунларимизда келтирилган кўрсатмаларни умумлаштириб, сармояга қуидагича сармоя деб, ҳар бир инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий ва ақлий бойликларни бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор-бир янги меҳмонхона қуриш ёки таъминлаш учун сарфланадиган маблағга айтилади.

Республикамида туризм индустрясини мустаҳкамлаш ва халқаро туризмни янада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида ҳиссадорлик жамиятларини чет эл инвесторларга тегишли улушларини потенциал инвесторлар орасида тендер асосида жойлаштириш шунингдек қимматли қоғозлар бозорини жонлантириш мақсадида, ҳиссадорлик жамиятларини очиқ савдодаги акцияларни фонд биржаси орқали сотилишини амалга ошириш юзасидан «Ўзбектуризм» миллий компанияси вазирликлар, идоралар, тиҷорат банклари, инвестция жамғармалари ва қўшма корхоналари жалб қилиш ва акция пакетларини сотишни ташкил этиш ишларини амалга ошира бориб янги пайдо бўлган ресусларни жами -83,98 млн. сўмлик, улардан 58,43 млн. сўм чет эл инвесторларга ва 25,89 млн. сўм эркин сотувга мўлжалланган акция пакетларини жорий йилда 98,3 млн. сўмлик қилиб сотилади, шу жумладан чет эл инвесторларига 60,4 млн. сўмлик акциялар сотилади<sup>14</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 декабрь 557 сонли «Ўзбекистон Республикасида 1998 йил сармоя дастури ва капитал қурилишда келажакдаги бозор муносабатларини чукурлаштириш чоратадбирлари» қарорини бажариш борасида «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан капитал маблағни ўзлаштириш бўйича жорий йилда маълум даражада ишлар олиб борилди. Жумладан «Отель Ўзбекистон» қўшма корхонаси меҳмонхонани таъмирлаш ишлари бўйича ишлари 3,млн. доллар капитал маблағ ўзлаштирилди. Тармоқдаги корхоналар автотранспорт воситаларни таъмирлаш ва янглаш учун 1,7 млн. доллар, 29,6 млн. сўм сарфланади.

Хозирда тармоқ корхоналари томондан 110 млн. сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Чет эл туристларга юқори савияда хизмат кўрсатиш, жаҳон

<sup>13</sup> Валдайцев С.В., Воробьев П.П. Инвестиции. Учебник. - М.: ТК Венби, издательство Проспект, 2003.- 30 с.

<sup>14</sup> [www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz) –Ўзбектуризм МК

андозалари талабига жавоб берадиган сервисни ошириш мақсадида Тошкент, Самарқанд, Бухор ва Хоразм вилоятларининг тизим ташкилотларида замонавий 5-та 45 ўринли «Хьюндай Аэро Спейс» автобуслари, 2-та Тойота русумли «Джип», 2-та 24 ўринли «Костёр» автобуси, 2-та «Грейс» ва «Старекс» микроавтобуслари ва 6-та Нексия енгил автомабиллари сотиб олинди<sup>15</sup>. Республикаизда меҳмонхона бизнесини ривожлантиришда хорижий сармояларнинг роли катта бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг жумладан И.А.Каримовнинг сармоя сиёсатини жуда тўғри олиб боришини натижасида йирик чет эл компания ва фирмалари Ўзбекистонга туризм соҳасига жумладан меҳмонхоналар қуришга ва реконструкция қилишга сармоя ажратишларни билдирамоқда.

Йилдан-йилга Ўзбекистонга айниқса узоқ хориждан келаётган туристлар сони тобора ошиб бормоқда. Ҳозирда Ўзбектуризм миллий компаниясига қарашли меҳмонхоналар ва кемпингларда атиги 8,334 ўрин мавжуд, агар ўртача йиллик бандликни (67%) олсак, жойлар сони 5452та ташкил қиласди. Шулардан фақатгина 2579та ўрин халқаро стандартларга жавоб беради. Лекин социалогик тадқиқотларнинг кўрсатгичларига қараганда Ўзбекистонга келаётган 50%ни бошқа вазирликлар ва идораларга қарашли меҳмонхоналар жой билан таъминлаш экан.

Бу вазирликлар ва идоралар қарашли жойларнинг умумий сони 9 минг атрофида. Шулардан фақатгина 1100та ўрин халқаро стандартларга жавоб беради. Республикаизга келаётган чет эл эллик туристлар талабларини қондириш учун мавжуд бўлган меҳмонхоналарни (7500 ўрин) чет эл сармоялари ёрдамида реконструкция қилиш лозим. Бу боради сезиларли даражада иш олиб борилмоқда. Масалан, Германиянинг «Инпро» фирмаси билан ҳамкорликда “Ёшлик” меҳмонхонаси тўла таъминлаб, 1997 йилнинг 1- сентябрида ишга туширилди. Меҳмонхонада 107 та хона мавжуд бўлиб, 178 ўриндан иборат. Меҳмонхона халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Меҳмонхонани таъмирлашга 15 млн. сўм сарфланади. Бу меҳмонхонага ҳозирда «Домина Шодлик Палас Отель» деб ном берилиди ва бу меҳмонхона 4- юлдузли меҳмонхона категорияси берилган. «Домина Шодлик Палас» меҳмонхонасисининг менежменти Германиянинг «Фон Кортен Хотлез энд Консалтинг» фирмасига шартнома асосида берилган. Маълумки, бу фирма меҳмонхона менежменти соҳасида жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳинд қурувчилари томонидан Тошкентда курилган “ТАТА” меҳмонхонаси Малайзиянинг Бакро Инвестидо фирмасига 39 млн. АҚШ доллга сотиб юборилди. Тушган пулларнинг барчаси мавжуд бўлган меҳмонхоналарни таъмирлашга сафланмоқда. Ҳозирда “ТАТА” меҳмонхонасига “Ле-Меридиан” номи қўйилди ва меҳмонхона менежменти Франциянинг “Ле-Меридиан” отеллар занжири бошқарувига берилди<sup>16</sup>. Бу меҳмонхона чет эл эллик туристлар янада ўзига жалб қиласди. Чунки

<sup>15</sup> [www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz) –Ўзбектуризм МК

Код поля изменен

<sup>16</sup> [www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz) –Ўзбектуризм МК

мехмонхона ҳамма қулайликларга эга. Ле - Меридиан номи бутун жаҳонга маълум ва машхур номларданdir. Чет эллик инвесторлар ёрдамида Тошкентдаги Ўзбекистон меҳмонхонаси асосида янги қўшма корхона тузилади. Бу лойиха асосан ЎзбЁшлиқ” меҳмонхонаси босқичма-босқич таъмирланади. Отель Ўзбекистон га 4 юлдузли меҳмонхона катигорияси берилган. Лойиха баҳоси 32 млн. долл. Ҳозирда меҳмонхонанинг деярли яридан кўпи таъмирдан чиқарилди ва чет эллик меҳмонларни қабул қилмоқда. Хива шаҳрида 60 ўринли Хоразм меҳмонхонаси тўла таъмирланди ва Хива шаҳрининг 2500 йиллик тўйига бағишлаб очилди. Хоразм меҳмонхонасини таъмирлашга 31 млн. сўм пул сарфланди. Бу меҳмонхонага 3 юлдузли категория берилди. Бундан ташқари Бухоро шаҳридаги Бухоро меҳмонхона мажмуаси тўла таъмирланди. Бухоро меҳмонхона мажмуасини таъмирлашга 2,5 млн. АҚШ долл. сарфланди ва бу меҳмонхонага 4 юлдузли категория берилди. Чорсу туркомплексини таъмирлаш учун Туркияning Айсел қурилиш корхонаси билан шартнома имзоланди. Бу туркомплексни таъмирлашга, 19 млн. АҚШ долл. миқдорида сармоя сарфлаш мўлжалланмоқда. Булардан ташқари Самарқанд шаҳрида Отель Афросиёб тўла таъмирланиб чет эл туристларини, қабул қилмоқда. Меҳмонхона халқаро стандартларга жавоб берадиган 500 ўриндан иборат. Отель Афросиёб 4 юлдузли меҳмонхона категориясига киради. Булардан ташқари хорижий инвестор ва Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлиги томонидан қурилган. Тошкентдаги 5 юлдузли меҳмонхона 1996 йилда ишга туширилди. Меҳмонхона менежменти жаҳонга машхур Интер-континеталь отеллар занжир бошқармасига топширилди ва бу меҳмонхонага “Отель Интер – континенталь” деб ном қўйилди.

Тошкентда яна битта 4 юлдузли, ҳашаматли меҳмонхона ишга тушурилди. Бу меҳмонхона Францияning Буиг фирмаси томонидан қурилиб, битказилди. Меҳмонхона менежменти Шерaton бошқарувида бўлиб, унга меҳмонхонага “Шерaton - Тошкент” номи берилди.

Шу билан бирга яқинда республикамизда ўтказилган Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг саммити қатнашчиларини қабул қилиш учун аввалги Дўстлик, Тошкент, Россия меҳмонхоналари қайта таъмирланиб, Туркияning туристик меҳмонхоналари бошқарувига берилди. Улар ҳозирги кунда 3-юлдузли меҳмонхоналар сафига киради. Улар Га киради. Улар Гт Силкруд-Тошкент ва ҳ.к. номлар билан юритилмоқда. Уларни таъмирлаш учун Туркиялик инвесторлар томонидан ҳар бирига 14-16 млн. АҚШ долл. миқдорида валюта сарфланди. Республикамизда 1999-2005 йиллар ичida халқаро туризмни ривожлантириш инвестиция режалари ишлаб чиқилган. Бу инвестиция режаси қўйидаги 6-жадвалда берилган.

1.	Режадаги қилинадиган ишлар	Сармоя қўйилма лари	Молиялаш масалалари	Амалга ошириш вақти
2.	Самарқанд шаҳрида Президент Отелини қуриш.	19.	Ўз РМБ кредитлар Окан Холдинг	1999- 2000
	Хива шаҳрида янги меҳмонхона куриш	19.	Чет эл инвестор Франция Бунг	1999- 2000
4.	Урганч шаҳридаги Хоразм меҳмонхонасини таъмир.	7 , 5	Ҳиндистон кредити	1999- 2001
5.	Андижон шаҳридаги Олтин водий меҳмонхонасини таъмирлаш.	8	Хорижи ва маҳаллий инвесторлар	2001- 2002
	Жиззах шаҳридаги Ўзбекистон меҳмонхонасини таъмирлаш	10	Хорижий ва маҳаллий инвесторлар	2001- 2002
	Термиз шаҳридаги меҳмонхонани таъмирлаш	6	Хорижий ва маҳаллий инвесторлар	2003- 2005
7.	Самарқанд шаҳридаги Самарқанд меҳмононасини таъмирлаш.	8	Хорижий ва маҳаллий инвесторлар	1999- 2001
8.	Бухоро шаҳридаги Бухоро меҳмонхонасини таъмирлаш	8	Хорижий инвесторлар	2000- 2001
9.	Автобус автомобиль паркларини янгилаш.	12	Хорижий ва маҳаллий инвесторлар	1999- 2005

**Манба:** [www.uzbek.turizm.uz](http://www.uzbek.turizm.uz)

## Хуноса

Туризмни ривожлантириш дастурлари ва режаларида тегишли сармоялар стратегиялари ҳар томонлама асослаб берилади. Улар реал, ният қилинган чоралари амалга оширишга мўлжалланган бўлиши лозим. Туристик фаолиятини сармоялаш жараёнида қўйидагиларни амалга ошириш зарур:

-миллий, минтақавий, маҳаллий ва фирма дастурлари ва режаларида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга сармояларни ўналтириш;

-уларни биринчи навбатда ҳар томонлама техник-иктисодий асослашга эга бўлган режалар ва дастурларга қўйиш;

-хорижий валютадаги режаларни амалга оширишга кетадиган харажатларни иложи борича камайтиришни назарда тутиш;

-ички, ҳамкорликдаги ва хорижий сармояларнинг манбаларини топиш;

-ички ва ташки туризмни ривожлантириш дастурлари ва режаларини бажаришда ҳуқуқий, солик ва маъмурий тузилмалар томонидан кўрсатиладиган қўллаб-кувватлашлардан максимал фойдаланиш;

-энг қисқа муддатларда энг катта даромад олишга имкон берадиган истиқболли лойиҳаларга сармоялар қўйиш;

-тадбиркорлик лойиҳаларининг дастурлари, режалари ва тадбирлари бажарилишининг муддатлари ва сифатини назорат қилиш;

-туризм соҳасидаги инвестициялашнинг энг асосланган стратегияси энг кам сарф қилиб, энг кўп фойда олишни таъминлаши керак.

### **Таянч иборалар**

Туризм индустрясига сармоялар, инвесторларнинг турлари, сармояларнинг турлари, хорижий сармоялар, хорижий сармояларнинг аҳамияти ва уларни жалб қилиш усувлари.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Туризмни ривожлантиришни молиявий таъминлаш заруриати унинг режадаги тадбирларни бажаришдаги роли.
2. Туризм соҳасидаги сармоя сиёсати ва стратегиясининг тавсифини беринг.
3. Туризмда тадбиркорлик лойиҳасини амалга оширишга кетадиган капитал харажатларнинг таркиби нималарга боғлиқ?
4. Туризмдаги айланма капиталнинг тузилишини тавсифлаб беринг.
5. Туризмни ривожлантириш ва замонавийлаштиришни молиявий таъминлаш манбалари.
6. Туризмни ривожлантиришни молиявий таъминлашнинг объектив зарурати нимада?
7. Солиқ имтиёзларининг турлари.
8. Туризм соҳасида давлат рағбатларининг асосий турлари ва уларнинг аҳамияти.
9. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш ва маблағ билан таъминлашга бериладиган имтиёзларнинг турлари.
10. Бозор иқтисодиёти шароитида сармоя турларининг ўрни.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган давлат дастури Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 15.04.1999 йилдаги УП-№2286 фармони.
2. Юрьев А.П. Планирование туризма: Учебное пособие. –Донецк, 2001.
3. Валдайцев С.В., Воробьев П.П. Инвестиции: Учебное пособие. -М.: ТК Венби, издательство Проспект, 2003.
4. Richard Sharpley and David J. Telfer, Tourism and Development: Concepts and Issues, Printed and bound in Great Britain by Cambrain Printers Ltd, 2002.
- 5.[www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация.
- 6.[www.wttc.org](http://www.wttc.org) – Всемирный Совет по путешествиям и туризму.

## **5-боб. ТУРИЗМ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ**

### **5.1. Ўзбекистонда туризмнинг ҳолатини таҳлил қилиш.**

#### **5.2. Туризм ривожланшининг муаммолари.**

##### **5.1. Ўзбекистонда туризмнинг ҳолатини таҳлил қилиш**

Иқтисодий фаолият турларининг халқаро стандарт тоифа классификациясига кўра туризм муйян фаолият тури сифатида “Хизматлар” бўлимида туради. Ўзбекистон Республикасида туризм бозор муносабатларига ўтиш шароитида амалда юзага келган ноишлаб чиқариш соҳасидан иқтисодий фаолиятнинг мустакил соҳасига айланди ва қўидагилар билан характерланади:

-300 дан ортиқ туризм ва экскурсия муассасаларига, умумий овқатланиш корхоналари, ижара пунктлари, йўллар, автобазалар ва гаражларга эга бўлган етарлича ривожланган моддий-техник базалар;

-туризм-экскурсия фаолияти обьектлари бўлган ўзига хос табиий ва ижтимоий-маданий ресурслар;

-кўрсатилаётган хизматларнинг туризм-экскурсия муассасаларида ахолига хизмат кўрсатиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган спецификаси;

- республика, вилоят ва шаҳар бошқарувларининг бозор бошқаруви ва идорасининг замонавий тамойилларига ўтаётган шаклланган тузилмаси.

Юзага келиш минтақаларининг асосий белгиларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудидаги маъмурий чегараларни ҳисобга олган ҳолда, фаолият кўрсатаётган тўртта: Фарғона, Тошкент, Самарқанд-Бухоро, Хоразм ва келажакда режалаштирилаётган учта - Жиззах, Қарши-Термиз, Ўрта-Қорақалпоқ туризм районини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Фарғона туризм райони республиканинг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларини қамраб олувчи шарқий қисмида жойлашган. Табиий-иқлимий шароитларнинг турли-туманлиги кўплаб туризм обьектлари билан биргалиқда бу минтақадан ўқув-соғломлаштириш туризмини ривожлантириш мақсадида фойдаланиш имкониятини белгилаб беради. Археологик ва меъморчилик ёдгорликлар, саноат комплекслари ва халқ хунармандчилиги Фарғона худудида туризм комплексини шакллантирувчи асосий туризм обьектларидир. Туманда Сўх дарёси ёқасидаги Сарикўргонда, Ойдинкўл кўлида, Андижоннинг жанубий-шарқида “Боғишамол”, Каркидон сув омборида табиий дам олиш худудлари ташкил қилинган. Фоятда қулай табиий имкониятлар, дарёлар, кўллар ва сув омборларининг кўплиги тоғ-иқлим шароитлари билан биргалиқда туманни катта майдондаги ягона туризм худудига айлнатиради.

Фарғона туманидан туризм максадларида фойдаланишга темир ва автомобил йўлларининг кенг тармоғи мавжудлиги яна бир қулайлик

тұғдиради ва бу туманнинг ҳамма жойида туризм ва дам олиш базаларини жойлаштиришга имкон беради.

Тошкент туризм райони Тошкент вилоятини қамраб олади. Бу туман туризмнинг барча турлари учун универсал имкониятларга әгадир. Тошкент туризм районининг диққатта сазовор бўлишидаги муҳим омил унинг бой ландшафтли табиати, ранг-баранг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсидир. Тумандаги Туябўғиз ва Чорвоқ сув омборларида дам олиш худудлари ташкил этилган. “Чимён” комплекси базасида тоғ - пиёда ва тоғ-чанги туризми етарлича ривожланган. Яхши тармоқланган автомобил ва темир йўллари Тошкент туризм районининг туризм марказларини бир-бири билан боғлайди ва шаҳар атрофидаги темир йўл ва автомобил туризмининг ривожланишига имкон яратади.

Самарқанд-Бухоро туризм райони Самарқанд, Бухоро ва қисман Навоий вилоятлари худудини ўз ичига олади. Бу туманда туризмнинг ривожланиши Самарқанд ва Бухоронинг бутун дунёга машҳур меъморчилик обидаларига асосланган. Ҷўлнинг иссиқ иклимини хисобга олган ҳолда ягона бош режа асосида бунёд этилган Навоий шаҳри ҳам таълимий аҳамиятга эга. Туманнинг географик жойлашуви туризмни ривожлантириш учун жуда қулайдир. Зарафшон дарёси бўйлаб ўtkазилган темир йўл, кенг ривожланган шоссе йўллари тармоғи, Зарафшон орқали унчалик баланд бўлмаган довонлар ва яхши сўқмоқларнинг мавжудлиги тумандан туризм мақсадларида фойдаланишни фойтда осонлаштиради.

2005-2007 йиллар давомида Бухоро вилоятида 226 лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, 293,7 млн.АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя жалб этиш мўлжалланмоқда.

2005-2007 йиллар мобайнида туризм соҳасига 26 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилади. 2005-2007 йилларда лойиҳа доирасида 6 та иирик лойиҳа ва 22 та кичик лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган. Мехмонхоналар сони 28 тадан 37 гача етади ва ўринлар сони 1400 тадан 1700 гача етади. 2007 йилга 3 млн. АҚШ доллари миқдорида хизмат кўрсатилади. Шундан 5 млн. АҚШ доллари (Польша кредит линияси бўйича) “Бухоротурист” меҳмонхонасини қайта таъмирланиши ва замонавий жихозланиши учун жалб қилинади. Ўзбекистон-Германия ҳамкорлигига 2005 йилда Шаҳристон-Вояж меҳмонхонаси ўз фаолиятини бошлайди. Ушбу меҳмонхона 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, 480 минг доллари миқдорида сармоя киритилган.

Шунингдек Бухоро шаҳрида соатига 300 кишига хизмат кўрсатиш кувватига эга бўлган ҳалқаро аэропорт қурилишига 11 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш режалаштирилган. Натижада туризм соҳасида 1195 га яқин қўшимча иш ўринлари яратилади<sup>17</sup>.

*Хорижий сармояларни киритиш асоси:*

Бухоро вилояти туризмни ривожлантириш имкониятлари жихатидан республикамизнинг муҳим ҳудудларидан бири ҳисобланади. Вилоятда 924 га

<sup>17</sup> [www.mfa.uz/mfadocs/invest/buhara/bh\\_vijimka.doc](http://www.mfa.uz/mfadocs/invest/buhara/bh_vijimka.doc)

яқин тарихий аҳамиятга эга бўлган обида, зиёратгоҳ, масжид ва бошқа туристик мажмуалар мавжуд бўлиб, улар қаторига Сомонийлар мақбараси, Фатхобод тарихий мажмуаси, А.Гиждувоний зиёратгоҳи, Б.Нақшбандий зиёратгоҳи тарихий мажмуаси, Арк тарихий мажмуаси, Пойи Калон масжиди тарихий мажмуаси, Лаби Ховуз тарихий мажмуаси, Чор-бакр тарихий мажмуаси, Минораи Калон тарихий мажмуалари кабиларни киритиш мумкин. Вилоятга 2003 йилда 96 мингга яқин сайёҳлар ташриф буюрган бўлиб, уларга 2 млн. АҚШ доллари миқдорида хизмат кўрсатилган. Бухоро вилоятига келувчи туристларнинг асосан хонадон ва кичик меҳмонхоналарда ўрнашишда талаби юқорилигини инобатга олиб, дастурда асосан кичик меҳмонхоналарнинг сонини оширишга алоҳида эътибор берилган. Дастур доирасида вилоятда туристлар оқимини ошириш учун тур оператор агентликларини кўпайтириш, туризм соҳасида ов туризмини ҳам ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда.

Хоразм туризм райони Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий қисмida, Амударёning чап қирғоғида жойлашган бўлиб, Хоразм вилоятининг худудини эгаллаган. Тумандан туризм мақсадларида фойдаланиш асосан Ичанқалъа меъморчилик қўриқхонасида жойлашган Хива тарихий-меъморчилик ёдгорликларига асосланади. Кўплаб тарихий маданият ёдгорликлари бутун район бўйлаб жойлашган. Хивадан жануби-шарқ томонда Шўркўл кўли бор. Райондаги тарақкий этган алоқа йўллари тизими келажакда бу ерда район ва районлароро аҳамиятга эга бўлган турли туризм маршрутларини ўрнатишга имкон беради.

Жizzах туризм райони Сирдарё ва Жizzах вилоятлари худудларини ўз ичига олади. Мазкур районнинг транспорт билан яхши таъминганлиги ва унда табиий ресурсларнинг мавжудлиги ундан туризм мақсадларида фойдаланиш истиқболларини белгилаб беради. Бу ерда шу ерлик ва яқинда жойлашган туризм районлари аҳолиси учун мўлжалланган дам олиш кунлари маршрутларини ва қисқа муддатли дам олишни ташкил қилиш мумкин.

Карши-Термиз туризм райони Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари худудларидан иборат. Шахрисабз, Қарши ва Термиз шаҳарларидаги археологик ва тарихий-археологик ёдгорликлар, Китобдаги астрономик кенглиқ, Дендропарк районда туризмни ривожлантиришнинг асосини ташкил қиласди. Қашқадарё, Сурхондарё, Амударё қирғоқларида, Чимқўрғон, Пачкамар ва Жанубий Сурхондарё сув омборларида туризм ва дам олиш масканларини яратишнинг истиқболлари бор. Ҳисор тоғ тизмаси ёнбағирларида тоғ туризми базаларини жойлаштириш мумкин.

Келгусида Ўзбекистоннинг яна бир райони - Қорақалпоқ худудини ҳам ўзлаштириш мумкин. Бу худудни ўзлаштириш коммуникациялар куриш учун катта капитал маблағларни, катта хажмдаги ободонлаштириш ишларини талаб қиласди. Бу ерда Тупроққалъа, Бургутқалъа, Гилдурсун қалъалари, Киёт шахри каби экскурсия объектлари жойлашган. Бу археологик ёдгорликлар қадимги Хоразм цивилизациясига оид бўлиб, таълимий туризм ресурслари сифатида тарихий-меъморчилик аҳамиятига эга бўлган Хоразм туризм райони билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу ёдгорликлар гурухига бориш учун

бу худудда яхши транспорт йўллари мавжудлиги уларнинг Хоразм районининг туризм ресурсларига киритилишини тақозо қиласди.

## 5.2. Туризм ривожланишининг муаммолари

Республикада туризмни муваффақиятли ривожлантириш учун ЮНЕСКОнинг узоқ муддатли “Ипак йўли” халқаро лойиҳасини амалга ошириш катта аҳамиятга эгадир. Бу лойиҳанинг вазифаси Хитойдан Марказий Осиё орқали Ўрта Ер денгизидаги портларга бориб, Фарб мамлакатларида тамом бўладиган бу йўлдаги кўп асрлик тарихга эга бўлган алоқаларни, маданий-тарихий меросни қайта тиклашдан иборатдир. Мазкур дастур мамлакатимиз, бутун Марказий Осиё ва бошқа қўшни давлатларга қадимий савдо карvonлари босиб ўтган йўл бўйлаб ягона халқаро туризм алоқаларининг ягона тизимига бирлаштириладиган туризм марказларининг бутун бир комплексини яратишга имкон беради.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига туфайли хизматларнинг сифати ва номенклатурасига, туризм-экскурсия хизмати кўрсатишнинг турли-туман шакл ва усуулларига янги талаблар илгари сурилмоқда.

Республика туризмидаги иқтисодий аҳволни таҳлил қилиш учун унинг ривожланишидаги икки босқични ажратиб кўрсатиш мумкин:

**1 босқич** 1986 йилдан 1991 йилгача бўлган давр ва 2-босқич 1992 йилдан кейинги даврни ўз ичига олади. Бундай даврларга бўлиш республика туризм тараққиётидаги икки энг муҳим даврни ажратиб олишга имкон беради.

1-босқичда туризм республика касаба уюшмасига бўйсунар, унинг бош органи СТРЭУ - Ўзбекистон Республикаси туризм ва экскурсиялар бўйича Кенгаши эди. Бу давр туризм чора-тадбирларини тўлиқ хўжалик хисоби, ўз-ўзини қоплаш ва ўз-ўзини молия билан таъминлашга ўтказиш билан боғлиқ бўлди.

**2 босқич** эса Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши, “Ўзбектуризм” Миллий Компаниясининг ташкил қилиниши ва бозор муносабатларига ўтиш билан 1991 йилда Республикада туризм соҳасида 87 корхона, муассаса ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, 4234 ўринлик 11 туризм комплекси, 2928 ўринлик 12 туризм базаси ва 599 ўринлик 2 кемпинг фаолият кўрсатар эди (иловадаги 1 жадвалга қаранг).

Республикада туризмни ривожлантиришда моддий-техник база алоҳида аҳамиятга эга, у ташкилий туризмни ривожлантириш ва комплекс туризм-экскурсия хизмати кўрсатиш: жойлаштириш, озиқ-овқат билан таъминлаш, кўнгил очиш, даволаш, экскурсиялар ўтказиш ва ҳоказолар учун шароит яратиб беради. Ўзбекистон Республикаси туризмида моддий-техник базанинг ривожлантирилиши бир неча босқичдан иборат. Ҳар бир босқичнинг муддати ва унинг сифат таркиби собиқ Иттифоқнинг объектив тарихий ва иқтисодий шарт-шароитларига боғлиқ бўлди.

Республика туризм салоҳиятини баҳоловчи яна бир муҳим кўрсаткич - асосий фондларнинг моддий элементларини ташкил қилиш ва харид қилишга кетган пул харажатларининг йиғиндисидан иборат бўлган капитал

қўйилмалар ҳажмидир. Республика туризм тизимининг ўз моддий-техник базасини ривожлантиришга сарфланган капитал қўйилмаларнинг 1986-90 йиллардаги умумий ҳажми 17345 минг сўмни ташкил қилди. СТРЭУ моддий-техник базасини ривожлантиришга сарфланган капитал қўйилмаларнинг 1986-90 йиллардаги динамикаси 2 жадвалда келтирилган (иловага қаранг).

Бозор муносабатларига ўтиш бутун республика туризм тизими олдига анчагина кескин шартлар қўйди. Туризм тизимининг жами ташкилий-иктисодий тузимасини тубдан қайта ташкил қилиш, туризмни бошқаришнинг марказлаштирилган механизмдан фарқ қилувчи амалий иктисодий механизмини ишлаб чиқиш зарур эди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 июлдаги Фармонига биноан “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси ташкил қилинди. Бу компания Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, “Интуртаж” қўшма корхонаси, “Сайёҳ - Интур” республика хўжалик ҳисобидаги бирлашмаси ва собиқ “Госкоминтурист” корхоналари асосида ташкил қилинди.

“Ўзбектуризм” Миллий Компанияси бир неча йиллик фаолияти давомида миллий ва халқаро туризмни қайта тиклаш, моддий-техник ва меъёрий базани мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, янги туризм маршрутларини ишлаб чиқиш, экскурсия мавзуларини янгилаш, мавжуд туризм база ва кемпингларини такомиллаштириш ва янгиларини ташкил қилиш, қўшимча хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш бўйича маълум миқдордаги ишларни амалга оширди.

1992 йилдаёк “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси тизимида 135 корхона бор бўлиб, улар ичida жами 10 минг ўринлик 34 меҳмонхона, турбазалар, кемпинглар, мотеллар бор эди. Қиймати асосий фондларнинг 1,6 млрд. сўмни ташкил қиласар эди, уларнинг 79%и курилганига 15-20 йил бўлган бино ва иншоотлар эди. Амалда барча меҳмонхоналар, турбаза ва кемпинглар капитал таъмирлашга ва реконструкциялашга муҳтож эди, уларнинг 40% камрентабелли ва зарар кўраётган корхоналар эди.

1992 йил давомида республикада 408 минг кишига хизмат кўрсатилди, улардан 40 минг киши Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Жанубий-Шарқий Осиёдан, 30%и Европадан ва 10% Шимолий ва Лотин Америкасидан келган туристлар эди. Чет элларга 60 минг киши юборилди. Кўрсатилган хизматлар ҳажми шу йили 1,2 млрд. сўмни, валюта тушумлари 3,7 млн. долларни, фойда 180 млн. сўмни ташкил қилди.

1993 йил охирига келиб, республика туризм тизимида хукукий шахс мақомига ва мустақил балансга эга бўлган 123 ташкилот бор эди. Ўтган 1993 йилга нисбатан бу кўрсаткичларнинг турбазалардаги ўринлардан бошقا барчasi камайди. Ўринлар сони 256 тага кўпайди.

Тармоқнинг ривожланиш кўрсаткичлари энг юқори бўлган 1988 йилга нисбатанР. АҚШ длда туризм-экскурсия корхоналари сони 1,5 баравар, турбазалардаги ўринлар сони 105 тага ортди.

Республика ҳудудидаги туризмнинг моддий-техник базаси ғоятда нотекис тақсимланган. Республикаларига барча ишлаб чиқариш салоҳиятининг

40% қисми Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига, 37%дан ортиқ қисми Самарқанд, Бухоро, Хива ва Урганчга, таҳминан 16%и Фарғона водийсига тӯғри келади. Қолган 7% республиканинг бошқа минтақалари ўртасида тақсимланади.

1993 йил давомида республикада 457 минг туристга, шу жумладан 40 минг чет эллик туристларга ва 530 минг экскурсантларга хизмат қўрсатилди. Бу қўрсаткичлар 1992 йилга нисбатан бирмунча кўп бўлса-да, 1988 йилга қараганда анчагина камдир. Умуман олганда, 1993 йилда туризм соҳасининг рентабеллиги 1992 йилги қўрсаткичдан анчагина баланд эди, аммо бу асосан туризм хизматлари ва туризм соҳасидаги бошқа ишлар нархининг бир неча баравар ортганлиги ҳамда моддий базани қуриш, реконструкциялаш ва мустаҳкамлаш харажатларининг ортганлиги ҳисобига юз берди. Сўнгги йилларда туризм фуқаролар учун “қимматга тушувчи роҳат” бўлиб бормоқда, хизмат қўрсатиш сифати эса пасайиб бормоқда. Шу сабабдан республикадаги саёҳатлар ва экскурсия бюороларининг кўпчилиги туристларга хизмат қўрсатишнинг белгиланган қўрсаткичларига эриша олмаяпти.

1993 йилда меҳмонхона хўжаликларининг бандлиги режалаштирилган қўрсаткичнинг 64,5%ни, тўлиқ меҳмон қабул қилиш қобилиятининг 30,5%ни ташкил қилди.

1994-1995 йиллар республика туризми ривожланишида мураккаб ва зиддиятли давр бўлди. Улар республикада юз бераётган иқтисодий жараёнларнинг барча муаммоларини, ўтиш даврининг барча қийинчиликларини ўз ичига олди. Бу йилларда туризм таракқиётининг асосий қўрсаткичлари қўйидагичадир: туризм-экспурсия хизматлари ҳажми бирмунча ортиб, икки йил учун ўртача 237,6 млн. сўмни ташкил қилди, асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати 39 млн. сўмдан ортди, автотранспорт ҳажми кўпайиб, 14,5 минг сўмни ташкил қилди, туризм корхоналарининг рентабеллиги 34,6%-га етди ва 1992 йилга нисбатан 2 баравардан кўпроқка ўси.

Рентабеллик асосан барча турдаги туризм хизматларига белгиланган нархларнинг бир неча баравар ошганлиги ҳисобига ўси, бу эса фаровонликни ва туризмни ривожлантиришнинг самарадорлигини қўрсатмайди.

1993 йилга нисбатан чет эллик туристлар сони бирмунча кўпайди: республикага 1993 йилда 43 минг киши, 1994 йилда 44,8 минг киши ва 1995 йилда 46,3 минг киши меҳмон бўлиб келди, аммо 1989 йилга нисбатан бу қўрсаткич барибир анча камдир.

1996 йилда республикада қабул қилинган туристлар сони 550 минг кишига етди, улардан 165 минг киши чет эллик туристлардир. Туризм хизматлари қўрсатишнинг валютадаги (АҚШ долларларида) ҳажми 101,2 млн. доллдан 198 млн. доллга ортди. Валюта тушумларини миллий валютада ҳисоблаганда туризмнинг барча хизмат қўрсатиш соҳаларининг ялпи ички маҳсулотидаги улуши 1996 йилга келиб таҳминан 9%ни, валюта тушумлари эса 67,5%ни ташкил қилди. Аммо барибир, олинаётган даромад нуктаи назаридан қараганда, туризмнинг республика миллий даромадидаги ҳиссаси

анчагина кичиклигича қолиб келмоқда. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун дунёдаги етакчи мамлакатлардан олинган маълумотларни таққослаб куриш етарли: Испания, Франция, Канада, АҚШ ва Италия мамлакатларида бир йилда (1995 йил) мос равища 54 млн., 43 млн., 39 млн., 37 млн. ва 27 млн. киши меҳмон бўлади. Валюта тушумлари мос равища 16,2; 16,5; 4,8; 34,5; 11,5 млрд. долларни ташкил қиласди.

Бу мамлакатларда бир туристдан олинадиган даромад мос равища 300, 384, 123, 932 ва 426 доллни ташкил қиласди. Ҳатто Туркия, Мексика ва Гонконг каби мамлакатларда ҳам бу кўрсаткич 533 долл., 683, 768 долларни ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси эса 0,004 млн. турист қабул қиласган, валюта тушумлари 0,002 млрд. долларни, бир туристдан олинадиган даромад 36 доллни ташкил қиласди.

Бундай жараёнлар асосида объектив ва субъектив омиллар ётади.

Объектив омиллар ҳаммага яхши маълумдир. Улар асосий сабаби собиқ Иттифоқнинг тарқалиб кетиши, кўшни республикалардаги сиёсий ва иқтисодий бекарорликдан иборатдир. Ягона туризм тизими ва унинг барча алоқалари йўқолиб кетди. Туристлар оқимининг сезиларли қисқариб кетишига шу сабаб бўлди.

Субъектив омиллар қўйидагилардан иборат:

1. Туризм моддий-техник базасининг республика ҳудудида ғоятда нотекис тақсимланганлиги. Масалан, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистонда туризмнинг таълимий салоҳиятига оид объектларнинг 26% жойлашган бўлиб, улар меҳмонхона номерлари фондининг атиги 7-8%га эгадир.

2. Ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасининг етарлича таракқий этмаганлиги, зарур инфратузилманинг йўқлиги.

3. Мавжуд туристларга хизмат кўрсатиш объектларининг кўпчилигига комфорт даражасининг жаҳон стандартларига жавоб бера олмайдиган даражада пастлиги.

4. Туризм моддий-техник базасининг заифлиги, туризм индустрисини ташкил қилиш учун керакли моддий маблағларнинг йўқлиги.

5. Қонуний базанинг заифлиги, туризм ҳақидаги қонуннинг йўқлиги.

Туризм ва экспурсияларнинг яна бир хусусияти шуки, улар мамлакатдаги минтақаларнинг иқтисодиёти ва маданиятига катта таъсир кўрсатади. Туризм хўжаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши туристларга ва аҳолига йўл транспорти, савдо, коммунал-маиший, маданий, тиббий хизматлар кўрсатишнинг ривожлантирилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Туризмда, Ўзбекистон Республикасининг бутун халқ хўжалиги тизимида гидек, инқироз ҳолатлари ва инфляция жараёнларини чукурлаштирувчи қарама-карши омиллар амал қилишда давом этмоқда. Афсуски, нархларнинг харажатлар механизмига етарлича тўлиқ баҳо берилмаган ҳолда оширилиши халигача ҳам республика туризмida режалаштирилган вазифаларни ҳал қилишнинг ва ундан келадиган

даромадларнинг ягона манбаи бўлиб келмоқда. Республиканинг туризм салоҳияти ихтиёрида бўлган резервлари ҳозирча жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган туризм салоҳиятини барпо қилиш учун сарфланадиган зарур маблағлар ва сармоялар йўқлиги сабабли фойдаланилмай ётибди. Туристлар оқимини жиддий чеклаб қўяётган омиллардан яна бири шуки, туристлар Ўзбекистондаги энг машҳур ёдгорликлар ва бутун шаҳар қурилиши ансамбларини томоша қилиш учун келадилар, аммо бу объектларнинг ўтказиш қобилияти ғоятда пастдир.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан хизматларнинг сифати ва номенклатурасига, туризм-экскурсия хизматлари кўрсатишнинг турли шакл ва усулларига қўйиладиган янги талаблар илгари сурилмоқда. Бу жиҳатдан туризмнинг моддий-техник базасини ташкил қилиш ва ривожлантириш катта аҳамиятга эга бўлади.

Бу жараённи сармоя салоҳиятидан икки йўналишда фойдаланилганда амалга ошириш мумкин бўлади:

Биринчи йўналиш туризм - экскурсия хизматларининг сифати ва ҳажмини ҳозирда мавжуд бўлган моддий-техник база асосида оширишни кўзда тутади.

Иккинчи йўналиш моддий базани янада ривожлантиришни, туризм муассасалари тармоғини кенгайтиришни ва қўшимча туризм ресурсларини ўзлаштиришни кўзда тутади.

Мақсадга йўналтирилган ва етарлича кенг миқёсли сармоя сиёсати туризм индустрисини молиялаштириш ва барпо қилишининг асосий манбаи бўлиши лозим.

Республикада туризмни муваффақиятли ривожлантириш тизими бу соҳада бозор муносабатларини йўлга қўйишнинг биринчи босқичларида унда рўй берадиган жараёнларни мувофиқлаштиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бугунги кунда хорижий капиталсиз сармоя фаолиятининг кучайиши ва сармоя ресурсларининг кўпайиши амалда мумкин эмас. Иқтисодиётнинг юксалишида хорижий капиталнинг анча муҳим ўрин тутиши нафакат АҚШ, Германия, Франция ва бошқа ривожланган мамлакатларда, балки Осиёнинг янги мамлакатларида - Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур, Гонконгда, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари - Малайзия, Индонемаси ва собиқ Мисолидан ҳам яққол кўриниб турибди. Бутун дунёдан қўшма корхоналар тузиш, туристик комплексларни ҳамкорликда ишлаб чиқиши ва қуриш, ишлаб турган объектларни янгилаш мақсадларида бевосита хорижий сармояларни жалб қилиш давлатнинг туризмни ривожлантириш сиёсатидаги энг муҳим йўналишлардан биридир.

Республикада америкалик, туркиялик, покистонлик, германиялик, ҳиндистонлик, италиялик ва бошқа мамлакатлардан келган тадбиркорлар тенг хукуқли ҳамкорлар сифатида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар тобора кўпроқ ташкил қилинмоқда.

Хорижий сармоялашнинг имтиёзли йўналишлари қаторига туризмнинг замонавий инфратузилмасини, шу жумладан транспорт,

телекоммуникациялар, ахборот хизматлари, тадбиркорлик инфратузилмасини (офислар, тадбиркорлик марказлари, банклар ва бошқа объектлар) ташкил қилиш ҳам киради. Бусиз ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва халқаро сармоя фаолиятини кенг ривожлантириш амалда мумкин эмас. Чет эллик инвесторнинг максимал фойда олиши ҳамда бу лойихани келгусида амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар хорижий капитал иштирок этган ҳар қандай сармоя жараёнининг асосий харакатлантирувчи кучидир.

Шу сабабдан, республикага хорижий капитал кириб келиши учун даромадлар меъёри, хавфлар даражаси, рағбатлантиришлар ва хорижий ҳамкорлар учун керакли кафолатларнинг мувозанатлашган ҳолда ўйғунлашишини таъминлаш зарур.

Фарбнинг тадбиркорлик маданиятига ўтишда асосий ролни бозор иқтисодиётдаги сармоя соҳаларида жаҳонда қабул қилинган ишбилармон ҳамкорларнинг ўзаро муносабатлари қоидаларига риоя қилган ҳолда яхши иш олиб бора оладиган ходимларнинг профессионал тайёргарлиги ўйнаши лозим. Иқтисодий таҳлил ва ҳисоб-китобларнинг барча усулологиясини ҳамда бутун статистик ҳисботлар тизимини халқаро стандартлар даражасига келтириш лозим. Аммо нафақат республикага хорижий капитални жалб қилиш, балки уни моҳирлик билан тасаррүф қилиш, уни ишнинг кўзини билган ҳолда, республиканинг эртанги кунини, унинг келажагини ўйдаган ҳолда, бу қарзларни биз ўзимиз ёки болаларимиз тўлаши кераклигини тушунган ҳолда сарфлаш мухимдир.

Ҳар қандай тармоқдаги таркибий ўзгаришлар сармоя оқимларига бевосита боғлиқдир, аммо Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таъкидлашича, “жамғармаларнинг ички манбаларини сафарбар қиласак, корхоналарни мустақил сармоя фаолиятига жалб қиласак, иқтисодиётдаги радикал таркибий ўзгаришлар вазифасини ҳал қилиш биз учун фоятда қийин бўлади”.

## **Хуносаси**

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан хизматларнинг сифати ва номенклатурасига, туризм-экскурсия хизматлари кўрсатишнинг турли шакл ва усулларига қўйиладиган янги талаблар илгари сурилмоқда. Бу жиҳатдан туризмнинг моддий-техник базасини ташкил қилиш ва ривожлантириш катта аҳамиятга эга бўлади.

Фарбнинг тадбиркорлик маданиятига ўтишда асосий ролни бозор иқтисодиётдаги сармоя соҳаларида жаҳонда қабул қилинган ишбилармон ҳамкорларнинг ўзаро муносабатлари қоидаларига риоя қилган ҳолда яхши иш олиб бора оладиган ходимларнинг профессионал тайёргарлиги ўйнаши лозим. Иқтисодий таҳлил ва ҳисоб-китобларнинг барча усулологиясини ҳамда бутун статистик ҳисботлар тизимини халқаро стандартлар даражасига келтириш лозим.

## **Таянч иборалар**

Туризм райони, туристик маршрут, туризм тараққиётининг объектив ва субъектив омиллари, туризм индустрияси сармоя салоҳиятининг икки йўналиши, Ўзбекистон туризми соҳасига сармоялашни рағбатлантириш.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида туризм тараққиётидаги ҳолатини ижобий таҳлил қилинг.
2. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида туризм тараққиётидаги ҳолатини салбий жиҳатларини таҳлил қилинг.
3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган тўртта туризм районини санаб беринг ва уларни қисқача таърифланг
4. Истиқболли учта туризм районини айтиб беринг ва уларнинг имкониятларини қисқача баён қилиб беринг
5. Ўзбекистонда туризм тараққиётининг икки босқичига таъриф беринг. Жавобни батафсил тушунтириб беринг.
6. Туризм соҳасидаги сармоя салоҳиятидан қандай энг самарали йўл билан фойдаланиш лозим?
7. Туризмда объектив ва субъектив омилларни бошқариш принципларини аниқланг.
8. Республикаиздаги туристик хизматларни рентабеллик ўсиш даражасини аниқланг.
9. Ўзбекистонда илмий туризмни ривожлантириш самарадорлиги кўрсаткичларини аниқланг.
10. Республикада туризмни муваффақиятли ривожлантириш йўллари.

### **Адабиётлар**

1. Каримов. И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.- Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Буюк Ипак йўли” ини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора –тадбирлар тўғрисидаги” фармони.
3. Кабушкин. Н. И. Менеджмент туризма.- М., 2004.

## **6-боб. ТУРИЗМ СОҲАСИНинг МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **6.1. Туризм соҳаси муаммолари.**

### **6.2. Туризм ривожланиши истиқболи.**

#### **6.1. Туризм соҳаси муаммолари**

Ўзбекистон Республикасида туризм индустрисининг самарали ривожланиши янги гояларни интенсив равишда тўплаб, ўзлаштириш ва шу асосда бутун хўжалик механизмини ўзгартирининг истиқболли дастурини шакллантиришдан иборатdir. Бу жараён мақсадли равишда амалга ошиши учун барча усувларни, иш шаклларини таҳлил қилиб чиқиши, манфаатдор ташкилотларни жалб қилиш, чет эл тажрибасидан фойдаланиш зарур. Бу ишнинг асосий йўналишлари бошқарув функциялари харажатларининг қисқартилиши, тақрорлашларни бартараф этиш, бандлик даражасини идора қилиш ва бўлинмалар раҳбарларининг хатти-ҳаракатларини марказлаштиришдан иборатdir. Ташкилий янгиликлар туризмнинг замон талабига ва шу соҳада ишловчиларнинг манфаатларига жавоб берса олувчи сифатларини аниқлашга имкон берди.

Ўзбек туризмида тараққиётнинг янги йўналиши топилди: ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва бўлинмаларнинг тажриба тўпланган сари бозор муносабатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ўзгариб бориши.

Аввало ижтимоий-иктисодий, услубий ва меъёрий асослар ташкил этилмоқда, янги кадрлар тайёрланмоқда, янги бўлинмалар шакллантирилмоқда, режалаштириш ва бошқаришнинг бозор талабларига мос келадиган янги усувлари жорий қилинмоқда.

Бошқарув усувларидағи кескин ўзгаришлар хўжалик манверларидан қўшимча куч-ғайрат сарфлашни талаб қиласди. Бу ўзгаришларни амалга ошириш учун соҳада ижобий натижаларга эришишга энг кўп таъсир қиласиган омилларни белгилаб олиш лозим. Бу, аввало, туризм корхоналарида мавжуд бўлган асосий фондлар ва айланма воситалар резервлари ҳамда ишчи кучларининг ички резервлари, унинг потенциал имкониятлариидir. Бу жараёнларнинг боришини секинлаштирувчи сабаблар эса соҳа тараққиётидаги номутаносибликлар бўлиб, бундаги ишловчилар сони билан мавжуд иш жойлари сони ўртасида мувозанат йўқлиги, асосий фондлардан ва ишлаб чиқариш қувватларидан нотекис фойдаланиш салбий оқибатларга олиб келмоқда. Ишнинг боришига зарар етказмаган ҳолда ортиқча иш жойларини йўқотиш ва самарасиз соҳаларни ёпиш имконияти меҳнат ва бошқа ресурсларини туризм фаолияти тараққиётининг самаралироқ йўналишларига қайта тақсимлашга имкон беради.

Бевосита алоқа ёки хўжалик юритишнинг хўжалик шартномалариiga асосланган шакллари туризм тараққиётининг истиқболли шаклларидан биридир. Улар хўжалик асосида, юқори ташкилотлар ва маҳкамаларнинг

аралашувисиз ривожланиб, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз-ўзини қоплашга асосланади, бу эса туризм тизмида учрайдиган секинлашиш ҳолларининг барча вариант ва усуллари билан курашишга имкон беради.

## 6.2. Туризм ривожланиши истиқболи

Туризмда бозор муносабатларини шакллантиришнинг энг муҳим шарти бозор муносабатларининг асосий обьекти бўлган тадбиркорнинг ривожланиши учун керакли шарт-шароитларни яратишидир. Чет эл тажрибаси шуни қўрсатмоқдаки, бозор муносабатларига ўтишда таяниш мумкин бўлган ресурслардан бири - инсон фаолияти салоҳияти бўлиб, у кишиларнинг ўзлари учун иш шароитларини таъминлашга уринишларига асосланади.

Туризм самарадорлиги асосан ишчиларнинг сифат характеристикаларига, шу жумладан уларнинг тадбиркорлик қобилияtlари боғлиқ бўлган соҳадир. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг нодавлат секторида ҳам сиёсий ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари кенг кўламда шаклланиб бормоқда. Туристларни саёҳатларга жўнатиш билан шуғулланувчи нодавлат фирмалар сони 300 дан ошди. Бу жараён кучайиб бормоқда, аммо бунинг учун муайян қонунчилик хужжатларини қабул қилиш, қатъий монополияга қарши сиёсатни илгари суриш, бошқарув тузилмаларини ўзгартириш зарурдир.

Туризмда тадбиркорлик фаолиятини қўшимча хизматлар бўйича тадбиркорлик олиб борищдаги чеклашларни аста-секин бекор қилиш, туризм обьектларини қуриш учун имтиёзли кредитлаш ва чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил қилиш йўли билан рафбатлантириш зарур. Барча хорижий мамлакатларда туризмда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлашнинг бундай шакллари ахолини иш билан таъминлашга ижобий таъсир қиласи. Бу Ўзбекистонинг баъзи минтақалари учун жуда муҳимдир.

Тадбиркорлик бизнесининг асосий мақсади - фойда олиш ва битимларнинг юқори рентабеллигини таъминлашдир. Демак, қўзланаётган битимни режалаштирганда аввало ундан қанча миқдордаги фойда олиш мумкинлигини ва умуман лойиҳанинг қўзланаётган даромад келтириши эҳтимолини аниқлаб олиш лозим. Аммо туризмда фақатгина фойда муҳим эмас. Ижтимоий ва илмий-техник самарадорликка ҳам эътибор бериш лозим, яни ижтимоий ва маданий эҳтиёжларнинг қондирилиши шаклидаги самарага эришиш муҳимдир. Шунингдек, туризм соҳасидаги илфор тенденцияларнинг ривожланишига имкон берадиган янги илмий натижаларга эришиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Туризмнинг бозор шароитларидаги бугунги тараққиёти ва тадбиркорлик фаолиятининг жонланишини барча фаолият соҳаларини ва айниқса бошқарув функцияларини кенг миқиёсли демократлаштиrmай туриб тасаввур килиб бўлмайди. Бошқарувни демократлаштириш ёки ўз-ўзини бошқариш туризм корхоналари ижтимоий ва хўжалик фаолиятининг барча соҳаларидаги ҳамма ишчиларнинг бевосита иштирок этишини кўзда тутади. Бу қоидаларни

бошқарув қарорларини ишлаб чиқиши ва қабул қилишда қўллаш учун аввало қуидаги талабларни аниқлаб олиш зарур: кишиларнинг иқтисодий ва хуқуқий саводхонлиги, жамоанинг ҳар бир аъзосида замонавий иқтисодий фикрлашнинг мавжудлиги, уларнинг мавжуд ҳолати ҳақида кенг хабардорлиги. Иқтисодий тафаккур, ахборот билан таъминланганлик ва ошкоралик турли хил қўшиб ёзишлар, тенглаштирувчи тақсимот муносабатлари, протекционизм, хизмат лавозимидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, меҳнатсиз даромад олиш ва имтиёзларга эга бўлиш ва ҳоказолар йўлида тўсиқ бўлмоқда. Республикадаги туб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқдир. Бу жараён мураккаб иқтисодий инқироз, хўжалик алоқаларининг узилиши, бажарилаётган ишлар ҳажмининг қисқариши шароитларида бормоқда. Республиканинг барча туризм-экскурсия тизими ҳам шунга ўхшаш шароитни бошидан кечирмоқда.

Бозор иқтисодиётига кириб келиш жараёни мумкин қадар кам талафотлар билан юз бериши учун мулкчилик, нархларнинг шаклланиши, акционерлик жамиятларининг, туризм бўйича уюшмалар, қўшма корхоналар ва ҳоказоларнинг ташкил қилиниши масалаларини иложи борича тезроқ ҳал қилиш зарурдир. Туризмнинг бозор шароитларида ривожланишида икки йўналишни - тижорат ва ижтимоий туризмини кўрсатиш мумкин.

Тижорат туризми асосан бозор сегментацияси ва истеъмолчиларнинг талабларида олдиндан ўрганилган маълум фарқларни ҳисобга олган ҳолда харидорларнинг муайян гурухига мўлжалланган. Тижорат туризмida нархлар стратегияси харажатларга, талабга ва рақобатга асосланади.

**Narx** - кўпчилик истеъмолчиларнинг асосий танлаш мезонидир ва шу сабабдан бу кўрсаткич биринчи навбатда савдо ҳажмига таъсир кўрсатади. Потенциал турист маҳсулотнинг ўзидағи ўзгаришларга қараганда унинг нархидаги ўзгаришларга сезгирроқ бўлади.

Сўнгги пайтларда аҳолига хизмат кўрсатиш таннархига харажатларнинг тиббий суғурта ва мулкнинг мажбурий суғуртаси каби янги турлари киритилган; озиқ-овқат маҳсулотларининг барча турлари, ёкилғи, ташишлар ва бошқа хизматларнинг нархлари, ва солиқлар ошиб бормоқда, бўларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, туристик хизмат кўрсатишнинг таннархида акс этади.

Ижтимоий туризм инсонпарварлик мақсадларини акс эттиради, бу мақсадлар эса инсонларни соғломлаштиришга, уларнинг маданий ва ўкув-таълим манфаатларини қондиришга қаратилган.

Шунинг учун бозор шароитларида тижорат туризмини туризм ташкилотларининг тадбиркорлик фаолиятини тараққий эттириш асосида ривожланиришда туризмнинг асл ролини эсдан чиқармаслик зарур - бу инсонга хизмат қилиш, уни маънавий бойитиш, унинг тафаккурини ошириш ва соғлигини мустаҳкамлашdir.

Иқтисодий ислохотнинг муваффакияти, ишлаб чиқариш ва ҳалқ турмуш фаровонлигининг юксалиши ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши билан, уларнинг амал қилиш механизмининг сифат жиҳатдан ўзгариши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ташқи иқтисодий фаолият деганда давлат органларининг, республикадаги ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатлар билан, уларнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслари билан ҳамда ҳалқаро ташкилотлар билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган амалий ҳаракатларининг барча мажмуасини тушуниш лозим.

1991 йилнинг июн ойида Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди, бу қонунда республиканинг ташқи иқтисодий фалоиятидаги асосий тамойиллари баён қилинган. У ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг умумий тан олинган ҳалқаро ҳуқуқ мөъёрларига мос равишда мулкчилик шаклларидан қатъий назар ҳуқуқлари, манфаатлари ва мулкининг муҳофаза қилинишини таъминлайди. Ушбу қонун республика иқтисодиётини жаҳон ҳамжамиятига интеграцияланиши учун имконият ва асос яратади

Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни тан олди, бу республиканинг нуфузи ва мақомининг сезиларли даражада кўтарилишига сабаб бўлди. Аммо, жаҳон цивилизациясига кириб келиш жиддий, радикал ислоҳотлар ўтказишни, хўжалик тузилмасини такомиллаштириш, янги ташқи иқтисодий алоқаларни соғломлаштириш ва ривожлантириш ҳамда эскиларини мустаҳкамлашни талаб қиласиди. Бу жиҳатдан республикада ҳалқаро туризм катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу валюта тушумлари манбаи, ҳалқаро алоқаларининг мустаҳкамланиши ва ҳалқнинг маданий-маърифий савиясини ошириш воситасидир.

Ҳалқаро туризм ҳалқаро иқтисодий алоқа шаклларидан бири сифатида бугунги кундаги шароитларда улкан миқёсларга эга бўлмоқда ва давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларга жиддий таъсир қила бошлади. Ҳалқаро туризм туризмнинг етакчи соҳасидир ва сервиснинг ички инфратузилмаси ривожланиши ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига боғлиқдир.

Ҳалқаро туризм ташкилотининг 1996 йилги маълумотларига кўра Самарқанд, Бухоро ва Хивага сафар қилишни истаётганлар 10 млн. кишини ташкил қиласиди. Агар ҳар бир турист республикада кўрсатилган хизматлар учун кунига ҳеч бўлмаганда 100 долл. қолдириб кетганда ҳам, бошқа харажатларни ҳисобга олмаганда, валюта тушумларининг йиллик ҳажми 5 млрд. АҚШ долл.дан ортиб кетади. 1996 йилнинг бошида республикадан чет элга сафар қилишни истовчилар сони 5 млн. га яқин бўлди.

Ҳалқаро туризмни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий ўсиш - таъминлаш кўпроқ миқдорда товарлар ва аъло сифатли хизматлар ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли турмушининг юқорироқ даражасини таъминлаш.

2. Ҳалқаро туризмнинг энг кам харажатлар сарфлаб, максимал даромад олиш ҳисобига иқтисодий жиҳатдан самараадорлиги.

3. Мамлакатнинг турли минтақаларида яшовчи аҳолининг маърифий-маданий савиясини ошириш - жаҳон цивилизациясини, маданияти

ва санъатини таниш.

4. Юқори сифатли қўшимча хизматлар кўрсатиш.

5. Чет эллик туристларнинг туризм хизматларига бўлган талабини ривожлантириш ва ошириш йўли билан давлат бюджетига валюта тушумларини таъминлаш, бу аҳолининг халқ хўжалигига бандлик соҳасини кенгайтиришга имкон беради.

Кўплаб таркибий қисмлардан ташкил топадиган туризм соҳаси фаолияти беистисно барча йўналишларга алоҳида диққат қаратишни талаб қиласди. Аммо, бу фаолиятда “Ипак йўли” туризм маршрутини барпо этиш асосида моддий-техник базани мустаҳкамлашнинг алоҳида ўрни бор, кўплаб халқаро ташкилотлар, шу жумладан, ЮНЕСКО бу лойиҳанинг амалга ошишига катта қизиқиши билан қарамоқда.

Мазкур мақсадларни рўёбга чиқариш учун туризмнинг моддий базасини ривожлантиришда барча куч ва воситаларни бирлаштиришни, мамлакатда ва чет элда тадбиркорлик соҳасидаги ҳамкорлиқдан фойдаланишни, хорижий капитални жалб қилиш учун шароитларни яратишни, туризм бозорини шакллантириш бўйича мақсадли сиёсатни амалга оширишни кўзда тутувчи вазифалар илгари сурилмоқда.

Республика туризмининг янги иқтисодий моделини шакллантириш жараёнида давлат-ташкилий бошқарув тузилмаси етакчи роль ўйнайди, аммо цивилизациялашган бозор ва ўз-ўзини бошқаришга ўтиш давомида бу тизим давлат туризми тизими билан - мослаштирилган бошқарув шакли билан алмаштирилади.

Туризмнинг мослаштирилиши акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиш ҳисобига пул маблагларини ишлаш ва уларни туризмнинг моддий-техник базасини шакллантиришга йўналтиришга, туризм индустриясини янги сифат даражасида шакллантиришга имкон беради.

Юқорида айтилганларнинг барчаси стратегик йўналишларни ишлаб чиқишида тизимли ёндашувни, бозор муносабатларига мос келадиган янги усул ва моделлардан фойдаланишни, истиқболларни белгилашнинг математик-статистик усулидан кенг фойдаланиш асосида маркетинг ва менежмент тамойилларига мос келадиган режалаштириш ва бошқарув усулларини такомиллаштиришни талаб қиласди.

## Хуносас

Халқаро туризмни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат:

-иқтисодий ўсиш - таъминлаш кўпроқ миқдорда товарлар ва аъло сифатли хизматлар ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли турмушининг юқорироқ даражасини таъминлаш;

-халқаро туризмнинг энг кам харажатлар сарфлаб максимал даромад олиш ҳисобига иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги;

-мамлакатнинг турли минтақаларида яшовчи аҳолининг

маърифий-маданий савиясини ошириш - жаҳон цивилизациясини, маданияти ва санъатини таниш;

-юқори сифатли қўшимча хизматлар кўрсатиш;  
-чет эллик туристларнинг туризм хизматларига бўлган талабини ривожлантириш ва ошириш йўли билан давлат бюджетига валюта тушумларини таъминлаш, бу аҳолининг халқ хўжалигига бандлик соҳасини кенгайтиришга имкон беради.

### **Таянч иборалар**

Тижорат туризми, ижтимоий туризм, системали ёндашув, республика туризми.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Сиз туризм соҳасини ривожлантиришдаги қандай асосий муаммолар ва уларни хал килиш усусларини биласиз?
2. Тижорий туризм нима билан характерланади?
3. Ижтимоий туризм тижорий туризмдан қандай фарқ қиласди?
4. Халқаро туризм тараққиётининг асосий мақсадларини айтиб беринг
5. Республика туризмидаги янги иқтисодий моделнинг алоҳида хусусияти нимадан иборат?
6. Республикада туризм индустряси самарадорлигини ошириш.
7. Туризмда ривожланиш тараққиётининг янги йўналишларини топинг.
8. Туризмда табиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлашнинг янги чоратадбирлари.
9. Туризмда тадбиркорлик бизнесининг асосий мақсадлари нимадан иборат.
10. Тижорат туризмда нархлар стратегиясини харажатларга нисбати.

### **Адабиётлар**

1. И.А. Каримов. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.- Т.: Ўзбекистон, 2003. -172 - 177б.
2. Александров А.Ю. Международный туризм: Учебное пособие.- М.: Аспект Пресс, 2003. - 25 – 30 б.
3. Richard Sharply and David J. Telfer, Tourism and Development: Concepts and Issues, Printed and bound in Great Britain by Cambrian Printers Ltd, 2002.

## **7-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИННИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ**

### **7.1. Туризмнинг замонавий ҳолати.**

### **7.2. Асосий туризм районлари.**

#### **7.1. Туризмнинг замонавий ҳолати**

Туризмнинг халқ хўжалигидаги самарадорлиги юқоридир, унинг тараққиёти учун маблағлар сарфлаш натижасида катта ижтимоий ва иқтисодий самарага эришиш мумкин бўлиб, бу меҳнат унумдорлигининг ўсишига, миллий даромаднинг ортиши ва республика мустақиллигининг мустаҳкамланишига бевосита таъсир кўрсатади. Бу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикасининг юқори тараққий этган туризми - жаҳон ҳамжамиятига чиқиши, бошқа мамлакатлар билан алоқалар, республиканинг иқтисодий мустақилликка эришиши ҳам эканлигини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, туризмнинг тараққиёти учун маблағлар сарфлаш мақсадга мувофиқ ва зарурдир.

Туризмнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга қаратилган капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги иқлим шароитлари, тарих ва маданият ёдгорликлари, меъморчилик ансамбллари ва шу каби табиий ва маданий-тарихий омиллардан иборат ресурсларнинг спецификаси билан ҳам белгиланади. Улар фойдаланиш жараёнида ўз қийматларини амалда йўқотмайдилар.

“Туризм индустряси” корхоналарини ташкил этиш, халқ хўжалигининг бошқа ҳар қандай соҳасидаги каби, туризм соҳасининг моддий-техник базасини шакллантириш учун бир марталик йирик капитал харажатларни талаб қиласди. Капитал қўйилмалар барча даражалардаги экскурсия хизмати кўрсатишнинг пировард мақсадини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Туризм хизматларига бўлган талаб ва таклифнинг мутаносиблиги амалда сармоя сиёсати орқали ҳал қилиниши лозим.

Туризм соҳасидаги капитал қўйилмалар маълум мақсадга қаратилган бўлиб, улар туризм базалари, меҳмонхоналар, кемпингларни ташкил қилишга, йўллар, қўприклар, электр узатиш линияларини куриш ҳамда табиат, тарих ва маданият ёдгорликларини яхши ҳолатда сақлашга сарфланади.

Туризмнинг яна бир хусусияти унинг мамлакатимиздаги бир қатор минтақаларнинг иқтисодиёти ва маданиятига фаол таъсир кўрсатишидан иборатdir. Туризм хўжаликларининг ташкил қилиниши ва фаолияэттирадиши йўл транспортининг, туристларга савдо, коммунал-маиший, маданий, тиббий хизмат кўрсатишнинг ривожланиши билан яқиндан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси туризмининг бозор муносабатларига ўтиш концепцияси бир неча босқичлардан иборатdir. Бозор муносабатларини амалга оширишнинг биринчи босқичи иқтисодиётда ва саноат ишлаб

чиқаришидаги мураккаб ўзгаришлар, минтақа ва соҳа миқёсидағи хўжалик алоқаларининг тикланиши, инфляция жараёнларини енгиб ўтиш, аҳолининг асосий қисмининг, шу жумладан туризм-экскурсия хизматларига тўлов қобилиятининг оширилиши даврига тўғри келди. Биринчи босқичнинг натижаси (1993-1995 йиллар) туризмни ривожлантириш концепциясида 100 000 киши миқдоридаги чет эллик туристларни қабул қилиш кўзда тутилган эди, натижада 15 млн. АҚШ долл. миқорида даромад олинди. Мазкур босқичда қурилиши тугалланмаган туризм обьектларини фойдаланишга топшириш ва республика туризми моддий-техник базасининг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш ҳам кўзда тутилган эди.

Иккинчи босқичи иқтисодий вазиятнинг барқарорлаштирилиши билан бир қаторда туризм хизматлари бозорининг аста-секин шакллантирилиши билан ҳам характерланади. Бозор муносабатларини амалга оширишнинг иккинчи босқичида туризм соҳасини бошқаришнинг тажрибалар жараёнида синалган янги ташкилий шакллари ҳаётга татбиқ қилинди. Бу бошқарув шакллар туризм хизматлари бозорининг муайян эҳтиёжларини қондириш ва истиқболдаги мақсадларга мўлжалланган эди. Чет эл туризмига бўлган талабнинг қондирилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Агар биринчи босқич давомида туризмни бошқаришни маълум даражада марказлаштириш талаб қилинган бўлса, иккинчи босқич (1996-97 йиллар) туризм обьектларини бошқаришнинг марказдан четлаштириш жараёни билан, ўз-ўзини бошқаришга ўтишнинг бошланиши билан характерланади. Бунда миллий ва чет эл туризмини ташкил қилиш соҳасидаги давлат сиёсати сақлаб қолинади.

Учинчи босқич (1998-2000 йиллар) туризм соҳасида бозор муносабатларининг узил-кесил барпо қилиниши даврига мос келади ва у мустақил Ўзбекистон Республикасида рақобатбардош миллий туризм индустрисининг яратилиши билан характерланади. Бу давр мобайнида республикада туризм тизимини бошқариш марказдан четлаштирилади. Кўпчилик туризм обьектлари ўз-ўзини бошқарадиган бўлади, хусусий фирмаларнинг, туристик корхоналарнинг акционерлик-кооператив фирмаларнинг салмоғи ортади. Рақобатлаша олмайдиган субъектлар курашда мағлубиятга учраб, ёпилишга мажбур бўладилар.

Албатта, республика туризмининг тараққиёт босқичларини амалга ошириш муддатлари ҳукumat томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш суръатларига боғлиқ бўлади. Аммо босқичларнинг иқтисодиёт ва туризм соҳасидаги тараққиётнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигига асосланган таркиби умуман олганда ўзгармай қолади.

## 7.2. Асосий туризм районлари

Бугунги кунда республикада тўртта асосий туризм райони фаолият кўрсатмокда, булар Фарғона, Самарқанд-Бухоро, Тошкент ва Хоразм туризм

районларири.

Фарғона туризм райони Ўзбекистоннинг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳудудларидан иборат бўлиб, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод ҳамда Тожикистоннинг Ленинбод вилоятлари ҳудудларини ҳам ўз ичига олади. Бу тарихий-маданий, этнографик ва демографик жиҳатдан қараганда Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиёдаги ноёб район бўлиб, бу ерда Марказий Осиёнинг уч туб ҳалки - ўзбеклар, тожиклар ва қирғизларнинг миллий руҳи, урф-одатлари ва ўзига хос миллатлараро муносабат маданиятини сақлаб қолган ноёб райондир.

Мазкур районнинг асосий таълими туристик ресурслари археологик қазилмалар ва меъморчилик обидалари, қулай табиий шароитлар, анъанавий ҳалқ ҳунармандчилиги ва санъати маҳсулотлари, саноат ва аграр комплекслар ва бошқалардир. Косонсой, Водил, Шоҳимардон қишлоқлари, “Кўксарой” (Нанай), “Ширмонбўлок” (Жанубий Фарғона канали), Андижон сув омборининг қирғоги эса соғломлаштирувчи туризм марказларири. Аммо шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, районнинг Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудида жойлашган қисмида туризм ҳудудларидан ҳамкорликда фойдаланиш ва уни кенгайтириш учун улкан имкониятлар бор. Фоятда қулай табиий имкониятлар, дарёлар, кўллар ва сув омборларининг кўплиги тоғ-иқлим шароитлари билан биргаликда келгусида бутун районни умуммintaқавий ва республикалараро келишувлар асосида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг қўшни ҳудудларида жойлашган ягона туризм ҳудудига айлантиришнинг мақсадга мувофиқлигини белгилаб беради. Шунингдек, бу ерда темир ва автомобил йўлларининг кенг тармоғи мавжудлиги ҳам Фарғона районидан туризм мақсадларида фойдаланишга, унинг бутун ҳудудида туризм базалари ва дам олиш масканларини жойлаштиришга имконият яратади.

Тошкент туризм райони келгусида туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун универсал имкониятларга эгадир. Маданият ёдгорликлари, пойтахт вилоятининг буғунги ҳаёти, қурилишлар, янги шахар ва қишлоқлар, замонавий маданият катта қизиқиши уйғотади. Мазкур туризм районининг табиати, бой ландшафти, ранг-баранг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси унинг диққатга сазоворлигига сабаб бўладиган муҳим омилдир. Районда жойлашган Туябўғиз ва Чорвоқ сув омборларида дам олиш масканлари ташкил қилинганд, “Чимён” комплекси базасида тоғ-пиёда ва тоғ-chanfi туризми ривожланган.

Оқтош, Кумушкон, Бурчмулла, Обираҳмат посёлкалари шаҳар атрофи туризми марказларига айланди, улардан Уғом, Кўксув ва Чотқол дарёлари водийси бўйлаб юқорига туристик сафарларга жўнаб кетилади. Автомобил ва темир йўллари тармоғи Тошкент туризм районидаги туризм марказларини бир-бири билан боғлайди ва шаҳар атрофидаги темир йўл ва автомобил туризмини ривожлантиришга имкон беради.

Самарқанд-Бухоро туризм райони таркибига ҳудудлари Самарқанд, Бухоро ва қисман Навоий вилоятлари киради. Бу минтақада туризмнинг ривожлантирилиши асосан Самарқанд ва Бухородаги бутун дунёга машхур

мөймөрчилик обидаларига мўлжалланган. Навоий шаҳри эса таълимий аҳамиятга эга. Районнинг географик жойлашуви туризмни ривожлантириш учун жуда қулайдир. Зарафшон дарёси водийси орқали ўтувчи темир йўл ва кенг тармоқланган шоссе йўллари, Зарафшон тоғ тизмаси орқали ўтган, унчалик баланд бўлмаган довонлар ва яхши трассалар районни фаол харакат воситалари маршрутларини ривожлантириш учун ғоятда қулайлаштиради.

Хоразм туризм районининг салоҳияти асосан Хиванинг Иchanқалъа қўриқхонасида жойлашган ва жаҳонда мисли йўқ ғоятда бой тарихий-мөймөрчилик ёдгорликларига таянади. Энг қадимий ва буюк цивилизациялардан бири бўлган Хоразмнинг қўплаб тарихий маданият ёдгорликлари бутун район бўйлаб жойлашган бўлиб, нисбатан тараққий этган алоқа йўллари тизими келажакда бу ерда район, районлараро ва давлатлараро аҳамиятга эга бўлган туризм маршрутларини ўрнатишга имкон беради.

Фаолият кўрсатаётган туризм районлари билан бир қаторда яна учта истиқболли районни ажратиб кўрсатиш мумкин булар Жиззах, Қарши-Термиз ва Коқалпоқ ҳудудлари. Жиззах туризм райони таркибига Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудлари киради. Мазкур районнинг транспорт билан яхши таъминганлиги ва унда табиий ресурсларнинг мавжудлиги ундан туризм мақсадларида фойдаланиш истиқболларини белгилаб беради. Бу ерда шу ерлик ва яқинда жойлашган туризм районлари аҳолиси учун мўлжалланган дам олиш кунлари маршрутлари ва қисқа муддатли дам олишни ташкил қилиш мумкин.

Қарши-Термиз туризм райони Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларидан иборат. Районнинг географик шароитлари, экспурсия обьектлари ва диққатга сазовор жойларнинг ранг-баранглиги райондан туризмнинг барча турлари учун фойдаланиш истиқболларини белгилаб беради. Шахрисабз, Қарши ва Термиз шаҳарларида археологик ва тарихий-археологик ёдгорликлар; Китобдаги астрономик кенглиқ, Дендропарк районда таълимий туризмни ривожлантиришнинг асосини ташкил қиласи. Қашқадарё, Сурхондарё, Амударё қирғоқларида, Чимқўрғон, Пачкамар ва Жанубий Сурхондарё сув омборларида туризм ва дам олиш масканларини яратишнинг истиқболлари бор. Ҳисор тоғ тизмаси ёнбағирларида тоғ туризми базаларини жойлаштириш мумкин.

Келгусида Ўзбекистоннинг яна бир районини - Коқалпоқ ҳудудини ҳам ўзлаштириш мумкин. Аммо бу ҳудудни ўзлаштириш коммуникациялар куриш учун катта капитал маблағларни, катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишларини талаб қиласи.

Амударёнинг Хоразм туризм райони билан чегарадош бўлган ўнг қирғоғи туризм учун алоҳида қизиқиши уйғотмоқда. Бу ерда Тупроққалъа, Бургутқалъа, Гилдурсун, Қаватқалъа каби қизиқарли экспурсия обьектлари жойлашган. Археологик ёдгорликлар қадимги Хоразм цивилизациясига оид бўлиб, таълимий туризм ресурслари сифатида тарихий-мөймөрчилик аҳамиятига эга бўлган Хоразм туризм райони билан чамбарчас боғлиқдир. Таълимий туризм учун алоҳида қизиқиши уйғотувчи яна бир ҳудуд Орол

денгизи ва Усюорт платосидир.

Республикада туризмни муваффақиятли ривожлантириш учун ЮНЕСКОнинг узок муддатли “Ипак йўли” халқаро лойиҳасини амалга ошириш катта аҳамиятга эгадир. Лойиҳанинг қайта тикланиши қадимий савдо карвонлари босиб ўтган йўл бўйлаб жойлашган ва халқаро туризм алоқаларининг ягона тизимиға бирлаштириладиган туризм марказларининг бутун бир комплексини яратишга имкон беради. Бу дастур лойиҳаси Ашгабад, Ниса (қадимий Парфин пойтахти), Мари (қадимги Марв), Чоржўй (қадимги Амул), Бухоро, Самарқанд, Панҷикент (Зарафшон водийси), Ўратепа орқали ўтадиган туризм маршрутлари ташкил қилинишини кўзда тутади.

Маршрут кейинчалик икки йўналиш билан тўлдирилади - уларнинг бири Фарғона водийси орқали Ўш ва Қашқарга, иккинчиси Самарқанддан Тошкентга (қадимги Шош), Жамбул орқали Чуст водийси, Бишкеқ, Иссиккўл, Прижевальск, Қашқар шаҳарларига боради.

Республика худудининг асосий қисми у ёки бу даражада “Буюк Ипак йўли” дастурининг амал қилиш доирасига киритилган бўлиб, бу нафақат туризм учун, балки иқтисодиётнинг, ижтимоий ҳаёт ва маданиятнинг бошқа соҳалари учун ҳам сифат жиҳатдан янги шароитлар ва имкониятлар яратади. Бу эса ўз навбатида жиддий кўшимча қийинчиликлар яратади ва туристларга хизмат кўрсатишининг сифатига республикада туризмни ривожлантириш моддий базасининг даражаси ва шароитларига халқаро стандартларга мос равишда янги талаблар кўяди. Карвонсаройларни таъмирлаш ва улардан “Ипак йўли” лойиҳаси доирасида фойдаланиш ғояси ўзининг ўзига хослиги билан ажralиб туради.

## **Хулоса**

“Туризм индустряси” корхоналарини ташкил этиш, халқ хўжалигининг бошқа ҳар қандай соҳасидаги каби, туризм соҳасининг моддий-техник базасини шакллантириш учун бир марталик йирик капитал харажатларни талаб қиласи. Капитал қўйилмалар барча даражалардаги экскурсия хизмати кўрсатишининг пировард мақсадини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Туризм хизматларига бўлган талаб ва таклифнинг мутаносиблиги амалда сармоя сиёсати орқали ҳал қилиниши лозим.

## **Таянч иборалар**

Ўзбекистон Республикаси туризмининг бозор муносабатларига ўтиш концепцияси, концепциянинг асосий босқичлари, туризм индустрясининг ижтимоий-иктисодий аҳамияти, буюк ипак йўли.

## **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. “Халқаро туризм” тушунчаси нимани англатади?
2. “Туризмда сармоя сиёсати” курсининг предмети ва вазифаларини

қисқача таърифлаб Беринг.

3. Ушбу курсни ўрганишдан мақсад нима?
4. Туризм индустрисидаги сармояларни сиз қандай тушунасиз?
5. Туризм индустрисидаги сармояларнинг миллий иқтисодиёт учун қандай аҳамияти бор?
6. Туризмда экспурсия хизматларига тўловларни аниqlаш.
7. Ўзбекистон туристик марказлари.
8. Минтақалар бўйича туристик маршрутлар тузиш.
9. Ўзбекистон Республикаси туризмнинг бозор муносабатларига ўтиш концепцияси босқичлари.
10. Республикада туризмни муваффақиятли ривожлантириш йўллари.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.,2000.
2. Мирзаев М. А., Алиева М. Т. Туризм ҳуқуқи: Ўқув қўлланма. –Т., 2003.
3. Stephen J Page, Paul Brunt, Graham Busby and Jo Connell, Tourism: a modern synthesis, Printed in Italy by G. Canale & Co 2003.
4. Биржаков М.Б.Введение в туризм. М С П, 2004.
- 5.[www.interunion.ru](http://www.interunion.ru) – туристские ассоциации.
- 6.[www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация.
- 7.[www.wttc.org](http://www.wttc.org) – Всемирный Совет по путешествиям и туризму.

## **8-боб. ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ҚОНУНИЙ-ХУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**8.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари.**

**8.2. Республикада иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш.**

**8.3. Хорижий сармояларнинг хуқуқий асослари (жаҳон тажрибаси).**

### **8.1. Ўзбекистон Республикий, этно-иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари**

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, суверенитетга эга бўлгач, республиканинг ташқи иқтисодий фаолият шароитлари тубдан ўзгарди. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг тенг хуқуқли субъекти мақоми тобора аниқ мазмун касб этмоқда. Ҳозирги даврда Ўзбекистонни 122 давлат тан олган бўлиб, улардан 60 таси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Республика пойтахтида 20 дан ортиқ мамлакатнинг, шу жумладан Туркия, АҚШ, ГФР, Япония, Италия, Хитой, Франция ва бошқа мамлакатларнинг элчихоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон БМТ ва ОБСЕга, етакчи халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молиявий институтларга аъзо бўлди. Бир қатор халқаро ташкилотлар республикада ўз минтақавий ваколатхоналарига эгадир.Хорижий ҳамкорлар билан алоқаларнинг кенгайтирилиши тобора барқарор ва изчил ҳарактерга эга бўлиб бормоқда. “Мерседес Бенц”, “Хёхст” (Германия), “Самсунг” “ДЭУ” (Жанубий Корея), “Ньюмонт Майнинг” (АҚШ), “Сиба Гейги” (Швейцария), “Рэнк Ксерокс” (Англия), “Филипс” (Голландия) каби машҳур йирик хорижий фирмалар биргаликдаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни бошлади.

Марказий банк, ТИФ Миллий банки, Молия вазирлиги ва республикадаги бошқа иқтисодий маҳкамаларнинг хорижий ҳамкорлар билан биргаликдаги фаолияти, шу жумладан, туризм соҳасидаги фаолияти ҳам кенгайиб бормоқда. Ўзбекистоннинг капитал сарфлаш учун битмас-туганмас бозори кўптомонлама ва иккитомонлама ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантиришдаги унга бўлган улкан қизиқишнинг сабабидир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар янги босқичга қадам қўйди, бу босқичда бозор ўзгаришларининг миқёси кенгаймоқда, иқтисодий регуляторларнинг аҳамияти ортиб бормоқда, рақобатчилик муҳити ва ресурсларни тежайдиган хўжалик механизми, ҳаётни таъминлаш соҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватланишнинг селективлиги кучайтирилмоқда. Йирик халқаро агентликлардан мутахассисларни таклиф қилган ҳолда ҳамда бошқа МДҲ мамлакатларидағи иқтисодий ўзгаришлар тажрибаларини хисобга олган ҳолда, республикада ташқи иқтисодий фаолиятнинг хуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича доимий иш олиб борилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотлар даврида ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида ва

аввало, бозор иқтисодиётининг ташкилий-хукукий институтларини ривожлантиришда сезиларли муваффакиятларга эришилди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки, Божхона бошқармаси, Миллий сұғурта компанияси ташкил қилинди, республика хукумати, вазирликтер ва маҳкамалар таркибида, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида тегишли функционал бўлинмалар фаолият кўрсатмоқда. Корхоналарнинг ташқи бозорга мустақил чиқиши учун, хорижий инвесторларнинг республика худудида фаолият кўрсатиши учун ишончли кафолатларини таъминлашнинг халқаро меъёр ва қоидаларга мос келадиган керакли меъёрий-хукуқий базаси ташкил қилинган.

Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоялаш ва тадбиркорликни ривожланириш чоралари тўғрисида”ги, “Хорижий сармоялар иштирок этган корхоналарни ташкил қилишни ва уларнинг фаолият кўрсатишини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларида ўз аксини топган.

Замонавий инфратузилмани барпо этиш мақсадида халқаро туризм соҳасига хорижий сармояларни жалб қилиш ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмидир. Қўшма корхоналар ташкил қилиш республика учун қўшимча молиявий ресурсларга, замонавий технологилар, илмий-техник маълумотларга эга бўлиш, жаҳондаги хизмат кўрсатиш (товарлар ва хизматлар) бозорларига чиқсан холда тижорат фаолиятини амалга оширишга имкон беради.

Хорижий сармояларни жалб қилиш ва қўшма корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётидаги давлат бошқаруви органлари олдига бир қатор сифат жиҳатдан янги вазифалар қўяди, бу вазифалар бошқарувнинг иқтисодий усуллари асосида ҳал қилинади. Бу эса хусусий тадбиркорлик учун ва хусусан муваффакиятли шаклланиши ва туризм соҳасида бозор муносабатларининг барқарорлашиши учун кафолатdir.

Хозирги кунда республикада хорижий инвесторларга кенг имкониятлар берилган, шу жумладан танлов асосида сармоя мақсадларида хоналар, бинолар, асбоб-ускуналар, турар жойлар сотиб олиш, ерни узоқ муддатли ижарага олишга рухсат берилган, хорижий капитални имтиёзли соликқа тортиш тизими ишлаб чиқилмоқда, хусусийлаштириш дастурида хорижий капиталнинг иштирокини кенгайтириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Хорижий инвесторларга зарур молиявий-иктисодий кафолатларни таъминлаш учун Молия вазирлиги ҳузурида “Ўзбекинвест” Давлат сұғурта компанияси ташкил қилинган.

Қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, нефтъ-газ, олтин қазиб олиш, рангли металлургия, машинасозлик, кимёвий толалар ва пластмасса ишлаб чиқариш ва албатта, туризм республикада хорижий сармояларни

сарфлашнинг имтиёзли соҳаларири.

Республикада ташкил этилган бозор иқтисодиётига ўтиш тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ташки иқтисодий фаолият тўғрисидаги, хорижий инвесторлар фаолияти кафолатлари тўғрисида, қимматбаҳо қоғозлар, банклар ва банк фаолияти, суғурта, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, Президент Фармонларида ва хукумат қарорларида акс эттирилган қонуний асосларга мос равишда хорижий инвесторлар учун қуидагилар кафолатланади:

- сиёсий хавфлардан суғурталаш;
- миллийлаштириш ва реквизициядан;
- қонуний фаолият наижасида олинган фойдалар ва хорижий валютадаги бошқа маблағларни чет элга ўтказиш;

-фойдани республика ҳудудида қайта сармоялаш ёки ундан мулк эгасининг хоҳишига кўра бошқа мақсадларда фойдаланиш;

-хорижий инвесторларга нисбатан янги қонунчилик сармоялаш шароитларини оғирлаштирган тақдирда 10 йил давомида сармоялаш амалга оширилган пайтда амал қилган қонунчиликнинг татбиқ қилиниши;

-хорижий инвесторларнинг хукуқларини камситувчи меъёрий актлар қабул қилинган тақдирда давлат органлари томонидан ўзлари етказган зарарлар тўланиши.

## **8.2. Республикада иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш**

Хорижий инвесторлар учун бир қатор иқтисодий имтиёзлар кўзда тутилган, шу жумладан:

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз тўсиқсиз олиб чиқиб кетиши;
- республикага товарларни импорт қилишда божхона божларининг йўқлиги;
- технологияларни кенгайтириш ва янгилашга қайта сармояланадиган хорижий сармоялар иштирок этган корхонлар даромадининг соликдан қисман озод қилиниши;
- чет эллик жисмоний ва хукукий шахсларнинг давлат мулкини хусусийлаштириш жараённига эркин аралашви, шу жумладан кўчмас мулкнинг кенг кўламда сотилиши, хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини 100%гача бўлган миқдорда сотиб олиш имкониятининг таъминланиши.

Юқорида баён этилган хорижий инвесторлар фаолиятини кенгайтиришнинг кафолат ва имтиёзлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг «Буюк Ипак йўл»ини қайта тиклашдаги иштирокини кучайтириш чоралари ҳамда республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони туризм соҳасида янги истиқболларни

очиб берди. Ушбу Фармонга кўра Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда қайта ташкил қилинаётган барча туризм корхоналари ташкил этилгандан пайтдан дастлабки даромад олингунга қадар, аммо рўйхатдан ўтган санадан бошлаб уч йилдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ҳар қандай солиқлардан озод қилинади.

Ташкилот ва корхоналар даромад олишнинг биринчи йилида фойда солигининг 50%ни, иккинчи йилда 75% ва учинчи йилдан бошлаб 100% тўлайдилар. Берилган имтиёзларга қўшимча равишда Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда туризм соҳасида қўшма корхона ташкил қилаётган хорижий инвесторлар 5 йил муддатга олиб чиқилаётган фойда солигини тўлашдан озод қилинади Инвесторлар ва тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар ҳақида гап кетганда, хусусий меҳмонхоналар ва меҳмонхона инфратузилмаси обьектларини қуришда барча тижорат банклари томонидан улар учун 5 йил муддатга кредитлар ажратилишини ҳам ёдан чиқармаслик лозим.

Туризмни янада ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг юкорида айтиб ўтилган Фармони билан “Ўзсаёхатинвестбанк”ни ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди, бу туризм соҳасига пул маблағларини ажратиш маркази бўлади ҳамда Буюк Ипак йўли трассасида жойлашган шаҳарларда янги меҳмонхоналар, отеллар, кемпинглар қурилиши учун катта миқдордаги молиявий маблағларни сармоялашга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Хорижий сармоялар ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Конунининг 7-моддасига мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикасидаги хорижий сармоялар давлат-хуқуқ муҳофазаси билан таъминланади. Хорижий сармояларнинг хуқуқий режими Ўзбекистон Республикасидаги шу каби хуқуқий ва жисмоний шахсларнинг режимига нисбатан камроқ даражада қулай бўлиши мумкин эмас.

Ўз сармояларини иқтисодиётнинг имтиёзли тармоқларига ва минтақаларга йўналтираётган хорижий инвесторлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан қўшимча имтиёзлар белгиланиши мумкин. Хорижий сармояларни Ўзбекистон Республикасига янада фаол жалб қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида сармояларнинг суғурта ҳимоясини таъминлаш чоралари тўғрисида”ги Қарори билан “Ўзбекинвест” Миллий суғурта компанияси ташкил қилинди. Унинг фаолият мақсади мамлакатимиздаги ва чет эллик инвесторлар томонидан сарфланаётган сармояларнинг суғурта ҳимоясини таъминлаш ҳамда чет элларда ўзбек инвесторлари ва экспортчиларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатdir.

Компания фаолиятининг асосий вазифалари ҳукуматнинг Ўзбекистон Республикасига сармояларни жалб қилиш соҳасидаги сиёсатини амалга ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвесторлар ва экспортчиларнинг манфаатларини чет элларда ишончли муҳофаза қилиш,

хорижий сұғурта агентлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Шундан кейин, хорижий сармояларни жалб қилишнинг иқтисодий ислохотларни тезлаштиришдаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва БМТнинг тараққиёт бўйича ташкилотлари (ПРООН) билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан Ўзбекистон Республикасининг хорижий сармоялар бўйича Агентлиги ташкил қилинди. ХИА нинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- сармоя муҳитини тадқиқ қилиш, хорижий сармояларни мувофиқлаштиришга қаратилган қонуний ва меъёрий актларни ишлаб чиқишида иштирок этиш;
- ўзбек тадбиркорларига республика иқтисодиётининг ишлаб чиқариш соҳасига сармоялар сарфлаш мақсадида чет эллик ҳамкорларни излашда ёрдам кўрсатиш;
- хорижий инвесторларга Ўзбекистон Республикасидаги сармоя муҳитининг турли жиҳатлари бўйича ахборот хизматлари кўрсатиш
- БМТ ва бошқа ҳалқаро ва миллый ташкилотлар томонидан хорижий сармояларни жалб қилиш масалалари бўйича дастурларини амалга оширишда техник ёрдам кўрсатиш;
- ўзбек ҳамкорларига биргаликда тадбиркорлик фаолиятини олиб боришини таклиф қилаётган хорижий фирмаларнинг тўлов лаёкатига ва ишончлилигига баҳо бериш;
- ўзбек тадбиркорларига потенциал хорижий ҳамкорлар учун тадбиркорлик, шу жумладан сармоя таклифларини тайёрлашда ёрдам кўрсатиш;
- хорижий сармояларни жалб қилиш ва уларни бошқаришнинг турли масалалари бўйича форумларни ташкил қилишида иштирок этиш;
- хорижий сармояларни жалб қилишга қаратилган ва Ўзбекистон Республикаси конунчилигига зид келмайдиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

### **8.3. Хорижий инвесторларнинг хуқуқий асослари. (Жаҳон тажрибаси)**

Хорижий сармояларни туризм миллый иқтисодиётига жалб этишдан манфаатдор ҳар қандай давлат ўз сармоя сиёсатини ишлаб чиқади. Бу сиёсат хорижий инвесторларни жалб этишнинг ўзига хос йўналишини, шунингдек, уларни жалб этишни рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради ва сармоя фаолиятининг хуқуқий тартибини белгилайди.

Иқтисодий адабиётларда ва жаҳон тажрибасида хорижий сармояларни мувофиқлаштиришда турлича тартиб ва усулларнинг бўлиши қайд этилган.

Масалан:

- миллий тартиб;
- адолатли ва тенг хуқуқлилик тартиби;
- қулай мухит барпо этиш тартиби;
- транспарент (шаффоффлик) тартиби;
- жаҳон амалиётида қўлланилаётган бу каби тартиб ва усулларни қиёсий таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётни ривожлантириш тажрибаси дунёнинг кўпгина мамлакатлари амалиётида синалган сармоя сиёсати ва унинг самарадорлигини баҳолашнинг умумлаштирувчи мезонлари билан бирга, хуқуқий тартибларининг турли варианларидан шаклланган объектив қонунлар асосида тўпланган.

Саноати ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик хориж капитали ва инвестицияни маҳсус қонунларсиз ҳам етарлича химоялаш имкониятини беради. Бу ерда хорижий сармоялар ҳам милий ички сармоялар каби умумий қонунлар асосида мувофиқлаштирилади. Бу мамлакатлардаги аниқ ишлаб чиқилган қонуний база чет эл инвесторларининг тўлқонли фаолиятини, яъни янги компанияларни ташкил этишда эркин фаолиятини (рўйхатдан ўtkазиш жараёни, мулк хуқуқий кафолати), фойда олиш (солик сиёсатидаги енгиллик ва имтиёзлар), низоларни тартибга солиш (мехнат қонунларидағи шаффоффлик, монополияга карши аниқ тадбирлар) каби кафолатлайди.

Гарб мамлакатларида хукумат капитал қуйилмаларини фаоллаштириш стратегиясида қўпроқ хорижий сармояларни мувофиқлаштиришнинг эгри усулидан (солик, амортизация, молия – кредит сиёсати) фойдаланишни афзал қўришади<sup>18</sup>. Гарбда сўнгги икки ўн йиллиқда сармоя қарорларини қабул қилиш ва амалга оширишда маҳаллий худудлар масъулияти ва роли ошиб бормоқда. Қатор давлатларда (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия) маҳаллий органлар хорижий сармоялар ва инвесторлар фаолиятини мувофиқлаштиришда етарлича мустақиллика эгадир. Бу ерда сармоя бозорини мувофиқлаштиришнинг асосий воситаси сифатида даромад солиғи (фойда солиғи) қўлланилади. Бу солик ставкасининг ўзгариши фирма ва компанияларнинг сармоя фаолиятига бевосита таъсир этади.

Америка Кўшма Штатларида сармоя фаолияти сармоя кредити орқали ҳам мувофиқлаштирилади. Яъни капитал қўйилмаларига йўналтирилган фойда солиққа тортилмайди.

Умуман, сўнги 20 йил мобайнида ривожланган мамлакатларда сармоя фолияти кенг компютерлаштириш, ресурсларни тежаш, янги замонавий технология, шунингдек маҳаллий ҳокимиятнинг роли ва жавобгарлигини ошириш ва янги бошқарув тизими асосидаги янги иқтисодиётни тузилмавий қайта қуришга йўналтирилган. Маҳаллий ҳокимиятларга сармоя дастурларини бошқаришда экологик сиёсатни юритиш ва ҳудудий

<sup>18</sup> Валдайцев С.В., Воробьев П.П. Инвестиции. Учебник. - М.: ТК Венби, издательство Проспект, 2003.- 38 с.

режалаштиришда асосий рол белгиланган. Жаҳон тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, сармоя дастури ва лойиҳаларнинг муваффакиятли амалга ошиши унинг иштирокчилари орасида оптимал пропорцияни таъминлашга боғлиқдир.

Давлат ҳам бу жараёнда муҳим роль ўйнайди. асосан қуидагиларни:

- ҳуқуқий мувофиқлаштиришни таъминлаш муниципал ташкилотлар билан шартномавий муносабатларни расмилаштириш;
- моддий ва молиявий ресурсларни бирлаштириш учун солик енгилликларини ва бошқа молиявий имтиёзларни белгилаш;
- лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда ва унинг нохуш оқибатлари (экология бузилиши, худудий ер участкасининг бузилиша ва бошқалар) учун маҳаллий органларнинг жавобгарлигини аниқлаш;
- лойиҳани амалга ошириш учун, аҳолини, ижтимоий ташкилотларни жалб этиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали лойиҳани ҳаётга татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлигини кенг тарғиб этишни унинг функциясига киритиш мумкин.

АҚШ, Бразилия, Хитой, Мексика, Ҳиндистон каби йирик давлатларда маҳаллий органларнинг зиммасига жуда масъулиятли вазифалар юклатилган. Айниқса, АҚШ ва Германияда алоҳида худуд ва штартлар юқори даражадаги мустақиликка ва йирик миқдордаги молиявий ресурсларга эга.

Ривожланган давлатларда худудий сармоя сиёсатини олиб бориш ўта муҳим масалалардан саналади. Давлат доимий равишда ҳар бир худуднинг иқтисодий имконияти, ривожланган даражасини эътиборга олган ҳолда, сармоя сиёсатини олиб боради. АҚШда федерал даражада маҳсус хорижий сармояларни рағбатлантириш дастурлари ишлаб чиқилмаган. Хорижий сармоялар учун тавсия этиладиган барча имтиёз ва енгилликлар штатлар даражасида ишлаб чиқилган. Бу эса, ўз навбатида, хорижий сармояларни жалб этиш бўйича штатлар ўртасида эркин ракобатни вужудга келтиради. 50 та штат ҳар бир миллӣ ва хорижий сармояларни жалб этиш бўйича маҳсус ишлаб чиқилган ўз дастурига эга.

Ҳар бир штат аниқ мақсадга қаратилган хорижий сармояларни рағбатлантириш бўйича бир неча хил дастурларни ишлаб чиқади. Улар кўйидаги мақсадларда бўлиши мумкин:

- иш жойларини ташкил этиш;
- штат ва алоҳида штат худудларининг иқтисодиётини ривожлантиришни рағбатлантириш;
- замонавий илфор технологияларни жорий этиш ва фан-техника тараққиёти ютуқларига эришиш ва х. к.

АҚШда штатлар миқёсида хорижий инвесторлар учун бериладиган имтиёзлар солик имтиёзлари, молиявий ёрдам, инфратузилмани ривожлантиришда ҳамкорлик, кадрлар тайёрлаш, ижара ҳақи ва электр тўловларини камайтириш, паст фоизларда кредит шаклида бевосита молиявий ресурслар ажратиш кабилардан иборат.

Ҳар бар штатнинг мустақил сармоя сиёсатини олиб бориши, эркин ракобатнинг вужудга келишига, шу худудда ишлаб чиқаришнинг,

тадбиркорликнинг риворжланишига замин яратади.

Сўнгги йилларда қатор давлатларда ҳудудни иқтисодий ривожлантириш корпорацияларнинг ташкил этиш тажрибаси кенг қўлланилмоқда. Бу корпорациялар мазкур ҳудудда жойлашган фирмалар иштирокида маҳсус фондларни шакллантиради. Бу фонд маблағлари ҳудудда инфратўзилмани ривожлантиришга, янги қурилишларга йўналтирилади.

ХХ асрнинг 80 йилларида Буюк Британияда учта давлат корпорацияси ташкил этилиб, савдо-саноат вазирлигига бўйсундирилди. Улар ҳудудларда ўз бўлимларига эга бўлиб, бу бўлимлар ҳудудларда лойиҳалаш, ер участкаларини қурилиш фирмаларига тақсимлаб бериш, қурилиш учун ҳудудларни тайёрлаш ва муҳандислик-коммунал хўжаликларини барпо этиш билан шуғулланиб келмоқда.

Маҳаллий органлар муниципиал облигациялар даражасида қурилишни молиялаштиришнинг асосий манбаи, ҳисобланади. АҚШда бундай облеиацияларни штат ҳукумати, маҳаллий ҳокимият, унинг агентлик ва департаментлари муомолага чиқаради. Муниципиал облигацияларнинг инвесторлар учун жозибадорлиги шундаки, бу облигациялардан олинган даромад федерал соликдан озод этилади. Бундан ташқари, резидентлар учун бу облигациядан олинган даромад маҳаллий соликлардан ҳам озод этилади.

Чет эл инвесторларига турли енгилликлар ва имтиёзлар жорий этиш бўйича Хитой давлати тажрибаси ҳам аҳамиятлидир. Хитой ҳукумати сармоялар оқимини ҳудудлар даражасида, маҳаллий ҳокимиятга катта ваколат берган ҳолда муваффақиятли равишда мувофиқлаштириб келмоқда. Марказий органлар умумий сармоя сиёсати доирасида қайси соҳага сармоялар йўналтириш зарурлигини аниқлаб беради. Маҳаллий органлар эса, сармояларни рағбатлантириш дастурларини бир вактда ишлаб чиқади. Чет эл сармояларини жалб этиш учун “Солик каникули” ва енгилликлари, импорт тарифлари бўйича енгилликлар каби турлича рағбатлантириш усуллари ишлаб чиқилган. Айниска, бир қатор эркин иқтисодий зоналарда ташкил этилган корхоналарга нисбатан бундай енгилликлар, имтиёзлардан кўпроқ фойдаланади.

Хозирда Хитой ҳукумати мамлакатнинг ички туманларга кўплаб хорижий сармояларни жалб этиш учун, уларга узоқ муддатга солик тўлашдан озод этиш, фойдасини ҳар қандай тўсикларсиз олиб чиқиб кетиш каби шартшароитларни яратмоқда. Маҳаллий ҳокимиятлар маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш учун чет эл капиталини жалб қилишни рағбатлантириш дастурларини марказий органларининг рухсатисиз ҳаётга татбиқ этиши мумкин. Хитой давлатининг сармоялар бўйича қонунлари Япония, Жанубий Корея, Тайбэй, Сингапур каби давлатларнинг қонунларига кўп жихатдан ўхшаш ҳолда ишлаб чиқилган.

Шу билан биргаликда таъкидлаш лозимки, турли давлатларнинг қонунларида чет эл сармояларининг фаолиятига чекланмалар ҳам белгиланган. Деярли барча давлатларда чет эл капитали киритилиши мумкин бўлмаган тармоқлар мавжуддир. Қатор давлатларда чет эл сармоялари учун айрим тармоқлар тўлиқ ёпикдир. Хорижий инвесторларнинг фаолияти

бўйича чекловларни мувофиқлаштиришда маҳаллий органларнинг иштироки ҳам салмоқлидир. Қатор давлатларда маҳаллий ҳудуддаги иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, хорижий инвесторлар фаолиятида турли чекловлар белгиланади. Масалан, АҚШда айрим штатларда фойдалари қазилмаларга чет эл капиталини жалб этиш ман этилган бўлса, айрим штатларида ер участкасини сотиб олишда чекловлар белгиланган.

Бироқ жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, кўпгина давлатларда ҳудудий сармоя сиёсатида молиявий-иктисодий имтиёзлар ва енгилликларнинг берилиши ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига замин яратмоқда. Республикаизда ҳам вилоятларнинг, туманларнинг сармоя фаолиятидаги фаоллиги ва мустақиллигини ошириш ҳудудларга чет эл сармояларини жалб этишда муҳим мезон бўлиши мумкин.

Жаҳон амалиётида инвесторларнинг манфаатларини химоя қилиш ва кафолатини таъминлашнинг қўйидаги усусларидан фойдаланилади:

- миллий қонуниятларнинг чет эл инвесторларига нисбатан мос меъёрларини қабул қилиш;
- кўп томонлама шартномаларнинг меъёрларини мувофиқлаштириш;
- капитал қўйилмаларни ўзаро химоялаш ва рағбатлантириш бўйича давлатлараро икки томонлама шартномаларни мувофиқлаштириш;
- аниқ олинган сармоя лойиҳалари бўйича давлатлараро ва хорижий инвесторлар билан келишувларни мувофиқлаштириш.

Республикаизда қайд қилинган усусларнинг барчасидан фойдаланилсада, лекин бу бизнинг фикримизча, етарли даражада эмас.

Юқорида қайд этганимиздек, республикаиз сармоя фаолиятига маҳаллий хокимиятлар мустақиллиги ва ролини ошириш, маҳсус сармояларни рағбатлантириш бўйича маҳаллий дастурлар ишлаб чиқиш ва хаётга татбиқ этишни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ҳудудларда сармояларнинг манбаси сифатида муниципиал ва коператив облигатцияларни мумолига чиқариш, улардан олинадиган даромадалр бўйича имтиёзларни белгилаш сармоя оқимини кўпайтириш манбаи бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хорижий инвесторларни республикаизга жалб этиш мақсадида муҳим хужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2005 йил 11 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан – тўғри хусусий хорижий сармояларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги фармони фикримизнинг далилидир. Ўйлаймизки мазкур фармонга жавобан, хорижий инвесторлар Республикаизда туризм ва меҳмонхона, шунингдек бошқа сервис хизматлари ўчоқларини яратиш борасида дастурил амал бўлиб хизмат қиласи ва Республикаизда туризм соҳасида инвесторлар учун кенг имкониятлар яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизда ишчи кучи кўп ва туризм инфратузилмаси унча ривожланмаган қатор минтақа ҳам мавжуд. Масалан: Жizzах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари шулар жумласидандир. Ушбу ҳудудларда амалга оширилган

сармоялар киритиш учун фармонда имтиёзлар ҳам берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўғридан–тўғри хусусий хорижий сармояларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора – тадбирлар тўғрисидаги фармони илова қилинади.

## **Хунос**

Хорижий сармояларни жалб қилиш ва қўшма корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётидаги давлат бошқаруви органлари олдига бир қатор сифат жиҳатдан янги вазифалар қўяди, бу вазифалар бошқарувнинг иқтисодий усуллари асосида ҳал қилинади. Бу эса хусусий тадбиркорликнинг муваффақиятли шаклланиши ва туризм соҳасида бозор муносабатларининг барқарорлашиши учун кафолатdir.

## **Таянч иборалар**

Ўзбекистон туризм индустрясига муаммолари хорижий инвесторларни жалб қилиш, хорижий инвесторларучун қонуний-хуқуқий базани ривожлантириш, хорижий инвесторларни рағбатлантириш, инвесторларга берилган кафолатлар, сармояларни суғурталаш масалалари.

## **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Ўзбекистонда ҳозирги пайтда иқтисодий ислоҳотлар қандай аҳволда?
2. Ўзбекистондаги хорижий инвесторлар учун зарур моливий-иктисодий кафолатлар қандай таъминланмоқда?
3. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвесторлар учун, айниқса, туризм бизнеси соҳасидаги асосий хуқуқий иқтисодий имтиёзларни айтиб беринг.
4. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни суғурталаш тизимида қандай асосий имкониятлар ва муаммолар бор?
5. Республикада туризмнинг бошқарув тузилмаларининг фаолияти.
6. Ғарб мамлакатларида сармоянинг қўлланилиши.
7. АҚШда хорижий инвесторлар учун бериладиган имтиёзлар.
8. Жаҳон амалиётида инвесторларнинг манфаатларини химоя қилиш ва кафолатини таъминлаш усуллари.
9. Чет эл инвесторларага енгилликлар, имтиёзлар яратиш бўйича Хитой давлати тажрибаси.
10. XIA нинг асосий вазифалари.

## **Адабиётлар**

1. Каримов. И. А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.- Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Биржаков М.Б. Ведение в туризм. –М.- С. П., 2004. глава 4.

3. Мирзаев М. А. Алиева М. Т. ва Туризм ҳуқуқи: Ўқув қўлланма.-Т., 2003.
4. S. Medlik, Dictionary of Travel, Tourism and Hospitality. Printed and bound in Great Britain by Biddles Ltd -3rd ed, 2003.
- 5.[www.interunion.ru](http://www.interunion.ru) – туристские ассоциации.
- 6.[www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация.
- 7.[www.wtcc.org](http://www.wtcc.org) – Всемирный Совет по путешествиям и туризму.

## **ХУЛОСА**

Туризм республика иқтисодиётининг мустақил тармоғидир, у ўз бошқарув ташкилий тузилмасининг муайян шакллариға әгадир, уларнинг ривожланиш самараси эса халқ хўжалигининг бошқа соҳа ва тармоқлари тараққиётига, бюджет ва валюта тушумларининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Туризм тараққиётининг истиқболлари ва унинг иқтисодиётдаги устувор тармоқларидан бирига айланиши республиканинг бой туризм салоҳияти ҳамда табиий-иклимий шароитларидан янада самаралироқ ва оқилона фойдаланишга боғлиқдир. Бу босқичдаги энг имтиёзли йўналишлардан бири фаолият кўрсатаётган тўрт туризм райони - экспурсия ресурслари зич жойлашган Фарғона, Тошкент, Самарқанд-Бухоро ва Хоразм районлари худудида ҳамда Жиззах, Қарши-Термиз ва Қорақалпоқ мунтақаларидағи учта узоқ муддатли истиқболли йўналишларда тармокни жадал суръатларда ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишдан иборатdir.

Республикада халқаро туризмнинг ривожланишида “Буюк Ипак йўли” маршрути дастурини амалга ошириш энг муҳим аҳамиятга әгадир.

Мазкур тармоқ тараққиёти динамикасининг ҳамда унинг бугунги аҳволининг ретроспектив таҳлили нафакат туристларга хизмат кўрсатиш савиясининг пастлиги ҳамда туризм моддий-техник базасининг халқаро стандартларга мос келмаслигидан, балки туризмни бошқариш тизимининг ортиқча монополиялашганлиги республикада туризм тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётганлигидан ҳам далолат беради. Туризмни бошқаришдаги ташкилий тузилмани қайта қуришнинг асосий йўналишлари ва механизми республикада радикал иқтисодий ислоҳотлар ўтказилиши ва бозор муносабатларига ўтиш билан ўзвий боғланиб кетади.

Ўқув қўлланмада ўзбек туризмининг специфик хусусиятлари, унинг ўзига хос услуги муфассал баён қилинган, Ўзбекистон халқларининг меъморчилиги, тарихи ва қадимий маданияти билан боғлиқ энг ёрқин туристик маршрутлар ва обьектлар таҳлил қилиб чиқилган ҳамда фаол дам олиш ва кўнгил очиш обьектлари бўлган табиий-иклимий хи туманларга ифланган.

Республикада туризм соҳасининг аҳволини обьектив баҳолаш мақсадида соҳа фаолиятидаги асосий кўрсаткичлар (кўрсатилаётган хизматлар ҳажми, туризм-эксурсия корхоналари, туризм обьектларининг даромади, фойдаси, моддий-техник базаси, туризм соҳасида банд бўлган ходимлар сони ва бошқалар) таҳлил қилинган, улар ёрдамида республикада туризмнинг бугунги шароитларда ва келажакдаги ривожланишининг асосий параметрлари кўрсатилган ва потенциал имкониятлари аниқланган.

Туризмни бошқариш тизимининг таҳлили бу тизимнинг мураккаб ва кўп вазифали иерархик тўзилишга эга эканлигини кўрсатди. Айни пайтда бу тизимнинг энг долзарб зиддиятлари ва камчиликлари кўрилди, туризм обьектларини бошқаришнинг ташкилий тузилмаси ва асосий тамойиллари аниқланди. Концернлар, бирлашмалар ва ўюшмалар кабилар рақобатга энг

кўп даражада бардошли ташкилий шакллардир.

Кўлланмада кўриб чиқилган туризм тизимининг бозорга мослашиш механизми рақобат шароитларида бозор хўжалигини юритишнинг ҳаракатлантирувчи кучларини кўрсатиб берди. Туризм тизимининг бозор муносабатларига ўтишидаги асосий йўналишлари белгилаб берилди. Туризм тизимида бозор конъюнктурасини, молиявий имкониятлар ва шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда маркетинг ва менежмент элементларидан фойдаланиш асослаб берилган бўлиб, улар тармоқнинг фойда келтириши ва рентабеллигини, ижтимоий ва кадрлар сиёсатини таъминлайди.

Кўлланмада республикада туризмни бошқаришнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш концепцияси кўриб чиқилган бўлиб, бу концепция замонавий ахборот технологияларидан ҳамда бошқарув тузилмасини ташкил қилиш ва вазифаларни қайта тақсимлашга имкон берувчи механизмлардан фойдаланишга асосланган. Шуни ҳисобга олган ҳолда республика туризм тизимининг янги, туризмни бошқаришнинг ассоциатив шаклига асосланган икки бўлинмали ташкилий тузилмаси таклиф қилинган. Таклиф қилинган ташкилий бирликларни бошқарув тизими бошқарув тузилмаларидағи ўзаро алоқанинг ахборот моделларига таянади. Бу моделлар бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнинг самарали таъсир кўрсатишга имкон берувчи ва уюшма аъзоларига тақсимланадиган ваколатлар даражасини белгиловчи вазифалар тўпламидан иборатдир.

Хусусийлаштиришни тезлаштириш, туризмнинг нодавлат секторини кўшма ва ижтимоий корхоналар, хусусий фирма ва компаниялар ташкил этиш орқали кенгайтириш зарурлиги асослаб берилган. Шарт-шароитларнинг хослигини ва реал имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, биринчи босқичда давлат туризм корхоналарининг 40-45% қисмини хусусийлаштириш таклиф қилинади. Бу жараённинг келгусида ривожлантирилиши корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, тижорат тузилмаларини, туризм инфратузилмасининг транспорт, коммунал ва бошқа турларини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

2000 йилга келиб, республикада чет эллик туристларни қабул қилиш миқдори 500 минг кишига, туристларни чет элларга ва МДҳ мамлакатларига юбориш эса 1 млн кишигача етди. Саёҳатчилар сони йилига 2,5 млн кишидан ортиши кутилмоқда. 2005 йилда эса республикада чет эллик туристларни қабул қилиш 800 минг кишига, туристлар чет элларга юбориш эса 1,5 - 2,0 млн кишига етади.

Республикада туризмнинг бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш, туризмнинг моддий базасини ривожлантириш ҳамда тармоқда бозор элементларини жорий қилиш босқичларини ўз ичига олган ягона концепция бўйича ривожлантириш зарурлиги асослаб берилган. Концептуал қоидалар хар бири давлат иқтисодиёти тараққиётининг муайян босқичига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак бўлган биринчи навбатдаги чора-тадбирларнинг асосий йўналишларини ўз ичига олади. Мазкур концепцияни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий тараққиётидаги муайян

шарт-шароитларда туризм соҳасининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонунчилик актлари комплекси ишлаб чиқилган тақдирдагина мумкин бўлади.

Туризмнинг асосий фаолияти унинг ижтимоий аҳамиятини мустаҳкамлашга, унинг инсонларни тарбиялашдаги ролини кучайтиришга қаратилган бўлиши лозим.

Кишиларда она Ерга, ўзлари яшаб турган Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш миллий ҳарактернинг азалий жиҳатларидир, бу туйғуларни ҳар бир кишида ўстириш ва тарбиялаш лозим.

Шунга боғлиқ равишда асарда туризм-экскурсия хизматлари истеъмолининг илмий асосланган меъёрларини ишлаб чиқиш, унинг моддий базасини жаҳон стандартлари даражасигача кенгайтириш ва янгилаш юзасидан таклифлар берилган.

## **Атамалар луғати**

**Аванс** - тўланиши кутилаётган тўловлар хисобидан ажратиладиган пуллар, моддий ва бошқа қимматликлар.

**Активлар** - фирманинг хўжалик операцияларига жалб қилинган иқтисодий ресуслар бўлиб, улардан ижобий самара кутилади: баланснинг активларга тегишли банди.

**Акционер капитал** – туристик фирманинг мулкдор-акционер бўлган шахсларнинг акцияси шаклидаги капитали.

**Апартамент** - меҳмонхона номери бўлиб, бир нечта алоҳида модуллардан ташкил топади ва бу апартаментларда бир вақтнинг ўзида бир нечта оила яшашига имкон беради. Одатда меҳмон қутадиган хона, бир ёки бир нечта ухлаш хонаси, ошхона, айвондан иборат бўлади, анъанавий тарзда 2 .4. 6. кишига мўлжалланган бўлади.

**Асосий шартлар** – туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш қоидалари, талабаларнинг рўйхати. Қабул қилаётган томон белгилайди ва олдиндан шериллар ҳамда туристларга маълум қилинди.

**Баланс активи** - бухгалтерлик балансининг бир кисми бўлиб, тегишли санага келиб туристик корхона пул маблағлари ва бошқа активларини, уларнинг таркиби ва жойлаштирилишини акс эттиради.

**Баланс фойдаси-** чиқариб ташлашлар ва чегиришларгача бўлган фойда. **Банкрот-** қобилиятга эга бўлмаган қарздор; ўз қобилиятига эга эмас, деб тан олган мулкдор.

**Банкротлик-** қарз мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга ошира олмаслик, суд томонидан тасдиқланади.

**Бартер-** бир товарни бошқасига натурал кўринишида алмаштириш.

**Бизнес-** фойда олишга қаритилган тадбиркорлик фаолияти (тижорат, воситачилик ва б.)

**Бизнес лойиха** - туризмни, туристик маҳсулот (хизмат) турини қўшимча фойда олиш ёки ижтимоий муаммони ҳал қилишга қаратилган ҳолда ривожлантириш лойхаси.

**Бизнесмен** - фойда олиш учун таваккал қилишга тайёр турган ташаббускор, ишбилиармон киши.

**Бозор сегментацияси** - туристик бозорнинг бирор ўзига хос белгиларга кўра алоҳида сегментларга, гурухларга, бўлакларга ажратиш.

**Бозор танлаш** – туристик бозорни тадқиқ этиш, баҳолаш ва бутун йиғиндилар ичидан маълум секторни, кейин сегментини ҳам бу бозорни талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда ўзлаштириш учун ажратиб олиш.

**Бухгалтерлик фойдаси** – ялпи (умумий) тушум ва чиқимлар (харажатлар) ўртасидаги фарқ.

**Бухгалтерлик баланси** - йиғинди ведомость бўлиб, фирма маблағларнинг ҳолатини ҳам уларнинг таркиби ва жойлашиши (актив) ҳам манбалари, мақсад-вазифалари, қайтиш муддатлари (пассив) бўйича акс эттиради.

**Вакил-компания (фирма)** – мустакил хўжалик жамоаси бўлиб, унинг

устав фондида асосий (бош) жамоа катта капитал улушкига эга бўлади ёки бошқа усулда бу фирма қабул қиласиган қарорларни белгилаб беради.

Валюта - хорижий давлатнинг пул бирлиги.

Валютасиз алмасиш –маълум кунлар ичida туристлар ёки туристлар гурухининг тақдим этилаётган хизматларнинг тенглиги асосида ўзаро бориб-келишлари.

Валюта курс- бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигидаги нархи (котировка қилиниши).

Ваучер-киши(кишилар гурухи)нинг мақоми, хизматларга ҳақ тўланганлигини ёки ҳақ тўлашни кафолатлашни тасдиқловчи ва туристлар томонидан тегишли хизматларига эга бўлиш учун асос бўлувчи хужжат. Туристик саёҳати ташкиллаштираётган мамлакат ёки чет эл фирмаси томонидан берилади. Туристларни жўнатаётган ва қабул қилаётган фирмалар ўртасида хисоб-китоблар учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Визасиз алмасиш - паспортга виза қўймаган ҳолда туристлар гурухини алмасиш.

Гид(экскурсовод)- туристлар келган мамлакат(жой) ҳақида, диққатга сазовар жойлари, обьектлар ҳақида профессионал ахборатга эга бўлган, шунингдек ушбу мамлакат тили ёки хорижий туристларнинг тилини ёхуд улар учун умумий тушунарли бўлган тилни яхши биладиган, экскурсия-ахборот, ташкилий хизматлар ва тур иштирокчиларига туристик хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома доирасида малакали ёрдам кўрсатадиган шахс. Индивидуал гид-ўз вазифаларини фақат лицензия асосидагина амалга оширадиган шахс.

Давлат корхонаси-давлатга тегишли бўлган ва у томонидан бошқариладиган унитар корхона.

Диверсификация- туристик корхананинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти соҳасини кенгайтириш, тақдим этилаётган хизматлар ватоварлар рўйхатини кўпайтириш.

Иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши-ваколатли давлат органлари томонидан хўжалик юрутувчи субъектларни ўзгараётган шароитларга мослаштириш мақсадида амалга ошириладиган қонунчилик ижро ва назорат чоралари тизими. Иқтисодий нуқтаи назардан мавсумийлик бир хилдаги иқлимий ва ижтимоий омиллар таъсири остида туристиковарлар ва хизматларга туристик бозордаги талаб ва таклифнинг ҳар йили тебраниб туришидир.

Мавсум-туристлар оқимининг энг кўпайган вақти.

Сармоялар-фойда олиш ёки ижтимоий самара мақсадида туристик бизнес обьектларига кўйиладиган молиявий, мулкий, технологик ва интеллектуал қимматликлар: туризмнинг турли соҳаларига узоқ муддатга капитал кўйиш.

Сармоялаш – туристик фаолият обьекти ёки тадбиркорлик лойиҳасига маълум, шартномада айтиб ўтилган шартларда сармояни амалга ошириш.

Сармоялар-янги тадқиқотлар ва ишланмалар бўлиб, илмий-техник тараққиётининг намоён бўлиш шакли сифатида амалий аҳамиятга эга бўлади.

Ички туризм- бир мамлакат фуқороларнинг ўз худудлари чегарасида амалга оширадиган тқризми.

Ишбилиармонлик туризми-туризмнинг бир тури бўлиб, унинг асосида маълум хизмат ёки касбий вазифаларни ҳал қилиш зарурати ётади. Хизмат мақсадларида вақтинча бориш ва хизмат сафарни, командировка жойида даромад олмай туриб, коференциялар ва съездларда қатнашишни ўз ичига олади.

Капитал-нарх, актив, ишлаб чиқаришнинг фойда келтирувчи омили, товарлар ва хизматлар, жумладан туристик бизнес товарлари ва хизматларини яратиш учун ишлаб чиқариш омили.

Капитал лойиха- инветицияларни режалаштириш ва реализация қилиш шакли

Карантин гувоҳномаси- юқумли касалликлар борасида хавфли ҳисобланган мамлакатлардан келаётган туристлардан талаб қилинадиган хужжат. Белгиланган ҳалқаро шаклга эга.

Кафил(грант)-бошқа шахснинг қарзини тўлашга кафолат берган шахс.

Конгрес-тур –маҳсус тур бўлиб, коференциялар, съездлар, семинарлар ўтказиш учун ташкил қилинади. Унга жуда қизиқиш катта ва энг даромадлиларидан бири ҳисобланади.

Қайта тиклаш қийматит бирор буюмнинг аниқ нусхасини қайтадан тиклашга кетадиган харажатлар.

Мавсумийлик - туристик оқимларнинг унчалик катта бўлмаган вақт оралиғида маълум жойларда тўпланиши хусусияти.

Маркетинг - туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш, реализация қилиш истеъмолини ташкил қилинши бошқаришга комплекс ёндашув бўлиб, у туристик бозор талабларини ҳисобга олишга, туристик маҳсулот сотиш ҳажмини кенгайтириш мақсадида талабга фаоли таъсир кўрсатишга мўлжалланади.

Машурут - дастурда назарда тутилган асосий ва қўшимча хизматларни олиш мақсадида маълум вақт ичida туристларнинг режалаштирилган ҳаракат йўналиши. Линияли, айлана ва радил маршруtlар бор.

Мехмонхона хўжалигини таснифлаш – туристларга хизмат кўрсатиш даражаси, қулиги, ободонлаштирилганлиги ва шу каби бир қатор комплекслардан келиб чиқиб, энг юқори тоифа меҳмонхоналар беш юлдузли, энг паст тоифадаги меҳмонхоналар бир юлдўзли бўлади. Турли тоифадаги меҳмонхоналар яшаш шароитлари меҳмонхонани умумий жиҳозланишини, жамоа бўлиб фойдаланиладиган хоналарнинг ҳажми хоналарнинг ҳажми, автомобил тўхташ жойларининг борлиги, туристик инфраструктура, хизмат кўрсатиш регламенти ва алоҳида усули билан ажralиб турди.

Мотель – автотуристлар учун автострадада жойлашган меҳмонхона бўлиб, гараж, техник хизмат кўрсатиш станцияси, ёқилғи қўйиш станцияси, ёқилғи қўйиш станцияси ва бошқа зарур хизматлар билан таъминланган бўлади.

Нақд бўлмаган пуллар – банкдаги ҳисоб китоб ракамларидаги ёзувлар.

Ўтказиш потенциялари – маълум муддат ичида тегишли минтақага иқтисодий, экологик ва ижтимоий – маданий зиён етказмаган ҳолда энг кўп миқдордаги туристларга назарда тутилган даражада хизмат кўрсатишдир. Унинг йўл қўйиладиган меъеридан ошиб кетиши туристларнинг қониқканлик даражасида пасайиши, тегишлича туристик маҳсулотларни ўтказиш камайишини келтириб чиқарадиган муоммолар пайдо бўлишига олиб келади.

Ўтказишни режалаштириш – фирма ичидаги қўйидаги маълумотларни таҳлил қилиш: сотувлар обороти (сони), оборотнинг нархи, баҳо, туристик маҳсулотни ўтказишнинг бундан олдинги башоратлари ва унинг тебранишлари, бозорнинг ҳолати, рекламани режалаштириш. Ўтказиш режаси қолган бошқа ҳамма режаларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиласи ва ўз ичига қўйидагиларни олади: туристик маҳсулотнинг миқдорий ва нархдаги режалари, имтиёзлари, чегирмалар, сотиш шартлари хақидаги ахборот.

Пансион – тур бўлиб ўтадиган кун давомида тўла туристик хизматлар кўрсатиш.

Рекреацион туризм – туризмнинг энг оммавий тури бўлиб, одамларнинг дам олиш, даволаниш ва соғлигини тиклаш мақсадида бирор жойга боришидир.

Саёҳат – одамларнинг макон ва замонда турли хил мақсадларда бир жойдан бошқа жойга ўтиши. Саёҳатлар чеклангин бўлади.

Сотувларни қўллаб-қувватлаш – товар ёки хизматни сотиб олиш ёки сотиши рафбатлантириш қаратилган киска муддатли ундовчичоралар.

Тадбиркорлик лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш - тадбиркорлик лойиҳасининг сармоядан олдинги энг мухим босқичларидан бири бўлиб, унинг мақсади лойиҳани амалий рўёбга чиқариш, асосланган қарорлар қилиш учун зарур шароитлар мавжудлиги хақида якуний хуласа чиқариш.

Таймшер ( вакт бўйича бўлинishi)- туристик бизнесда кўчмас мулкка биргаликда эгалик қилиш бўлиб, бунда мулкка маълум вакт давомида эгалик қилинади ва ушбу вақтнинг муддати пул взносининг катталигига мутаносиб бўлади.

Тасдиқловчи китобча – расмий хужжат бўлиб, хизмат кўрсатганлик учун нақд бўлмаган пулда ҳисоб – китобларни расмийлаштириш мақсадида гурухлар билан бирга юрадиган таржимон - гидларга берилади. Туристлар учун хизматлар бажаришнинг тасдиғи ҳисобланади. Унда хизмат тури, туристлар сони, хақ тўланган хизматларнинг рўйхати кўрсатилади.

Турагент фирмалар – ўзлари туристик маҳсулотлар яратмайдиган лекин бозорда воситачилик қиласидиган фирмалар.

Туризм – сайдхлик қилаётган ва дам олиш, ишбилармонлик ва бошқа мақсадларда ўзининг одатдаги мухитидан ташқарида, маълум давр мобайнида жойлашган шахсларнинг фаолияти.

Туризмда кооперациялашув – турли ихтисослашган, лекин мустақил бўлган корхоналар ўртасида туристик хизматлар ва товрлар ишлаб чиқиш ва реализация қилиш бўйича доимий иқтисодий алоқаларни ташкил қилиш

шакли.

Туризм менежменти – туристик фирмаларнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ходимларни бошқариш принциплари, усуллари, воситалари ва шаклларининг йифиндиси.

Туризмда тадбиркорлик - туризм соҳаси тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги шахс ёки шахслар гурухи.

Туризмни барқарор ривожлантиришни режалаштириш – табиий, маданий ва туризмнинг бошқа ресурсларини келгусида жамиятга фойда келтирган ҳолда фойдаланиш тўғрисидаги талабларини белгилаб берувчи концепция.

Туризмни илгари суриш–туристик маҳсулот сотишга талабни шакллантириш ва уни кўпайтиришга қаратилган режалаштирилаётган тадбирлар мажмуи.

Туризмни режалаштириш - туристик бизнеснинг мақсадлари ва уларга етишиш йўлларини белгилаш. Туризмни режалаштириш – туристик ресурсларнинг мақсади, уларни сақлаш ва мувофиқлашган ҳолда ўзаро ҳамкорлик қилишини, туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш ва замонавийлаштириш, ўтказиш ва сотиш, фойда олиш бўйича ишларни бажаришнинг ҳажми, усуллари, кетма - кетлиги ва муддатини назарда тутадиган чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш.

Туризмнинг иқтисодий самарадорлиги - таҳдил этилаётган вақт давомида жонли ва буюмга айланган меҳнатни энг кам сарф қилган ва атроф-мухитни оптимал даражада сақлаб қолган мамлакат ва хорижий туристларнинг тегишли талаби мос келадиган товарлар ва хизматларнинг энг катта ҳажмини яратиш ва реализация қилиш учун ишлаб чиқариш ва туристик ресурслардан фойдаланиш даражаси билан баҳоланади.

Туристик бозор - хизматлар ва товарлар умумий бозорнинг бир қисми бўлиб, иккита ташкил этувчи таркибий қисмнинг ўзаро нисбатидан иборат. Бу ташкил этувчилар қўйидагилардир, талаб(ички ва халқаро туристик бозорлар) таклиф (туристик дикқатга сазовор жойлар ва дам олиш шакллари, туристик обьектларнинг турлари, транспорт, хизмат кўрсатиш ва тегишли инфратузилмаси тизими, реклама - ахборот фаолияти).

Туристик бозордаги коммуникатция - туристик маҳсулотнинг ҳажми, сифати, таркиби, унинг нархи ва конкрет туристик фирмалар томонидан тақдим этилиш шакли бўйича ахборатлар алмасиши тизими.

Туристик гурух раҳбари - туристик фаолият субъектининг вакили бўлиб, ушбу субъект номидан иш олиб боради, туристларни қўзатиб боради, туристик хизматлар кўрсатилиши ҳақидаги шартноманинг шартлари бажарилиши таъминлайди.

Туристик лойиҳани баҳолаш - лойиҳанинг қиймат тавсифини аниқлаш бўлиб, бунда лойиҳалаштириш, янги туристик маҳсулот ва хизматни ишлаб чиқариш ва реализация қилишга кетадиган харажатлардан келиб чиқиласди.

Туристик маҳсулот - туристлаврнинг улар саёҳат қилаётган вақт давомида эҳтиёжларни қондиришга қаратилган туристик хизматлар мажмуи.

Туристик саноат - иқтисодиётнинг шундай тармоғи бўлиб, унда

кишиларнинг касбий фаолият билан шуғилланишидан ташқари ҳар қандай мақсадда улар келадиган мамлакатда пул тўлаб бир жойдан иккинчи жойга вактинча ўтиб юришлари пайтидаги эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи ишлаб чиқариш комплекслари мужассамлашган.

Туристик фаолият субъектлари - қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва туристик фаолият билан шуғулланишга тегишли рухсатномаси бўлган корханалар, муассасалар, жисмоний шахслар

Туристик фаолиятини амалга оширишга бериладиган лицензия-махсус рухсатнома бўлиб, унинг эгаси Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги қонунига мувофиқ фаолият комплексларини амалга ошириш хукуқини тасдиқлади

Туристик фирманинг нуфузи (имижи) – туристик фирманинг мақсади йўналтирилган ҳолда шакллантирилган образи. Бундан маълум қимматли тавсифлар ажратиб кўрсатилади ва бу реклама мақсадларида турларнинг истеъмолчилари (туристлар)га ҳиссий-психологик таъсир ўtkазишга қаратилган бўлади.

Туристик хизмат - туристларнинг саёҳат ва доимий яшаш жойидан ташқарида бўлишлари вақтида уларга товарлар ва хизматларни ҳарид қилишда турли қулийликларни таъминлорвчи барча фаолиятларнинг йигиндиси.

Туристик виза - маълум вақт ичida мамлакатга туристик мақсадларда киришга рухсатнома. Шу виза билан келган турист ҳақ тўланадиган ишларда ишлашга хукуки йўқ ва белгиланган муддатдан сўнг мамлакатни тарқ этиши шарт. Виза бериш билан элчионалардаги консулилк бўлимлари шуғулланади. Виза берганлик учун йигим олинади.

Туроператор фирмалар - бозорда ўзларининг туристик маҳсулотларини таклиф қиладиган ва уни реклама қиладиган тижорат корхоналари.

Турпакет-туризмнинг моддий ва номоддий хизматлари йигиндиси. Тўртта асосий компонентни ўз ичига олади, белгиланган жой, ҳаракатланиш воситаси бўлмиш транспорт, жойлаштириш, яъни саёҳат вақтида яшаб туриши учун туристга таклиф қилинадиган жой, трансферт – туристни у етиб келган пунктдан автотранспорт билан у жойлашиши керак бўлган жойга етказиш. У мақсадли дастурни, ишлар комплекси, ишлаб чиқариш, иқтисодий, экалогик ва ижтимоий-маданий жиҳатларни, шунингдек сармоя лойиҳаларни амалга ошириш асосида натурада ва қийматда ифодаланган ресуслар харажатлари ва иқтисодий асослаб беришдан иборат.

Халқаро туризм - Ўзбекистонда хорижий туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш.

Хорижий туризм - ўз мамлакати чегарасидан ташқарига туристик боришларни ташкил қилиш.

Чартер - сув ёки ҳаво кемасини маълум рейсга фрахтлаш бўйича шартнома.

Чиқимлар - туристик корхонанинг туристик маҳсулот ва хизматлар, туристларни транспортда ташиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарф ва харажатлари.

Эга - қонуний равишда мулкка жисмоний ёки иқтисодий эгалик қиласынан шахс.

Экологик режалаштириш - туризм объектларини жойлаштиришда энг мақсадға мувоғиқ тип ва жойни танлаб олишда барча атроф-мухит элементларни тадқиқ қилиш, таҳлил этиш ва ҳисобга олиш.

Экскурсант - вақтингчалик келувчи бўлиб, у бирор мамлакатда (районда) 24 соатдан кам вақт бўлади.

Экскурсион фаолият - тарих, маданият, табиат, ёдгорликлари, музейлар, дикқатга сазовор жойлар билан танишиш мақсадида илгаридан ишлаб чиқилган маршрут бўйича мутахассис экскурсовод кузатувида 24 соатдан ортиқ бўлмаган вақт ичидаги саёҳатларни ташкил қилиш бўйича ташкилотларнинг фаолияти.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003. - 366.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисидаги” қонуни. //Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-Т.: Адолат, 2000. - 131-140 б.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари**

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги 1162 ракамили “Буюк Ипак йўли”ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада Халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора –тадбирлар тўғрисидаги” Фармони. //Халқ сўзи, 1995, 3 июнъ.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбектуризм” МКсининг ташкил топиши” тўғрисидаги фармони № ПФ-447 27 июля 1992 йил. //Халқ сўзи, 1992, 27 июль.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари**

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №346 8 августда қабул қилинган “Туристик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш” тўғрисидаги фармойиши. // Халқ сўзи, 1998. 9-август.

### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

6. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. //Халқ сўзи, 2006, 25 февраль.

7. Каримов И. А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги мэрралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим.// Халқ сўзи, 2006, 11 февраль.

8. Каримов И.А. Инсон, унинг хукуки ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. //Халқ сўзи, 2005, 9 декабрь.

9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005.-92 б.

10. Каримов И.А. Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.- Т.: Ўзбекистон, 2005. -160 б.

11. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб хисоблашар эди.- Т.: Ўзбекистон, 2005. - 62 б.

12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. -318б.

13. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 2000.-350б.

### **V. Дарсликлар**

14. Алиева М.Т., Умаржанов А. А. Туристик мамлакатлар иқтисодиёти:

Дарслик. – Т.: Молия, 2005. - 339б.

15. Алиева М.Т., Салимова Б.Х. Мәҳмонхона менежменти: Дарслик. - Т.: Молия, 2005. -275б

16. Кабушкин Н. И. Менеджмент туризма. - М.: Новое знание, 2005.- с.644.

17. Биржаков М.Б. Введение в туризм. - С.Пб.: Издательский Торговўй Дом «Герда», 2004, - 444 с.

18. Елизаров Ю. Ф. Экономика организаций. Учебник - М.: Экзамен, 2005 –496 с.

19. Одинцов А.А. Менеджмент организации. Введение в специальность. Учебное. пособие. – М.: Экзамен, 2004, –397 с.

20. Козўрев В.М. , Зорин И.В., Сурин А.И. и др. Менеджмент туризма. Экономика туризма. Учебник (серия менеджмент туризма) (ГРИФ).- М.: Финансў и статистика, 2004. –253 с.

21. Александров А.Ю. Международнўй туризм. Учеб. Изд. Гриф. Мo.- M.: Аспект. Пресс, 2004.- с.400

22. Сенин В.С. Организация международного туризма.- М.: Финансў и статистика, 2004.- 400 с.

23. Гуляев В.Г. Правовое регулирование туристской деятельности.- М.: Финансў и статистика, 2003.- 304 с.

24. Янкевич В.С. Маркетинг в гостиничной индустрии и туризме.- М.: Финансў и статистика, 2003. –415 с.

25. Валдайцев С.В., Воробьев П.П. Инвестиции. Учебник. - М.: ТК Венби, издательство Проспект, 2003.- 300 с.

26. Бутуров И.Н. Маркетинг и менеджмент иностранного туризма. - М.: Финансў и статистика,2003. –107 с.

27. Medlik, Dictionary of Travel, Tourism and Hospitality. Printed and bound in Great Britain by Biddles Ltd -3<sup>rd</sup> ed, 2003.- 256 p.

28. Brassington, F. and Pettit, S. Principles of Marketing. 2<sup>nd</sup> ed, Prentice-Hall, 2002 - 255 p.

29. Wright, L.T. and Crimp, M. The Marketing Research Process. 5<sup>th</sup> ed., Financial Times/Prentice-Hall, 2002 - 240 p.

30. Richard Sharpley and David J. Telfer, Tourism and Development: Concepts and Issues, Printed and bound in Great Britain by Cambrain Printers Ltd. 2002 300 p.

31. Middleton, Victor T.C., Marketing in travel and tourism. Printed and bound in Great Britain by MPG books Ltd, Bodmin, Cornwall -3<sup>rd</sup> ed., 2001 - 350 p.

32. Stephen J Page, Paul Brunt, Graham Busby and Jo Connell, Tourism: a modern synthesis, Printed in Italy by G. Canale & Co 2001- 240 p.

33. Villas F., Béchamel L. International Tourism. An Economic perspective. Chippenham, 2001 - 400 p.

## **VI. Ўқув қўлланмалар**

34. Бекмуродов А, Болтабоев М, Амонбаев Б, Тошхўжаев М. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида.1-қисм. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислоҳотлар. Т.: ТДИУ, 2005, 59 б.
35. Бекмуродов А, Хакимов Р, Сафаров Б, Захидов Г. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 2-қисм. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар ва фермерлик ҳаракати. Т.: ТДИУ, 2005, 66 б.
36. Бекмуродов А, Сатторов С, Тўраев Ж, Солиев К, Рўзиев С. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 3-қисм. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожи-давр талаби. Т.: ТДИУ-2005, 66 б.
37. Бекмуродов А, Тожиев Р, Қурбанов X, Алимардонов М. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 4-қисм. Молия ва банк туризмидаги ислоҳотлар самараси. Т.: ТДИУ-2005,62 б.
38. Бекмуродов А, Тоиров Ш, Махмудов Э, Исаков М, Тўраев Н. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 5-қисм. Ташқи иқтисодий сиёсат савдо ва инвестициялар оқимлари. Т.: ТДИУ, 2005,62 б.
39. Алиева М.Т, Хўжаев Ў.Х, Норчаев. А.Н. Туризм ривожланишини прогнозлаш: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2006. -214б.
40. Ирматов М.М. Алиева М.Т. ва бошқалар. Туризмни режалаштириш. - Т.: Молия, 2005. -167б.
41. Алиева М.Т., Хўжаев Ў.Х. Халқаро туризмда сиёсатни шакллантириш. - Т.: Молия, 2005. - 210б.
42. Мирзаев. Р. Солнце путешествует по миру чтобы рассеять. - Т.: Ипак «Шарқ», 2005. - 230 с.
43. Мирзаев Р. Туристические жемчужинў Узбекистана. - Т.: Ипак «Шарқ», 2005. - 38 с.
44. Алиева М.Т., Мирзаев М. ва бошқалар. Туризм ҳукуки: Ўқув қўлланма. – Т.: Талқин, 2003. -245б.
45. Косолонов А.Б. Теория и практика экологического туризма. Учебное пособие. - М.: Финансў и статистика, 2005. –253 с.
46. Жукова. М.Ж. Менеджмент в туристском бизнесе: Учебное пособие. – М.: Финансў и статистика, 2005. –288 с.
47. Жукова М.Ж. Индустрія туризма: менеджмент организаций. - М.: Финансў и статистика, 2004. –200 с.
48. Ушаков Д.С. Технология въездного туризма: Учебное пособие. – М.: Финансў и статистика, 2005. - 240 с.
49. Сапожникова. Е.Н. Страноведение. Теория и усулика туристского изучения стран. – М.: Финансў и статистика, 2005. –240 с.
50. Александров А.Ю. О природнўй туризм. Учебное пособие для ВУЗов.- М.: Аспект Пресс, 2004. –470 с.
51. Юрьев А.П. Планирование туризма: Учебное пособие. – Донецк, 2004.- 288 с.
52. Дурович А.П. Маркетинг в туризме: Учебное пособие 3-е изд., стереотип., (ГРИФ). – М.: Финансў и статистика, 2004. - 496 с.
53. Воронкова Л.П. История туризма и гостепримства: Учебное

- пособие. - М.: Финансў и статистика, 2004. - 304 с.
54. Чудновский А.Д, Жукова М.А. Сенин., В.С. Управление индустрии туризма. -М.: Финансў и статистика, 2004. –437 с.
55. Здоров А.Б. Экономика туризма. - М.: Финансў и статистика, 2004. –266 с.
56. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма: Учебное пособие. - М.: Финансў и статистика, 2003. –176 с.
57. Дурович А.П. Реклама в туризме: Учебное пособие. - М.: Финансў и статистика, 2003. - 254 с.
58. Соколова М.В. История туризма. Ученое пособие. - М.: Финансў и статистика, 2002.- 352 с.
59. Travel Guide Uzbekistan – Tashkent: National Company Uzbekturizm 2003 -10р.
60. Gee Ch. Y., Makens J.C., Chey D. The Travel Industry. 3d. Wdit. - New York John Wiley Sons Ine. 2003- 250 p.
61. Lundberg D., Krishnamurthy M. – Tourism Economics. New York: John Wiley Sons Ine. 2003 - 210 p.
62. Hospitality, Tourism and leisure Management: Issues in Strategy and Culture. London, 2003 - 265 p.
63. Opperman, Martin and Kye – Sung Chon. Successful Tourism Management: Fundamentals of Tourism – New Delhi: Sterling Publish. Private LTD., 2002 - 258 p.
64. Tourism, Crime and International Security Issues / md. By Abraham Pizam and Yoe / Mans Fold. Chichester; John Wiley Sons, 2001 - 269 p.
65. Bonifase, Priseilla. Managing Quality Cultural Tourism – London, 2001 - 223 p.

### **VII. Илмий манографиялар, мақолалар ва бошқа асарлар**

66. Перспективы развития международного туризма. Материалы V-Международной научно-практической конференции студентов и молодых ученых. – Донецк, 2002.
67. Туристик фаoliyatda солиқ муаммолари ва уларни тартибга солиш. Халқаро илмий-амалий анжуман. -Т., 2002.
68. Халқаро бозорда миллий туризм. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2001. №1-2.
69. Халқаро туризмнинг Испания иқтисодиётидаги аҳамияти. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2001. №7-8.
70. Халқаро туризм иқтисодий ривожланиш воситаларидан бири. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2001 №11-12.

### **VII.I. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган**

71. Мирзаев. Р. Солнце путешествует по миру чтобы рассеять тени. - Т.: Ипак «Шарқ», 2005. –236 с.
72. Мирзаев. Р. Туристические жемчужину Узбекистана.- Т.: Ипак

«Шарқ», 2005. –86 с.

### **VIII. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари**

73. Файзиева Ш. Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. - Тошкент, 2006.
74. Норчаев.А.Н. Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири. Номзодлик диссертацияси. – Т:; ТДИУ, 2004. -120б.
76. Хакимов Д.С.. “Ўзбекистонда миллий туризм моделининг шаклланиши, 2005 -107б.
77. Ибобеков Ф.Б. Ўзбекистонда туризм индустриясининг ривожлантириш истиқболлари, 2005 -96б.

### **XI. Илмий–амалий анжуманлар маъruzалари тўплами**

78. Алиева М.Т. Развитие индустрии туризма. «Международные Плехановские чтения», 19 апреля РЭА. им. Г.В.Плеханова, 2006.
79. Алиева М.Т. Развитие инфраструктурой туризма в Узбекистане. Материалы VII-Международной научно-практической конференции студентов и аспирантов. Донецк, 2004.
80. Норчаев А.Н. Tourism as a dynamic branch of the economy of Uzbekistan. Материалы VII-Международной научно-практической конференции студентов и аспирантов. Донецк, 2004.
81. Норчаев А.Н. The Uzbek model of tourism. Материалы VII-Международной научно-практической конференции студентов и аспирантов. Донецк, 2004.
82. Норчаев А.Н. Туризм индустрии менежменти. Республика илмий-амалий анжуман.- Т.: 2003.
83. Алиева М.Т. Тенденции развития туризма в Узбекистане. «Пятнадцатые международные Плехановские чтения», 27 апреля РЭА.им. Г.В.Плеханова 2002.

### **X. Газета ва журналлар**

84. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2, 2004.
85. «Туркистан» газетаси. 2003.

### **XI. Статистик маълумотлар тўпламлари**

- 86.Tourism: 2020 vision, Madrid, 1997, 21 p.

### **XII. Интернет сайтлари**

- [www.peugeotfa.ru](http://www.peugeotfa.ru) – цену услуг
- [www.bashexpo.ru](http://www.bashexpo.ru) – выставки, конференции.
- [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru) – туристские ассоциации.
- [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация.
- [www.wttc.org](http://www.wttc.org) – Всемирный Совет по путешествиям и туризму.
- [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru) – туристские ассоциации.
- [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация.

[www.tag-group.com](http://www.tag-group.com) – Консультативная группа по вопросам туризма (TAG).

[www.e-tours.ru](http://www.e-tours.ru) – деловъе туръ, вўставки, конференции.

[www.travel-library.com](http://www.travel-library.com) – Электронная библиотека путешествий.

[www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz) –Ўзбектуризм МК.

### **XIII. Виртуал кутубхона электрон дарслилари ва ўқув қўлланмалари**

87. Алиева М., Норчаев А. Туризм менежменти: Электрон дарслик, 2005
88. Алиева М., Кутлимуратов Ф. Туризм иқтисоди: Электрон дарслик, 2005.
89. Алиева М. Туризмда сармоя сиёсати: Электрон дарслик, 2005.

### **XIV. Битириув малакавий ишлари (бакалавриат учун)**

90. Аққұлов А. Испанияда Халқаро туризм ривожланиши ва унинг иқтисодиётга интеграциялашуви, 2005. -85 б.
91. Сидикова С. Ўзбекистон Республикасида туроператор фаолиятини ривожлантириш, 2005. - 97 б.

## **1-илюва**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони тўғридан – тўғри хусусий хорижий сармояларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида.

Мамлакатда сармоя мухитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни, модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жихозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минақаларда янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан – тўғри хусусий хорижий сармояларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳукуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан – тўғри хусусий хорижий инвесицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

Белгилансинки, тўғридан – тўғри хусусий хорижий сармоялар ҳажми қуйидагичи бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

300 минг АҚШ долл.дан 3 миллион АҚШ долларигача 3 йил муддатига;  
3 миллиондан ортиқ АҚШ долл.дан 10 миллион АҚШ долл.гача – 5 йил муддатга; 10 миллион АҚШ долл.дан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга.

2. Ушбу фармоннинг 1 – бандида кўрсатилган солиқ имтиёзлари қуйидаги шартлар асосида қўлланилиши белгилаб қўйилсин:  
мазкур корхоналар ортиқча ишчи кучи билан минтақалар – Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхандарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;

хорижий инвестор томонидан тўғридан – тўғри хусусий хорижий инвесторларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;

корхонанинг устов капиталида хорижий иштириокчиларнинг улуши камида 50 фойзни ташкил этиш лозим;

ушбу корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан – тўғри хусусий хорижий инвесторларни киритиш;

хорижий сармояларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;

мазкур имтиёзларнинг қўлланиш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта сармоялашга йўналтириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги хорижий сармоялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро Кенгаш зиммасига тўғридан – тўғри хусусий хорижий 05. - 210б жалб этиладиган ушбу фармон иловасида кўрсатилган иқтисодиёт тармоқларига тааллуқли

эканини аниқлаш вазифаси юклатилсин.

4. Қуидагилар белгилансин хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасининг кафолатисиз жалб этиладиган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизлар даромад (фода) солигини ҳисоблашда соликқа тортиладиган базага киритилмайди:

- хорижий сармоялар иштирокида янги ташкил этиладиган корхоналарнинг асосий фаолиятдан кўрадиган зарарлари 5 йил муддат ичida соликқа тортиладиган даромад ҳисобидан тўлаш учун ҳисобот давридан кейинги йилларга teng улушлар билан тақсимланади;

- кейинги қонун ҳужжатларида сармоялаш шарт – шароитлари ёмонлашган тақдирда мазкур фармоннинг 1-бандидаги имтиёзлар қанча муддатга берилган бўлса, ана шу муддат мобайнидан амал қиласди.

5. Ушбу Фармоннинг 1 –бандига мувофиқ имтиёз олган корхоналар шундай имтиёз берилган муддат тугашидан кейин бир йил барвақтрок фаолиятини тўхтаган тақдирда фойдани ўз мамлакатига ўтказиш ва хорижий инвесторнинг капиталини чет элга олиб чиқиб кетиш фақат берилган имтиёзлар суммасини бюджетга қайтарганда кейин амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солик қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо - саноат палатаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармонда белгиланган тўғридан – тўғри хусусий хорижий сармоялар учун солик имтиёзларини кўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсан ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни З-моддасининг тўртинчи қисмida хорижий инвесторлар учун белгиланган кафолатлар қўйидаги ҳолларда қўлланилиши маълумот учун қабул қилинсин;

- хорижий инвесторларга тўланадиган, дивиденд тарзида олинадиган даромадларга солик миқдори (ставкалари) кўпайиши;

- хорижий инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромадлари (фойдаси)ни ўз мамлакатига қайтариш тартиботини мураккаблаштирувчи ёки уларнинг миқдорини камайтирувчи қўшимча талаблар жорий этилиши, бунда давлат хорижий сармоялар иштирокидаги корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги ва банқротлиги ёки кредит берувчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш, хорижий инвестор-жисмоний шахс содир этган жиноий қилмиш ёки маъмурий ҳукуқбузарлик ҳолларида ёхуд суд ёки ҳакамликнинг карорига мувофиқ даромад (фойда)ни ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда хорижий инвестор маблағларини қонун ҳужжатларини камситмайдиган тарзда кўллаш шартлари асосида ўз мамлакатига қайтарилишини тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

- сармояларнинг миқдори бўйича сармоялаш ҳажмларига миқдорий чеклашлар ҳамда бошқа қўшимча талаблар, шу жумладан, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда хорижий сармояларнинг минимал миқдорини кўпайтириш тарзидаги талаблар жорий этилиши;

- республика корхоналарининг устав жамғармаларида хорижий

инвесторнинг улуш билан иштирок этиши бўйича чеклашлар жорий этилиши;

- хорижий инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва ўзайтириш борасидаги қўшимча тартиботлар, шунингдек, хорижий сармояларни амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилиши.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар хуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни З-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган кафолатларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

Бунда, юқорида кўрсатилган барча сармоялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда хорижий инвестор мазкур кафолатни қўллаш тўғрисидаги тегишли ваколатли органни хабардор қилиши назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармон қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонунчилик хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ушбу фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг биринчи ўринbosари Р.Азимов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳри “Халқ сўзи” газетаси  
2005йил 11апрель

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И.Каримов

### **Педагогик технология**

**“Туризмда сармоя сиёсати” фанини ўқитиши жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.**

1-боб. Туризмда сармоя сиёсати фанининг предмети ва аҳамияти.

(*Тақдимот усулидан фойдаланилади*)

2-боб. Ўзбекистон иқтисодиётида халқаро туризмнинг роли.

(*Видео-кассетадан фойдаланилади*)

3-боб. Ўзбекистоннинг замонавий туризм индустряси.

(*Видео-кассетадан фойдаланилади*)

4-боб. Давлат иқтисодиётини мустаҳкамлашда хорижий сармоянинг аҳамияти.

(*Тақдимот усулидан фойдаланилади*)

5-боб. Туризм ҳолатининг таҳлили ва унинг ривожланиш муаммолари.

(*Фикрлар хужумидан фойдаланилади*)

6-боб. Туризм соҳасининг муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари.

(*Тақдимот усулидан фойдаланилади*)

### **“МУЛОҚОТ” тренинги**

Тренинг ҳақида тушунча. Ушбу тренинг ўқувчи-талабаларнинг дарс жараёнида мустақил фикрлашга, ўз фикрларини эркин ҳолда баён эта олишга ҳамда уларда бахсласишиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда бундай машғулот тингловчилар кам бўлган ҳолда ўтказилади.

Мақсад. Танланган мавзуу, муаммо асосида тингловчиларнинг фикрларини ҳамда ушбу мавзуга бўлган муносабатларни аниқлаш, мустақил ҳолда умумий бир фикрга келишларига ва тўғри хулоса чиқаришларига ёрдам бериш, эркин ҳолда бахсласишишларига шароит яратиш.

Ўтказилиш тартиби. Тренинг машғулотни бошлашдан аввал тингловчиларни мулоқат бахс- мунозарани ўтказишга қўйилган талабалар, қоидалар билан танишитиради, сўнгра ушбу тренинг босқичма - босқич ўтказилишини тушунтиради.

1-босқич. Тренер машғулотларни ўтказиладиган мулоқотнинг мавзусини аниқлашдан бошлайди, масалан, “Сиз қайси маданият тарафдорисиз: Шарқ ёки Европа?”. Шу мавзуни ўртага ташлаб тингловчилардан Шарқ маданияти ва Европа маданияти таравдорларини аниқлаб олади. Уларни шу тартибда гурухларга бўлади.

2-босқич. Ҳар бир гурухдаги тингловчилар ўз мавзулари асосида керакли материаллар: далиллар, мисоллар, аниқ фикрлар, ўз фикрларини тасдиқловчи кўргазмали материаллар, имкон бўлса видео-фильм, мақолалар, мутафаккир ва олимларнинг сўзлари ва хакозоларни тайёрлайдилар. Гурухдан бир кишини химоя учун танлайдилар, қолган эса ўз фикрларини кўшишма қилишлари мумкин. Тренер гурухларни таёргарлик кўришлари учун шароит ва имконияга қараб вакт беради.

3-босқич. Гурухлар химояга тайёр бўлгач, тренер гурухларнинг бирига химоя учун сўз беради. (химояга чиқиши ихтиёрий равишда бўлиши мумкин). Гурух вакили гурух номидан сўзга чиқиб, уларга беришган мавзуни тайёрланган материаллар, далиллар асосида химоя қилишга киришади. Гурух вакили сўзини тугатгач, гурухнинг қолган аъзолари ўз фикрлари билан қўшимча фикрлар билдиришлари мумкин.

4-босқич. Машғулотнинг 3-босқичидаги каби бу босқичда ҳам тренер навбатдаги гурух вакилига химоя учун сўз беради. 2-гурух ҳам 1-гурух каби ўз мавзуси бўйича химоя қиласди. Химоя тугагач, тренер машғулотнинг кейинги босқичига ўтади. Ҳар иккала гурухнинг химояси вақтида тренер иложи борича уларга халақит бермасликка, ўз фикр ва мулоҳазасини билдириласликка савол бермасликка ҳаракат қиласди. Ҳеч қайси гурухга ён босмаган ҳолда мулоқатни бошқаради, гурухлар химояси вақтида тартиб сақлашига ва мулоқатни ўтказишга қўйилган талаб ва қоидаларнинг тўлиқ бажарилишига ҳаракат қиласди. Бу босқичда, асосан, икки гурух эркин, мустақил фаолия кўрсатиши керак бўлади.

5-босқич. Гурухлар бир-бирларига савол беришни бошлайдилар. Гурухлар томонидан бериладиган саволлар улар химояси вақтида айтилган далиллар, мисолар, фикрларни янада ойдилаштириш мақсадида, шунингдек, ўз фикрларини янада таъкидлаб, исботлаб, қолганларини ҳам шу фикрга қўшилишларига даъват қилиш учун берилиши мумкин. Тингловчилар эркин ҳолда ўз чиқиши билан барчага таъсир кўрсатишига, ўз фикрларини маъқуллашга ҳаракат қиласдилар. Тренер бундай ҳолатга шароит, имконият яратади. Яъни у баҳс мунозарани самимилик билан бошқаради.

6-босқич. Тренер ҳар икки томоннинг бир-бирларига саволлари айтадиган фикрлари, маъқуллайдиган сўzlари тугагач ҳар икки гурух томонидан айтилган фикрларни умумлаштиради ва бу масала хақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этади ва гурух тингловчилари томонидан тушган саволларга керакли жавобни беришга ҳаракат қиласди.

Машғулот охирида тренер ҳар иккала гурухнинг машғулот жараёнидаги фаолиятларини таҳлил этиб, уларга миннатдорчилик биладиради ва машғулотни якунлайди. Ушбу тренингнинг давомийлиги шароитга қараб белгиланади.

## АҚЛИЙ ҲУЖУМ

Ақлий ҳужум гурухлараро ишларда қўлланиладиган, кўплаб ғояларни ишлаб чиқиши мумкин бўлан усуллар. Бу хақиқатдан ҳам талабаларнинг ўкув жараёнида фаол иштирок этишлари, турли ғояларни баён қилиш чоғида бошқаларни ҳам қизғин ишга йўллашлари, илҳом билан ишлашларига имкон берувчи ва унга рағбатлантирувчи усуллар. Ақлий ҳужум шунинг учун ҳам фаоллаштиришнинг муҳим усулини, унда танҳо ишлаш мумкин эмас, биргина ғоя гурухнинг барча иштирокчиларини бир хилда ўзига тортиб олади. Ўқитувчи савол ёки мавзуни ажратиб олиши зарур, кейин эса ўкув фаоллиги 5 – 10 дақика оралиғидаги вақт чегарасида енгиллаштирилади. Ақлий ҳужум турли тарзда қўлланилиши мумкин: масалан, қандайдир

мавзуни мұхокама қилиш учун янги савол қўйиш ёки исталаги қандайдир муаммони ҳал этиш учун.

**Асосий қоидалари қўйидагилар:**

1. Айтилаётган барча ғоялар бир-бирига нисбатан мұхимлиқда тенгдир.

2. Киритилаётган ғояларга нисбатан танқид мавжуд эмас.

3. Фояни тақдим этаётган пайтда сўзловчининг гапини бўлмаслик.

4. Сўзловчига нисбатан баҳоловчи компонент мавжуд эмас.

Усулни ишлатишга киришмоқ...

1-усул – гурухнинг барча иштирокчиларига бир мавзу бир савол кўйилади.

1. Ўқитувчи ўкув жараёнида ташаббусни ўз қўлига шундай тарзда олади: Авудиториядаги барча талабаларга савол беради ва қандайдир маҳсус мавзуга дахилдор барча мумкин бўллагн фикрларни айтишини сўрайди.

2. Барча, хатто ахмақона ғояларни айтишга рухсат берилади. Айтилаётган фикрлар ичida биргина асосий мавзу сакланиб қолиши шарт.

3. Бирортасининг ҳам фикри шарҳланмайди, танқид қилинмайди, баҳоланмайди.

4. Асосий фикрларни ўқитувчи флип – карта доскага ёзиб олади ёки экранда кўрсатади.

5. Ақлий ҳужум тугагач, барча ғоялар тўпланиши, гурухларга ажратилиши ёки категорияларга ажратилиши мумкин.

2-усул – барча мавзу ва саволлар умумий йўналишни сақланган ҳолда катта гурух таркибидаги гурухчаларга тақдим этилади.

1. Ўқитувчи умумий мавзу бўйича бир неча, балки 4 - бта савол тайёрлаш мумкин.

2. Катта гурух кичик гурухчаларга ажратилади ва ҳар бир гурухчага ақлий ҳужум учун алоҳида савол берилади.

3. Ҳар бир гурухга ақлий ҳужум маҳсулотини ёзиб олиш учун биттадан киши ажратилади, кейинчалик, жараён тугаши билан уни гурухнинг барча аъзоларига тақдим этади.

4. Ғоялар ҳар бир гурухга томонидан катта сахифага маркетдан фойдаланиб ёзиб олиниши мумкин. Шундай сахифа – плакатнинг юқорисига тайёрланган саволлар ёзиб қўйилади. Сахифа – плакат жараёнининг охирида ҳар бир хоҳловчи нима ёзилган ва жамланганлигини кўриш учун осиб қўйилади.

5. Ақлий ҳужумнинг бу усули вактнинг қисқача даврида бир саволнинг бир неча жиҳати ишлаб чиқилиши зарур бўлган жойда, айниқса, фойдалидир.

6. Ўқитувчи раҳбар – ёрдамчи сифатида харакат қиласи ва бир гурухдан иккинчи гурухга ақлий ҳужум амалга оширилаётган пайтда ўтиб туради.

Мұхим ғоялар ақлий ҳужум пайтида ишлаб чиқилган бўлиши ва мунозараларда мұхокама этилган бўлиши керак.

Кўпинча мұхим ғоялардан белгилаш ва улар ичидан энг яхшиларидан

танлаб олиш чоғида аудиторияга ёрдам бериш эхтиёжи тез – тез юзага келиб туради. Яъни, номигагина кичик корхона яратиш каби. Якуний хуласага келиш, айниқса, қийин. Бу табиий, чунки ҳар бир иштирок этувчи “ўзимнинг ғоям энг яхши” деган хусусият хосдир. Умумий позиция, ҳар қалай, тезда топилади ва бундан қуйидаги усул ёрдамга келиши мумкин.

Танлаш ва ҳисобга олиш тизими учун беш модда: усул қандайдир бир ғояни ҳал этиш пайтида, яъни номигагина кичик корхона тайёрлаш ҳолатларида бенуқсон ҳисобланади:

ҳар бир киши турли йўл билан фойдаланиш мумкин бўлган 5 модда ажратилади, бундан ташқари улар ўзларининг шахсий ғояларига уларни боғлашлари мумкин эмас, яъни улар 5 модданинг барчасини ихтиёрий бир тахминга бериши ёки бошқа тахминларга 3 ва 2 нисбатан тақсимланиш мумкин. Улар, хатто, шуни истасалар, ҳар бир ғояга алоҳида модда ажратишлари мумкин. Улар 5 модданинг барчасидан фойдаланишлари зарур.

Моддалар йигилади ва кўп сон бериш йўли билан ҳал этиш мумкин:

Мунозарали ҳолатларини овоз бериш йўли билан ҳал этиш мумкин:

Ҳар бир иштирокчи томонидан сахифага ишлаб чиқилган ва қайд этилган мухим фикрлар йигилади, энди гурух сахифаси шаклида қайтадан таърифланади.

- бунинг энг осон йўли гурухчаларида иштирок этувчиларнинг барча ғоялари қайд этилган ўзун сахифа тайёрлашдир, ғоя тақорланаётган ҳар бир ҳолатда унинг ёнига белги қўйиш зарур:

- назар ташласангиз, дастлаб барча 10 ғоядан энг юқори тўпланган балга кўзингиз тушади, шундан сўнг пасайиш тартибида қолган умумий баллар ўрин олди ва бошқалар:

- агар сиз 10 ғоядан иборат сахифани якунлай олмасангиз, 5 моддадан иборат ҳисоблаш тизимидан фойдаланишингиз мумкин. Юқорида таъкидланганидек, сахифада қолган ғоялар асосида шундай демократик йўл билан кутилган натижаларга эришилади.

## ТАҚДИМОТ УСЛУБИ

Тақдимот услубида талаба мустақил равища ахборат йигади ва таҳлил қиласи. Талаба ёки талабалар гурухи мустақил равища ўз гурухи олдида бошқа манбалардан йигилган ахборотларни жамлайди ва таҳлил қиласи.

1-босқич. оммавий ахборот воситалари, интернет, маҳсус адабиётлар каби ноанъанавий манбалардан ахборотларни йиғиши.

2-босқич. Даствлабки таҳлил, тўғрилаш (корректировка), маърузани тайёрлаш (тақдимотга).

3-босқич. Гурух олдида аниқ мавзу орқали тақдимот қилинади.

4-босқич. Ахборот етказилишини баҳолаш ўқитувчи томонидан, шунингдек гурух томонидан аниқ мезонлар бўйича:

-ахборотнинг (докладни) тўлиқлиги;

-ахборотнинг ишончлилиги;

-мавзунинг долзарблиги;

-мавзу билан боғлиқлик даражаси.

1-боб. Туризмда сармоя сиёсати фанининг предмети ва аҳамияти.

(*Тақдимот усулидан фойдаланилади*)

4-боб. Давлат иқтисодиётини мустаҳкамлашда хорижий сармоянинг аҳамияти. (*Тақдимот усулидан фойдаланилади*)

6-боб. Туризм соҳасининг муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари. (*Тақдимот усулидан фойдаланилади*)

## **ФИКРЛАР ҲУЖУМИ**

Бевосита жамоа бўлиб “Фикрлар ҳужуми” (Мозговая атака) олиб бориш. Бу усулдан мақсад мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йиғиши, талабаларни айни бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараённида дастлаб пайдо бўлган фикрларни ечишдир. Бу усул А.Ф.Особори томонидан тавсия этилган. Бу усулнинг асосий тамойили ва қоидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиқсан ғоялар танқидини мутлақ таъқиқлаш ҳар қандай луқма ва ҳазил – мutoибани рағбатлантиришдир. Бу усулдан фойдаланишнинг муваффақияти кўп жихатдан ўқитувчи – машғулот раҳбарига боғлиқ. “Фикрлар ҳужуми” иштирокчилари миқдори 15 кишидан ошмаслиги керак. Машғулотнинг давомийлиги бир соатгача.

Ялпи “Фикрлар ҳужуми”. Бу усул Ж. Доналъд Филипс томонидан ишлаб чиқилган. У катта гурухларда (20 дан 20 тагача бўлган) янги ғоялар ишлаб чиқилган самарадорлигини сезиларли даражада оширишини таъминлайди. Барча иштирокчилар кичик – кичик 5 - 6 кишидан иборат гурухларга бўлинади ва ҳар бир кичик гурух ҳал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 дақиқа давомида мустақил равишда ўзаро “Фикрлар ҳужуми” ўтказади. Шундан сўнг ҳар бир кичик гурух вакили ўз гурухларидан ишлаб чиқилган ғоя ҳақида ахборот берадилар ва ўқитувчи раҳбарлигига жамоа бўлиб унга баҳо берадилар ва улардан энг яхшилари, бетакрорлари танлаб олинади.

5-боб. Туризм ҳолатининг таҳлили ва унинг ривожланиш муаммолари.

*Фикрлар ҳужумидан фойдаланилади.*

3- илова

### Ахборот технологияси

Туристлар 2002 йилда қаерга сафар килган

№	Мамлакатлар номи	Сони, млн.	Даромад, млрд
1.	Европа	400	240
2.	Америка қитъаси	114	114
3.	Шарқий Осиё / Океания	131,2	94,6
4.	Африка	29	11,7
5.	Яқин Шарқ	27,5	12,9
Жами		702	474

2002 йилда қайси мамлакатларга туристлар кўпроқ келган

№	Мамлакатлар номи	Сони, млн.	Даромад, млрд
1.	Франция	77	32
2.	Испания	52	33,6
3.	АҚШ	42	66
4.	Италия	40	27
5.	Хитой	37	20,3
6.	Англия	24,1	17,5

Баъзи алоҳида мамлакатларга келувчиларнинг намунаси

№	Мамлакат	Сони, млн.	Даромад, млрд.
1.	Венгрия	15,8	3,2
2.	Россия	8	4,1
3.	Туркия	12,8	9
4.	Испания	52	33,7
5.	Польша	14	4,5
6.	Хиндистон	2,3	2,9
7.	Япония	5,2	3,5

### Туризм ва меҳмондўстлик ташкилотлари сармоя фаолиятини баҳолаш мезонлари



I гурӯҳ

Дисконтланган баҳолар  
асосида баҳолаш мезонлари

II гурӯҳ

Ҳисоб баҳолари асосида  
баҳолаш мезонлари



Келтирилган соғ фойда (Net)

Сармояларнинг ўзини оқлаш

Present Value, NPV) Сармоялар рентабеллиги индекси (Profitabiliti Index, PI) Даромадлиликнинг ички нормаси (Internal Rate of Return, IRR) Даромаддлиорликнинг модификация қилинган ички нормаси (Modified Internal Rate of Return, MIRR) Сармояларнинг дисконтланган ўзини оқлаш муддати (Discounted Payback Period, DPP)	муддати (Payback Period, PP) Сармояларнинг самарадорлиги коэффициенти (Accounting Rate of Return, ARR)
---	---

1-расм. Туризм ва меҳмондўстлик саноати ташкилотларида сармоя лойиҳаларини баҳолаш мезонлари

### **15000 та мавзулар тўплами**

**ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодиёт мутахассисликлари бўйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари, магистрлик,**

**номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари**

1. Инвестиция қарорлар қабул қилишда рискларни баҳолаш муаммолари.(3599)
2. Инвестиция бозор тузилмасида тижорат банклари ролини баҳолаш муаммолари. (3581)
3. Ўзбекистонда хорижий сармоялардан самарали фойдаланишни баҳолашни такомиллаштириш.(3574)
4. Ўзбекистон Республикасида валюта бозорининг шаклланиши ва баҳолаш муаммолари ҳамда унинг келажакда ривожланиш истиқболлари.(3609)

### **Адабиётлар шархи**

**«Туризмда сармоя сиёсати»** фанидан маъруза матни тайёрлаш даврида қуйидаги адабиётлар кенгроқ ва чуқурроқ шарҳланди:

1. Кабушкин Н. И. Менеджмент туризма, 2004.
2. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма: Учебное пособие. -М.,2003.
3. Александров А.Ю. Международный туризм: Учебник.- М., 2004.
4. Тухлиев. Н, А.Таксанов Экономика большого туризма Ўзб.Мил Энцикл, 2001.

Н.И.Кабушкиннинг «Менеджмент туризма» китобида асосан менежмент масалалари ёритилган. Ушбу китобда истеъмолчи, талаб, эхтиёж, таклиф, бозор сегменти масалалари чуқур ва етарли берилган. Лекин туризм соҳасида ўрганилганда мақсадга мувоғиқ бўлар эди.

Балабанов И.Т., Балабанов А.И. «Экономика туризма» китобида туризм иқтисоди масалалари қисман ёритилган. Туризмни ўрганишда туризм бозори унинг сегментлари, туризмда талаб ва таклиф муносабатлари ўрганилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

А.Ю. Александровнинг «Международный туризм» китобида ривожланган мамлакат туризм моделлари кўриб чиқилган. Россия туризми мисолида туроператорлар, турагентлар фаолияти ўрганилган. Туризмда талаб ва таклиф муносабатлари кўриб чиқилган.

Н.Тухлиев., А.Таксановларнинг «Экономика большого туризма» китобида Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши ва унинг истиқболлари кўрсатиб берилган., лекин туризм бўйича иқтисодий кўрсаткичлар чукур таҳлил қилинмаган.

**М.Т. АЛИЕВА, И.А. АХМЕДОВ**

## **ТУРИЗМДА САРМОЯ СИЁСАТИ**

(Ўқув қўлланма)

**Муҳаррир: Вахобова М.М.**

**Техник муҳаррир: Сайфутдинов Ш., Пирматов X.**

**Компьютерда сахифаловчи ва дизайн: Хайдаров Н.**

**ТДИУ босмахонасида босилди.**

**700049, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй.**

**Шартли босма табоғи – 6,3**

**Адади 500 нусха**







104,1,102,3,100,5,98,7,96,9,94,11,92,13,90,15,88,17,86,19,84,21,82,23,80,25,78,2  
7,76,29,74,31,72,33,70,35,68,37,66,39,64,41,62,43,60,45,58,47,56,49,54,51

2,103,4,101,6,99,8,97,10,95,12,93,14,91,16,89,18,87,20,85,22,83,24,81,26,79,28,7  
7,30,75,32,73,34,71,36,69,38,67,40,65,42,63,44,61,46,59,48,57,50,55,52,53